ЖС-877
2005:3

# O'ZBEKISTON TARIXI



3
2005

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

# O'ZBEKISTON TARIXI

*Jurnalga 1998 yil iyulda asos solindi*
*Bir yilda to'rt marta chiqadi*

**3**
**2005**

Toshkent
O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
«Fan» nashriyoti

O'zR FAAK
2005 ... 4-1

*Таҳрир ҳайъати:*

Дилором АЛИМОВА (*бош муҳаррир*), Азамат ЗИЁ, Шоира АСАДОВА (*масъул котиб*), Омонулла БЎРИЕВ, Алишер ДОНИЁРОВ, Доно ЗИЁЕВА, Неъматилла ИБРОҲИМОВ, Зоҳиджон ИСЛОМОВ, Ўткир ИСЛОМОВ, Мирсодиқ ИСҲОҚОВ, Элёр КАРИМОВ, Розия МУКМИНОВА, Зоя ОРИФХОНОВА, Эдвард РТВЕЛАДЗЕ, Рустам СУЛАЙМОНОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*), Маргарита ФИЛАНОВИЧ, Темур ШИРИНОВ, Асомиддин ЎРИНБОЕВ, Фарҳод ҚОСИМОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ.

*Манзилимиз:*

*700170, Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.*
*Телефонлар: 133-47-12; 162-38-73.*

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти, 2005 йил.

*А. Отахўжаев*

# ҒАРБИЙ СУҒДНИНГ СУҒОРИШ ТАРМОҚЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ АТАМАЛАР ХУСУСИДА

Табиий-географик ўрнига кўра Зарафшон водийси учта йирик воҳадан иборат бўлиб, бу воҳалар ўзаро табиий чегаралар билан ажралиб туради.

Зарафшоннинг юқори оқимидан бошланувчи Самарқанд воҳаси Самарқанд ботиғида жойлашган бўлиб, шимолдан Ғубдинтоғ - Оқтоғ - Қоратоғ, жанубдан Қоратепа - Зирабулоқ - Зиёвуддин каби тоғлар билан ўралган. Бу воҳа текисликлари анча кенг бўлиб, фақат Навоий шаҳридан ўтиб торайяди ҳамда Қизилтепа ва Офтобачи қирлари бир-бирига яқинлашиб, Ҳазар йўлагини ҳосил қилади. Ундан ўтиб дарё водийси текислиги яна кенгаяди ва жануби-ғарб томон йўналишини ўзгартиради. Шундан сўнг Бухоро воҳаси бошланади. Бухоро воҳасининг узунлиги 70 км. га етиб, дарё деярли текисликдан оқади ва воҳа табиий текисликка айланади. Воҳа шимолдан Қизилқум билан, шарқдан Кўштепа, Азкамар, Кўйимозор, Қайнағач, Қумсултон каби тепаликлар, жануб ва жануби-ғарбдан эса Қоракўл платаси билан ўралган. Воҳани кўплаб каналлар ва ариқлар кесиб ўтган.

Зарафшон воҳасининг Бухоро воҳасидаги қисми жануби - ғарбий йўналиш сари торайиб, Қоракўл йўлагини ҳосил қилади. Шу ердан Қоракўл воҳаси бошланади. Бу воҳа жануби-ғарбдан Сандиқли қуми, шимоли-шарқдан Қоракўл платаси, жанубдан Эшакчи қумлиги билан ўралган. Умуман, бутун Зарафшон водийси иқлими континентал иқлим ҳисобланади. Юқоридаги омиллар Зарафшоннинг ўрта ва қуйи оқими бўйлаб суғорма деҳқончилик учун қулай имконият яратган[1]. Айнан шу ҳудудда давлатчилик негизлари шаҳарлар ва шаҳар-давлатлар пайдо бўлишига замин вужудга келган[2].

Азалдан қабилавий жамоалар ва иттифоқлар келиб ўрнашган манзиллар сув ҳавзаларига яқин бўлиб, сув тармоқлари ва қулай табиий

---

[1] Мухаммаджонов А. Қадимги Бухоро. Тошкент: Фан, 1991. 9-10-бет.

[2] Эшов Б. Суғдиёнанинг илк шаҳарлари // Фан ва турмуш. 2000. № 3. 12-13-бетлар.

шароит уларнинг муайян ҳудудда муқим қолишлари ва доимий ўтроқ аҳоли сифатида шаклланишлари учун имконият берган. Қадимдан Зарафшон дарёси қуйи оқими ҳавзаси бошқа минтақалар, жумладан, Фарғона водийси каби деҳқончилик учун қулай ҳисобланган ва бу ерда ҳам неолитдан (мил. авв.VI-IV минг йиллик) деҳқон жамоалари манзилгоҳлари ташкил топган. Милоддан аввалги II минг йиллик ўрталари ва охири ҳамда I минг йиллик бошларида бу жараён янада тезлашди. Ҳатто, Зарафшон этакларида чорвадор уруғ - жамоаларининг «қишлоқлари» ҳам қад кўтара бошлади[3].

Уруғ-жамоаларининг ўтроқлашуви учун мавжуд бўлган табиий шароит қуйидагилардан иборат эди. Зарафшон дарёси қуйи оқими Қизилқум даштларида катта-кичик кўллар ҳосил қилиб, жилғалар бўйлаб Амударёга етиб борган. Неолит даврида Зарафшон бешта тармоқ орқали Амударёга қуйилганлиги археологлар томонидан аниқланган. Ҳозирги Вобкентдарё, қуриб қолган Мохандарё, Гурдуш, Гужайли ва бошқалар Зарафшоннинг тошқинлар ҳосил қилган қадимги тармоқларидир. Қуриб қолган Мохонкўл, Сатторкўл, Патталикўл, Чуқуркўл, Ўртакўл, Лухликўл ва бошқа кўллар Зарафшоннинг қадимги ўзанлари бўйидаги кўҳна кўллар сирасига киради [4]. Ушбу ўзанларни аҳоли «сувлот» деб номлаган. Бешта сувлот орқали Амударёга етиб борган йирик тармоқ Мохандарё деб номланган [5]. Ҳозирда шўрланиб, аҳоли томонидан Катта ва Кичик тузкон номлари билан юритилади. Ушбу ҳудудда археологлар юзлаб манзилгоҳлар топишган [6]. Дастлаб, деҳқончилик фақат дарё этакларида махсус суғориш талаб этмайдиган, пастқам, захкаш, ботқоқ жойларда олиб борилган. Зарафшоннинг қуйи этаклари ҳам худди шундай қулай жойлардан ҳисобланган.

Бронза даври охирларига келиб (мил. авв. I минг йиллик охири I минг йиллик бошлари), меҳнат қуролларининг такомиллашуви натижасида суғорма деҳқончиликнинг шаклланиши учун қулай ижтимоий, иқтисодий имконият вужудга кела бошлаган. Бу эса аҳолининг ёзлоқ (ёйлоқ) манзилгоҳлардан қишлоқ (ўтроқ) манзилгоҳларга ўрнашишини характерлади. Доимий қишлоқлар кўпайиб, чорвадорларнинг катта бир қисмининг ўтроқлашувига олиб келди. Муқим яшовчи аҳоли сони

---

[3] Аскаров А. Ўзбекистон тарихи (энг кадимги даврлардан эрамизнинг V асригача). Тошкент: Ўкитувчи, 1994, 52-53-бетлар; Муҳаммаджонов А. Қадимги... 31-бет.

[4] Муҳаммаджонов А. Қуйи Зарафшон водийсининг сугориш тарихи. Тошкент: Фан. 1972. 32-бет.

[5] Аскаров А. Ўша асар, ўша бет; Муҳаммаджонов А. Қуйи Зарафшон... 11-бет.

[6] Гулямов Я.Г., Исломов У., Аскаров А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. Ташкент, 1966.

ўсди ва янги ерларни ўзлаштириш талаби кучайди. Бунда, табиий сув тармоқларининг ўрни беқиёс эди. Шундай табиий тармоқлардан бири Вобкентдарё бўлиб, манбаларда Говхитфар ва Хитфар номи билан учрайди[7].

Бухоро воҳаси суғориш тармоқлари атамаси хусусида гап борганда Я.Ғуломов фикрларини эътиборга олиш лозим бўлади. Жумладан, «гов» олд қўшимчасини у Ўрта Осиёнинг қадимги халқларида «тармоқ» ёки «дарё»ни англатувчи «ўкуз» атамасига эквивалент сифатида талқин этилади. «Ўкуз» сўзига боғланиб келган топонимлар сингари Говхитфар номи ирмоқни англатади деб ҳисоблайди[8]. Говхитфар бизнингча, айнан Хитфар ариғи деб талқин этилиши мумкин. Кейинчалик қадимги Говхитфар Вобкентдарё деб номланган. А. Муҳаммаджонов Вобкентдарёни ҳам аввалги атама давомида турувчи «Вобкент томон оқадиган дарё» деб талқин қилган[9]. Бу ҳолат атамадаги мантиқий боғлиқликни кўрсатади.

Археологлар хулосасига кўра, Хитфар ҳудудида неолит ва бронза даври (мил. авв. IV минг йиллик охири ва мил. авв. II минг йиллик) да табиий шароит деҳқончилик учун қулай бўлган. Дастлабки ибтидоий деҳқончилик, суғорма деҳқончилик билан алмаша бошлагач, мил. авв. II-I асрларда кўплаб суғориш шохобчалари вужудга келган. Хитфар ўз ўрнига кўра Зарафшон қуйи оқимидаги дельта ҳосил қилган қадимий табиий ўзанлардан бири ҳисобланган[10]. Ўша замонларда Зарафшон ўз водийсида кенг майдон ҳосил қилиб оққан. Фақатгина Бухоро воҳасига тор Хазора дарбандидан ёриб киргач, воҳа бўйлаб Хитфар, Рудизар (Шоҳруд), Қоракўлдарё, Мохандарё ва Тойқир каби тармоқлар ҳосил қилиб ёйилган ва ўз ўрнида кўл, ботқоқликларда қалин бутазор ҳамда тўқайзорларни вужудга келтирган. Худди шундай йирик сув ҳавзаларидан бири Денгизкўл ва Қоракўл (туркий катта, улуғ кўл маъносида) бўлиб, ўрта аср манбаларида «Бухайрайи Самжон» («Самжон денгизи»), «Баҳр ул- Бухоро» («Бухоро денгизи»), «Борғини Фарроқ» («Кенг ҳовуз»), «Мавозайи Бойканд» («Бойканд ёнидаги кўл») номлари билан

---

[7] Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент: Камалак. 1991. 111-бет; Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX- начало XX в.)//Материалы к исторической географии Средней Азии.Ташкент: Университет, 2001. С. 10; Чехович О. Д. Бухарские документы XIV в. Ташкент: Наука, 1965. С. 147, 224; Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве XVII- XIX вв. Вып. I. Ташкент: Наука, 1954. С. 184, 187.

[8] Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи: қадимги замонлардан ҳозиргача. Тошкент, 1959. 144-145-бетлар.

[9] Муҳаммаджонов А. Ўша асар. 33-бет.

[10] Ўша асар. 36-бет.

тилга олинади[11]. «Ҳудуд ул-олам»да Зарафшоннинг деҳқончиликдан ортган қисми «Мавозайи Бойканд» кўлига қуйилиши айтилади[12].

Манбалар асосида Ғарбий Суғд – Бухоро воҳаси гидротопонимларини ўрганиш уларнинг номланиши масаласига бир қадар ойдинлик киритади. Воҳа гидротопонимларини уч хил тил гуруҳи асосида ажратиш мумкин бўлади. Биринчиси, гидротопонимларнинг қадимий номланиши то араб истилосига қадар даври; иккинчиси, араб истилосидан кейин этник жараёнлар таъсирида шаклланган номланиш ва учинчиси, рус истилосидан кейинги давр билан боғлиқ номланишдир. Бу ўринда гидротопонимларнинг барчасини таҳлил қилмай кенг қўлланилган айрим номланишларга эътиборни қаратамиз.

Тарихий манбаларда «Зарафшон» номи XVIII асрнинг бошидан тилга олинади. Дарё ва водий тўғрисидаги қадимги ёзма ёдгорликлар, жумладан, антик давр муаллифлари «Политимет» қадимги юнонча ҳурматли, улуғвор маъносини берувчи номни келтирадилар[13]. Бу маълумотлар Ўрта Осиё географияси ҳақидаги бир қадар аниқ ва ишончли ҳисобланади. Бундан ташқари хитой манбаларида Зарафшон дарёсига нисбатан «Нами» ёки «Намик» учрайди[14]. А.Муҳаммаджонов фикрига кўра, хитой манбаларидаги «Нами» баъзан Сирдарёнинг юқори оқимига нисбатан ҳам ишлатилган[15]. Нами ёки Намик атамаси суғд тилида «номли», «номдор» маъноларини беришини назарда тутсак, «Зарафшон» дарёсига нисбатан қўлланилган барча атамаларнинг мазмун-моҳияти бир эканлигини кузатамиз.

Араб манбалари Зарафшонни «Мосаф» ёки «Мосиф», «Водий ус - Суғд», «Наҳр ус - Суғд», «Наҳр ул - Бухоро» номлари билан тилга олади[16]. Бу ўринда антик давр муаллифлари каби дарёни сифатлаш орқали эмас, балки муайян тарихий-географик жой номи билан аталишига урғу берилган.

---

[11] Наршахий. Бухоро тарихи... 100-бет; Муҳаммаджонов А. Қадимги... 9-10-бетлар.

[12] Худуд ул Алем. Рукопись Туманского с введением и указателем В.Бартольда. Л.: Госиздат, 1930. С. 90.

[13] Муҳаммаджонов А. Қуйи... 56-бет; Арриан. Поход Александра / Пер. с древнегреч. М.Е. Сергеенко. М.; Л: Наука, 1962. С. 139; Квинт Курций Руф. О деяниях Александра Македонского // Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н. э. – III в.н.э.). Хрестоматия / Под ред. Баженова Л.В. Ташкент, 1940. С. 69; Страбон. География. XI. II // Древние авторы о Средней Азии. Ташкент, 1940. С. 85.

[14] Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М.; Л.: Наука, 1953. Т.III. С. 189.

[15] Муҳаммаджонов А. Қуйи... 57-бет.

[16] Истахри. ВГА I. б. 204, 306.

Зарафшоннинг юқори оқими ҳисобланган Фандарё тадқиқотчилар фикрича, Зарафшоннинг бош ўзани ҳисобланган. Буни, ҳатто XIX аср 40-йилларида Россиядан Бухорога юборилган экспедиция иштирокчиси, рус инженери Ф. Богословский ўз маълумотлари билан тасдиқлашга ҳаракат қилган[17]. Суғд тили нуқтаи назаридан Фандарё атамасини икки хил талқин қилиш мумкин. Биринчидан «упари»- юқоридаги дарё, иккинчидан «фарн» - бахт, саодат дарёси каби. Бу иккала талқин ҳам ўз мазмунига кўра Зарафшонга нисбатан қўлланилган юқоридаги атамаларга мос келади.

Ўрта аср араб географлари томонидан Зарафшонни Суғд ёки Бухоро дарёси деб номлашлари ҳам табиий ҳол ҳисобланган. Чунки, Зарафшон Амударё (Жайҳун) ва Сирдарё (Сайҳун) каби турли минтақалардан ва вилоятлар ҳудудларидан оқиб ўтмай, балки айнан Суғд ҳудудидан ўтган. Шарқий Суғд чегарасидан бошланиб, Ғарбий Суғд - Бухорода тугаган. Қолаверса, Суғднинг асосий «қон томири» ҳисобланган.

Зарафшон дарёсининг қадимги топонимлари орасида X аср муаллифи Наршахий томонидан тилга олинган «Ҳаромком» атамаси [18] ҳам учрайди. Бу атамага аниқлик киритиш мақсадиданоширлар «Тарихи Наршахий»нинг 1904 йил Когон шаҳрида нашр этилган нусхаси «Ҳаромком деб, Зарафшон дарёсини атайдилар»[19] деб илова берганлар. Қолаверса, XVI аср Жўйбар хўжаларига тегишли ҳужжатларда ҳам Дарёйи Ҳаромком ва Наҳри Ҳаромком[20] номлари тилга олинган. Бошқа бир ўринда Ҳаромком дарёси Дарёйи Кўҳак деб аталади[21]. Айнан Ҳаромком эса Кармана ва Ғишти ўртасидаги жой номлари қаторида тилга олинадики, бу А. Муҳаммаджонов фикрича, Зарафшон дарёси XVI асрда Бухоро воҳасида ҳам Кўҳак, ҳам Ҳаромком деб номланган[22].

Шу ўринда Бухоро воҳаси гидротопонимиясига хос бўлган «ком» атамаси хусусида. На форсий ва на туркий луғатларда «ком» ёки «кам» - ариқ, анҳор маъносини берувчи атама учрамайди. Бизнингча, бу ата-

---

[17] Богословский Ф. Записки о долине Зарафшана и горах, ее окружающих // Горный журнал. Ч. II. Кн. X. СПб., 1842. С. 5-6.

[18] Наршахий. Бухоро тарихи. 100-бет.

[19] Тарихи Наршахий, Когон нашри, 1904, ЎзР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 3820, 23 бет.

[20] Иванов П.П. Хозяйства Джуйбарских шейхов//К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI –XVII вв. М.; Л.,1954. С. 261, 313-317.

[21] Иванов П.П. Из архива шейхов Джуйбари // Материалы по земельным и торговым отношениям Средней Азии XVI в. М.; Л., 1938. С. 338, 448-456.

[22] Муҳаммаджонов А. Қуйи... 64-бет.

ма асосан Бухоро воҳаси суғд тили шевасига хос бўлиб, умумий эронийнинг «кан» «қазимоқ, ковламоқ, чуқурламоқ» феълларининг бухоро тилида ёки шевасида ифодаси бўлиши керак. Тарихий манбалардан маълумки, умумсуғд тилидан ташқари, суғд тилининг бухоро шеваси ҳам мавжуд бўлган.[23] Шу боис ҳам «ком» атамаси фақат Ғарбий Суғд – Бухоро воҳаси этимологиясида қўлланилган[24]. Фикримиз тасдиғи сифатида баъзи бир «ком» атамаси билан гидротопонимларга тўхтаб ўтмоқчимиз. Жумладан, Ҳаромком атамасидаги «ҳаром» арабий муқаддас, «ком» бухороча ариқ маъносида деб кўрсатиш мумкин. Ҳаромком атамаси араб географлари ва муаррихлари томонидан юнонча Политимет – Муқаддас (Ҳурматли) дарёни арабий трансформацияси бўлиши эҳтимолга яқин. Чунки юнонча Траноксания араблар томонидан Мовароуннаҳр деб ифодаланиши ҳам маълум. Кейинги атама Шофирком ёки Шофиркон бўлиб, баъзи тадқиқотчилар Наршахийга суяниб, уни Шофир - Шоҳпур қазиган ариқ[25] деб талқин қиладилар. Бухоро воҳасига оид бошқа бир атама Конимих бўлиб, шаҳарча номининг келиб чиқишини «ком» («кан») – ариқ, «мех» ёки «муғ – оташпараст», яъни Конимех – Оташпарастлар ариғи сўзлари билан боғлайдилар[26]. XIX аср охири XX аср бошлари манбаларида Бухоро амирлиги туманларидан бири Ваганзе – Коми Абу Муслим деб номланган[27]. Шу тумандаги ариқ номидан келиб чиққан атама қўйилган. XIV-XVI асрларга оид манбалар: Ҳофизи Абрў асарида, "Бобирнома", "Шайбонийнома" ва бошқа асарларда Зарафшонга нисбатан Кўҳак атамаси қўлланилган. Маълумотларга кўра дарёнинг қадимги номлари Ҳаромком ва Кўҳак бўлиб, водийнинг қуйи қисми Бухоро воҳасида у Ҳаромком ва юқори қисми Самарқанд воҳасида Кўҳак деб аталган[28]. XVIII асрдан сўнг, айнан XIX аср 1841-1842 йилларда Зарафшон водийси бўйлаб текшириш ўтказган рус инженерлари К.Ф. Бутенов ва Ф. Богословскийлар асарларида "Кўҳак" ва "Зарафшон" номлари ёнма-ён қўлланилган. То XIX аср 60 - йилларигача тарихий манбаларда "Кўҳак" ва "Зарафшон" деб қўш ном билан ёзилган[29].

---

[23] Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. М.: Наука, 1971. С.122-124; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн.I. Душанбе: Ирфон, 1989. С. 260.

[24] Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. Соч.Л.:Наука,1963. Т.III. С. 118.

[25] Наршахий. Бухоро тарихи... 110-111-бетлар.

[26] Ўз.МЭ. 5-жилд. Тошкент, 2003, 5-бет.

[27] Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – начало XX в.) // Материалы к исторической географии Средней Азии. Ташкент: Университет, 2001. С. 10.

[28] Мухаммаджонов А. Қуйи... 65-бет.

[29] Ўша асар, 66-бет; Бутенов К.Ф. Минеральные богатства Бухары // Горный журнал. Ч. IV. Кн. XI. 1842. С. 138; Богословский Ф. Записки... С. 5.

Бухоро воҳаси гидротопонимларида умумэроний "руд" атамаси билан кўплаб номлар учрайди. "Руд" атамаси умумэроний илдизга эга бўлиб, суғд тилида ҳам ариқ, канал ва кичик дарёлар "руд" деб аталади. Шулардан бири Рудизар ёки Шоҳруддир. Наршахий ҳам ўз асарларида Мосаф дарёсини "Руди Мосаф"[30] деб атайди. "Руд" атамаси юқоридаги каби кўпроқ Ғарбий Суғд гидротопонимиясига оид ҳисобланади. Баъзан арабий шакли билан алмашиб, манбаларда Наҳри Зар деб юритилган[31]. Бу сув тармоғи мил. авв. I минг йилликда қазилганлиги манбаларда кўрсатилади.

Ҳозирги кунга қадар ҳам «руд» атамаси асосида қурилган гидротопонимлар мавжуд. Жумладан, Шофиркон туманидаги Кўнаруд (Кўҳнаруд - Эскиариқ), Ғиждувон туманидаги Ҳарқонруд кабилар. Зарафшоннинг қуйи оқими Руди шарғ ёки Руди журғ деб ҳам номланган[32].

Бухородаги туман номлари икки қисмга Шимолий Руд, Жанубий Руд номлари билан бўлганлигини ҳам XIX - XX аср бошлари тарихий манбаларидаги маълумотлар тасдиқлайди[33]. Ғарбий Суғдда, умуман Суғдда форсий "жўй" – "ариқ" атамаси билан боғлиқ гидротопонимлар ҳам учрайди. Масалан, V-VII асрларга оид Бухородан 4-5 км шимолда жойлашган Жўйи Мўлиён, Афросиёбни сув билан таъмин этган Самарқанддаги қадимий Жўйи арзиз (Қўрғошин ариқ) канали. Жумладан, Жўйи Мўлиён 1956 йилда академик Яҳё Ғуломов ва археолог А. Қосимзодалар томонидан ўрганилган. Бу ҳақда Наршахийнинг асарида ҳам маълумотлар келтирилган. Туғшода (VIII аср) мулки бўлган Жўйи Мўлиён бўйида бухорхудодлар ва кейинчалик сомонхудод амирларининг боғроғлари ва саройлари бўлган[34]. Ҳозирги Бухоро вилояти Шофиркон туманида Жўйнав (Янгиариқ) ариғи ва шу номда қишлоқ мавжуд. Худди шу атама билан боғлиқ Жўйиработ (Шофиркон тумани), Жўйисафед (Жондор тумани) кабилар ҳам ариқ, ҳам қишлоқ номлари билан боғлиқ. Уларнинг энг машҳури Жўйбар ўрта асрлар вақф ҳужжатларида кўп такрорланади[35]. XIX аср охири XX аср бошлари ҳужжатлари "жўй" атамаси билан боғлиқ ўнлаб жой номлари (Жўйбари Бирун, Жўйи борча, Жўйиадоқ, Жўйи Осиё, Жўйи буд, Жўйи зар кабилар) учрай-

---

[30] Наршахий. Бухоро... 90-бет.

[31] Ибн Ҳаукал. BGA II, 355-бет.

[32] Муҳаммаджонов А. Қуйи... 68-бет; Наршахий. Бухоро ... 97-бет; Истахрий, BGA I, 310-бет; Ибн Ҳаукал. BGA II, 360-бет.

[33] Населенные пункты... С. 10.

[34] Наршахий... 107-108-бетлар.

[35] Иванов П.П. Из архива.; Его же. Хозяйства... 1954.

ди[36]. Ғарбий Суғд сув тармоқлари номланишида суғдий, форсий атамалардан ташқари арабий "наҳр"- дарё, сой маъносидаги атамалар ҳам учрайди. Ҳужжатларда Зарафшон араб географлари томонидан "Наҳр ус- Суғд", "Наҳр ул-Бухоро" номлари билан тилга олинганлиги маълум [37]. Яна бири Нарпай, аниқроғи Наҳрипай каналидир. Бу канал ҳам Зарафшон дарёсидан чиқарилиб, узунлиги 90 км. га тенг ва 370 дан зиёд шохобчадан иборат. Бу "наҳр" атамаси араблар истилосидан сўнг қўлланилгани шубҳасиздир.

Ғарбий Суғд гидротопонимиясида туркий сой, ариқ номи билан боғлиқ кўплаб атамалар учрайди. Бу атамалар даври анча қадимий илдизларга эга. Қолаверса, бу атамалардан "сой" асосан, табиий ариқларга нисбатан қўлланилган бўлиб, қадимги туркий тилда "сой" атамаси асосан, вулқонлар жараёнида ҳосил бўлган текисликдаги ёки тоғолди адир ва қирларда ҳосил бўлган жойга нисбатан қўлланилган [38]. Сойлар табиий равишда оқар сувлар фаолияти натижасида ёки тиктоник ҳаракат оқибатида вужудга келган узун рельф шаклидаги қамбар ҳисобланади. Йил фаслларига қараб бу сойларда сув оқиши ёки қуруқ бўлиши ҳам мумкин [39]. Худди шундай "сой" атамаси билан боғлиқ гидротопонимлар Ғарбий Суғд – Бухоро воҳасида ҳам ўнлаб учрайди. Жумладан, Навоий туманидаги Қоратоғнинг жанубий ёнбағридан 1100 метр баландликдан бошланувчи Бештрамсой ва Оқтошсой, Вобкент, Ромитон ва Конимех туманлари ҳудудини 74 км. масофада кесиб ўтувчи сувсиз ўзан Дарёсой, Конимех туманидан 20 км. масофадаги Душохасой ва бошқалар. Сой атамаси билан боғлиқ гидротопонимлар асосан, Марказий Суғд – Самарқанд воҳасида жуда кўп учраши кузатилади. Жумладан, Алдарсой, Анбарсой, Бекларсой, Бодбодсой, Бургансой, Гатчасой, Жингалсой, Жалтарсой, Ингичкасой ва бошқалар. Сой гидротопонимлари тузилиши маҳаллий жой номларига "сой" сўзининг бирикуви орқали ҳосил бўлганлиги диққатга сазовордир. Бу эса турк ва эроний икки тиллик муҳити учун ўзига хос хусусиятдир.

Туркий ариқ атамаси ҳам гидротопонимларда оз миқдорда бўлса ҳам қўлланилган. Суғд гидротопонимиясидаги "ариқ" туркий атама

---

[36] Населенные пункты.. . С. 33-34.

[37] Муҳаммаджонов А. Қуйи... 57-бет; Ибн Ҳаукал. BGA II, 359-бет; Худуд ул-олам. Рукопись Туманского с введением и указателем В.В. Бартольда. Л. 9б и 23а.

[38] Древнетюркский словарь. Л.: Наука, 1969. С. 481; Маҳмуд Қошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит-турк), С. Муталлибов таржимаси ва таҳрири. III жилд, Тошкент, 1963, 158-бет; ЎСЭ. 10-жилд. Тошкент, 1978. 216-бет.

[39] Древнетюркский словарь. С. 52; Маҳмуд Қошғарий. Туркий сўзлар.. . II жилд, 10-бет.

бўлиб, суғориш шохобчаси сифатида асосан сунъий суғоришда ҳосил қилинган сув тармоғига нисбатан қўлланилади. Маҳмуд Қошғарийнинг "эр ариқ қазиди"[40] ибораси ҳам бунга мисол бўла олади. Қишлоқ хўжалигининг суғориш тармоғи сифатида қазилган ариқлар йиллар ўтиб ўт - ўланлар ўсадиган баҳаво жойларга айланган. Бу ҳақда қадимги туркий "оғилда қўзи туғилса, ариқ бўйида ўт унади"[41] мақоли сақланиб қолган. Суғд ҳудудида Самарқанд шаҳридаги Новадон ариғи, Дарғам каналидан сув олувчи 53 км. ли Янгиариқ, Бухоро воҳасидаги Жилванариқ каби атамалар шулар жумласидандир.

Суғд гидротопонимиясидаги "кўл" атамаси асосан, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги Денгизкўлга ва Бухородан 26 км. шарқдаги табиий сойликдан ўрин олган Тўдакўлга нисбатан қўлланилган туркий атамадир.

Гидротопонимикада нафақат Суғд, балки бутун Ўрта Осиёгагина хос бўлган "дарё" атамаси бўлиб, бу атаманинг келиб чиқиши турлича талқин этилади. Дарё сўзи қадимги форсий матнларда "дарайа" шаклида қўлланилган бўлиб, манбалар "сакатигратарадарайа" ибораси - "дарёнинг нариги томонидаги саклар" маъносида келган. Дарё атамаси қадимги туркий Ўкуз (Амударё), Инжўкуз (Сирдарё), арабий Жайҳун (Амударё), Сайҳун (Сирдарё) ўрнига ўрта асрлардан Амул дарёсига нисбатан Амударё, Шимолий дарёга нисбатан Сирдарё тарзида истифода этила бошланди. Бу ҳолат дарё атамасининг на эроний ва на бошқа туркий халқлар яшайдиган ҳудудларда ишлатилмаганлиги билан изоҳланади. Фақат, юқорида таъкидлаганимиздек, бу бизнинг юртимизга хос атамадир. Суғд гидротопонимикасида Зарафшон дарёсининг Чўпонота тепалиги ёнидан бошланувчи чап тармоғи 111 км. ли Қорадарё ва ўнг тармоғи 131 км.ли Оқдарё деб номланади. Бу номлар ҳам соф туркий атама бўлиб, Катта – Қора ва Кичик – Оқдарёлар маъносидан келиб чиққан. Ўрта Осиё халқлари учун "дарё" сўзи қадимги эроний даврдан сақланиб қолган ўзига хос атамадир. Бухоро воҳасидаги 150 км. ли қуруқ ўзан ҳам Мохандарё деб аталиши бежиз эмас.

Хулоса қилиб айтганда, Суғд, жумладан Ғарбий Суғд - Бухоро воҳаси гидротопонимикасида қадимий эроний, суғдий, туркий ва арабий атамаларнинг ишлатилиши бу заминдаги тарихий жараёнларнинг қандай акс этганлигини қолаверса, тарихий - географик манбаларнинг таҳлили бой этномаданий қатлам мавжудлигини кўрсатади.

---

[40] Маҳмуд Қошғарий. Туркий сўзлар... I жилд. 65-бет.
[41] Ўз.МЭ. 3-жилд., 2002. 201-бет.

*А.Атаходжаев*

### *О ТЕРМИНАХ, СВЯЗАННЫХ С ОРОСИТЕЛЬНЫМИ СИСТЕМАМИ ЗАПАДНОГО СОГДА*

*В статье анализируются историко-географические данные оросительных систем Западного Согда. Основу терминологического анализа составляют письменные источники на согдийском, арабском, персидском и древнетюркском языках. Описываются историко-географическое состояние оросительных систем, приводятся древние, раннесредневековые, средневековые и современные названия гидротопонимов, их языковые характеристики.*

*A. Atakhujaev*

### *ABOUT THE TERMS COUNECTING WITH IRRIGATION SYSTEM IN WESTERN SOGD*

*In this article it is analized historical-geografical materials about irrigation system in Western Sogd. The basis of terminalogical analysis are written sources on Sogd,Arabian,Persian and old Turk languages. In these written materials there is info about historical-geografical condition, old, medieval and modern titles of hydroterms and their characters.*

*Д. Алимова*

## РЕЛИГИОЗНАЯ ТОЛЕРАНТНОСТЬ И ГУМАНИСТИЧЕСКИЕ ИДЕИ НАЦИОНАЛЬНО-ПРОГРЕССИВНОЙ ИНТЕЛЛИГЕНЦИИ ТУРКЕСТАНА

Вторжение России в Среднюю Азию и её колонизация самым противоречивым образом повлияли на жизнь, быт, культуру и менталитет её народов. Столкновение двух культур породило массу новых проблем, обнажив преимущества европейской цивилизации, носителями которой были господствующие структуры, и неприятие её ценностей местным населением. Трансформация экономики, вхождение в регион российского капитала, интенсивное превращение Туркестана в сырьевую базу метрополии неизбежно требовали и пересмотра бытовых и правовых норм. Это был сложный процесс. Как отмечают Х.Коматцу и Б. Бабаджанов, «такая ситуация, конечно, вызывала разную (преимущественно негативную) реакцию на нововведения, поскольку догматическая и правовая система ислама базировалась на такой основе, при которой её носители должны дать соответствующую оценку любому нововведению (бид‘а), которое может быть идентифицировано и как

приемлемое, «хорошее» (бид'атун хасанатун), и как неприемлемое, и как сомнительное, или такое, которое может быть принято при определенных условиях и с оговорками»[1]. Особую актуальность приобрела теологическая оценка новшеств, которая позволила бы оправдать участие мусульман в новых процессах и дала бы им благословение. Для осуществления этого необходимо было, прежде всего, формирование толерантного отношения к иным религиям, поскольку все новшества воспринимались как произведенные носителями других религий - христианами, евреями и др., называвшимися в простонародье «кафирами».

Реальными выразителями идей религиозной толерантности стали джадиды - национальные прогрессисты, имевшие на это полное право благодаря своему религиозному образованию, кругозору и устремлениям. Виднейшие их представители не только окончили мадраса, но и имели духовный сан. Например, Махмудходжа Бехбудий, который был потомственным муфтием и в свое время занимал эту должность в Самаркандской области, Мунавар Кары, после окончания мадраса ставший имамом в мечети Дархон в Ташкенте, Исхакхан Ибрат, выполнявший обязанности казия в Тура-Кургане.

Джадиды, владея культурным капиталом прошлого, имея возможность путешествовать, знакомиться с индустриальными и культурными достижениями Европы и развитых мусульманских стран, с интеллектуалами и представителями различных общественных движений, прекрасно осознавали, насколько Туркестан отстал в своём развитии, и стали выступать за модернизацию мусульманской культурной традиции Средней Азии. Свои реформы они начали с осмысления исламского учения.

А. Халид считает, что «среднеазиатский джадидизм был прямо локализован рамками мусульманского модернизма... Его риторическая структура уходит корнями в мусульманскую традицию Средней Азии и в своей традиции поэтому они опирались на ислам... Современность «привязывалась» к «истинному» содержанию ислама и только ислам, очищенный от всех наростов, появившихся за века, мог обеспечить благополучие мусульман. Придя к новому видению мира, джадиды пришли к новому пониманию ислама, к пониманию того, что значит быть мусульманином»[2].

---

[1] Коматцу Х., Бабаджанов Б. Предисловие к книге Исхак-хан тура ибн Джунайдаллах Хаджа. Мизан Аз-Заман. Ташкент; Токио, 2001. С. 13.

[2] Khalid Adeed. The Politics of Muslim Cultural Reform. Jadidism in Central Asia. Berkley-Los Angeles-London. P 113.

В теории обновления общества джадидизма значительное место занимал вопрос о сближении с Европой, ушедшей далеко вперед в своем развитии, о заимствовании её лучших достижений. Выход из кризисной ситуации, обусловленный колониальным положением Туркестана, виделся, прежде всего, в культурных реформах с использованием опыта Европы. Для этого в первую очередь необходима была разработка теории легимитизации прогресса исламом и понятной мусульманским массам концепции об отношении ислама к проблеме гармоничного развития человека и общества. Джадиды пытались реализовать данную идею через литературное и публицистическое творчество. Немаловажное место в этой концепции занимала тема толерантности: религиозной и национальной. Эта линия четко прослеживается в двух известных широкому кругу специалистов произведениях Абдурауфа Фитрата «Мунозара» и «Рассказы индийского путешественника», где два иностранца предстают весьма компетентными знатоками Корана[3]. От их имени автор оценивает положение образования, управления, армии, социально-экономической жизни в Туркестане и Бухаре. Думается, Фитрат не зря выбрал француза и индуса – одного европейца и одного мусульманина, но не среднеазиата, вложив в их уста понимание объективных причин прогресса и основ Корана, призывающих к нему.

Француз подчеркивает мировое значение Корана и хадисов словами: «Мы другой религии, но мы не сожгли Коран, мы использовали его в своих интересах, изучали, чтобы утолить жажду знаний. Осуществили указанное в нем и быстро добились прогресса. А вы, не умея пользоваться заветами его, пришли к кризису»[4]. Тем самым А. Фитрат подчеркивает, что мусульмане должны научиться уважать другие религии так, как это делают европейские прогрессисты по отношению к исламу.

«И если христианские книги, посвященные науке и изобретениям, греховны, как мы будем развиваться, не читая их, как мы будем себя защищать, ведь Коран называет в качестве священных книг Библию, Толмут и Забур» - восклицает А. Фитрат, отвергая тем самым религиозный нигилизм и мусульманскую ограниченность. Более того, он нередко обращается к истории христианства, в частности, периода инквизиции, чтобы показать, к чему приводит присваивание духовенством светской

---

[3] Фитрат А. Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусида қилган мунозараси // Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият, 2000. 46-98-бетлар; Ҳинд сайёҳи баёноти // Там же. С. 98-169; См также: Фитрат А. Рассказы индийского путешественника(Бухара,как она есть).Самарканд, 1913.

[4] Там же.

власти и безграничная вера в её безгрешность. Это было довольно смелое рассуждение, призывающее не идеализировать духовенство, большинство из которого в Бухаре, по мнению автора, совершает преступления по отношению к своей пастве. «Действительно,–пишет А.Фитрат, - положение Бухары и бухарцев достойно сожаления, и богомерзкие действия ваших улемов служат причиной духовного небытия этой нации»[5]. Рассказывая о том, как европейские народы преодолели с помощью протестантских обществ неограниченную власть церкви, он подводит читателя к мысли о том, что представители духовенства не могут быть законодателями и вершителями судеб, и нельзя слепо следовать их указаниям. Таким образом, он выступает за демократизацию духовной сферы, против её монополизации религиозными деятелями.

Чтобы лишний раз подтвердить свою лояльность по отношению к другим культурам и религиям, особенно немусульманским, джадиды часто обращались к истории Европы и Азии. Главным инструментом в пропаганде толерантности служили теория о преемственности культур, взаимосвязи, взаимопередаче и взаимопроникновении их на протяжении длительного исторического развития. Опираясь на Карла Сеньобоса, Фитрат приводит примеры заимствований Европой из Средней Азии в период мусульманского ренессанса достижений в области земледелия, ремесла, искусства, науки и знаний.

Понимая, что настало время обратного заимствования, А. Фитрат пишет: «К великому же нашему несчастью, если мы сделаем хоть одно движение, чтобы возвратить обратно потерянную нашу культуру и цивилизацию, наши улемы тотчас скажут: «Ты стал кафиром», и начнут нам мешать»[6].

Джадидов удручало проявление такого невежества, особенно в области медицины. Многие мусульмане, боясь духовенства, не могли обращаться к русским докторам. Поэтому А. Фитрат и другие представители джадидизма убеждали людей, что это не противоречит шариату. А. Фитрат приводил такой пример: «Аббасидские халифы... принимали к себе на службу с большим содержанием многих докторов и ученых других религий, заставляли их переводить научные греческие и индийские книги на арабский язык и заставляли их изучать в багдадских медресе. Халиф Абу-Джафар-Мансур-Аббасидский, во время которого жил Великий Имам (Абу-Ханифа), даже назначил христианина Георгия Бахтишу старшим над врачами Багдада, а халиф Абдурашид...

---

[5] Фитрат А. Рассказы индийского путешественника (Бухара, как она есть). С. 27.
[6] Там же. С. 33.

дал место старшего багдадского врача сыну вышеупомянутого Георгия, тоже христианина, и взял к себе личным врачом огнепоклонника Манка. Это все доказывает, что если теперь мы, мусульмане, отправим для изучения медицины несколько человек-студентов в Европу, а оттуда пригласим к себе сведущих докторов и назначим их преподавателями в свое медицинское медресе, то все это совершенно не будет противоречить шариату»[7].

Такого же дидактически-назидательного стиля и произведение Исхакхана Ибрата «Мизан Аз – заман», где он теологически обосновывает необходимость использования европейской цивилизации, технологических и культурных новшеств. Но если А.Фитрат использует для этого литературные возможности, строя свою версию на интересе читателя к форме рассказа, то Ибрат использует форму конкретной проповеди «амри маруф». И как верно подмечают Х. Коматцу и Б. Бабаджанов, «сам Ибрат хорошо и вполне резонно осознавал, что единственный путь изменить консерватизм общества - это говорить со своими согражданами на понятном им языке и согласуясь с их религиозностью»[8]. Именно поэтому он выбрал форму проповеди. Как и другие, Исхакхан Ибрат останавливается на двух важных аспектах темы: согласии и единстве и отношении к немусульманам, вырисовывая идею толерантности, обращаясь к Корану и хадисам. Его призыв к толерантности основывается на известном предании о происхождении человечества от одного отца - Адама и единой матери - Евы. Среди джадидов Исхакхан Ибрат был, пожалуй, самым действенным сторонником привития западной культуры. Он дольше других жил за границей, посетил Кашгар, Стамбул, Софию, Афины, Рим, Кабул, Жидду. В 1892-1896 гг. жил в Бомбее и Калькутте, где изучал не только урду, но английский и французский языки, древнефиникийскую, древнееврейскую, сирийскую и древнегреческую письменности, прекрасно знал русский язык и был знаком с русской литературой. Эти знания и многогранный талант, знание мировой литературы позволили ему создать первый и уникальный узбекско-арабско-персидско-турецко-индийско-русский двухтомный словарь «Лугати ситта ал-сина»[9].

Джадидов зачастую упрекали в западничестве. Но именно этот «недостаток» и определил их толерантность. Они не могли не восхищать-

---

[7] Там же. С. 57.

[8] Коматцу Х., Бабаджанов Б. Исхак-хан тура ибн Джунайдаллах Хаджа. Мизан Аз-Заман. С.6.

[9] Ибрат. Ажзий. Суфизода. Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият, 1999. 13-бст.

ся достижениями Запада, тогда как Туркестанское общество отстало от него в своём развитии.

Негативное отношение к новым предметам и видам коммуникаций они назвали фанатизмом, и сами обязательно привозили из поездок технические новшества (граммофон, кино - и фотоаппараты, лампы, холодильники и др.). В качестве аргумента они приводили примеры о том, что в эпоху Пророка не было многих вещей – предметов первой необходимости. Бухарец из «Мунозары» А. Фитрата, рассуждая о вредности для мусульман джадидских школ, в качестве аргумента называет кресла и стулья, изобретенные христианами, на которых сидят в этой школе дети. На что А. Фитрат от имени француза отвечает, что бог примет оят, прочитанный с чувством и искренностью, сидя в кресле, нежели на грязной соломе[10].

По мнению джадидов, именно религиозный консерватизм препятствует использованию технических новшеств, из-за чего отстают в своем развитии ремесла и предприятия, не выдерживая конкуренции с российской развитой индустрией.

Таким образом, джадиды вполне удачно сочетали в себе «традиционалистический (теологический) менталитет с идеями о необходимости технической и научной революции в мусульманских обществах Востока, с призывами быть более открытыми и толерантными»[11].

Однако это не мешало им видеть и критически оценивать национальную и религиозную политику царизма в Туркестане, ущемляющую интересы коренного населения края, не позволявшую полноценно развиваться культуре и образованию (примером могут быть поощрение властями христиано-миссионерской деятельности, запреты джадидских школ и газет). Джадиды прекрасно понимали, что царская администрация не заинтересована в активизации мусульман и росте их политического сознания.

Однако усилия царской администрации, направленные на изоляцию Туркестана от влияния политических процессов, происходивших как в самой России, так и в азиатских и европейских странах, были безрезультатны.

Толерантность национальных прогрессистов сильно развилась благодаря их сотрудничеству и связям с единомышленниками из других мусульманских регионов России, которые в свою очередь были тесно связаны с русским демократическим движением.

---

[10] Фитрат А. Ҳиндистонда бир фаранги... 79-бет.

[11] Коматцу Х., Бабаджанов Б. Указ. соч. С. 12.

Идеологические взгляды туркестанских джадидов во многом корректировались под влиянием идейно-политических течений, проникавших в край из сопредельных государств, благодаря интеграции демократических движений[12].

Джадиды реально смотрели на будущее Туркестана, не ставя глобальных целей отделения от России, понимая неравность сил и положений. В то же время они отстаивали право мусульман на участие в управлении государством. Эта позиция особенно проявилась после февральской революции, когда они поверили, что Туркестан может стать равноправным субъектом в Федеративной России. Однако важным условием для этого, по их мнению, было взаимоуважение, религиозная и национальная толерантность обеих сторон. Махмудходжа Бехбудий, являвшийся главным идеологом джадидизма, в момент острых дебатов по поводу формы государственного управления в Туркестане, отстаивая равноправное участие коренного населения в выборных органах, на съезде исполнительных комитетов Туркестанского края в апреле 1917 г. говорил: «Неправильно утверждать, что мусульмане отсталы и фанатичны. Мы вообще мало друг друга знаем и мало жили вместе и лишь теперь свобода объединит нас. Такое объединение в интересах мусульман. Разделение городских самоуправлений не выгодно и для русских, во многих городах русские части не способны будут удовлетворить свои потребности. Русские должны работать вместе с младомусульманами. ... Не нужно русским опасаться притеснений. Среди мусульман в Бухаре 1200 лет живут, богатеют и развиваются евреи. Европейцам, имеющим культуру и войска, опасаться нечего, но уменьшение прав мусульман противоречило бы демократическому принципу»[13].

Если на первом этапе развития джадидского движения прогрессисты главной своей целью ставили объединение мусульман, олицетворявших демократические силы, то к 1917 г. эти идеи выходят за рамки внутреннего единства. Условием суверенитета Туркестана в составе России уже считается объединение всех сил вне зависимости от религиозной и национальной принадлежности. «Мы хотим, чтобы мусульмане Туркестана в единстве с местными русскими, евреями и другими организовали под эгидой России собственный Совет, чтобы мусульма-

---

[12] Абдуллаев Р.М. Интеграционные процессы в мусульманском мире и туркестанские джадиды // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Тошкент: Университет, 1999. 75-бет.

[13] Протоколы съезда исполнительных комитетов Туркестанского края. 9-16 апреля 1917 г. Ташкент, 1917. С. 29.

не Туркестана жили соответственно шариату, своим обычаям, законам, религии. Чтобы были составлены законы, ориентированные на благо всех живущих в Туркестане евреев, христиан и мусульман. Если мы пожелаем объединить наши вероисповедания и нации, то с сего дня приступим к единству, реформам...»[14] - писал М. Бехбудий.

Толерантность, веротерпимость и дружелюбное отношение ко всем народам получили особое проявление в период высшей фазы политической активности джадидов, выразившейся в идее создания национально-территориальной автономии «Туркистон мухторияти». Эта была первая попытка национально-государственного строительства, основанная на общегуманистических идеях мирового опыта.

Еще на 2-м Краевом мусульманском съезде (7-11 сентября 1917 г.), созванном по инициативе джадидской партии «Шурои Исломия», была принята резолюция, в которой говорилось: «Съезд выступает против передачи власти Советам солдатских, рабочих и крестьянских депутатов. Власть должна быть коалиционной и опираться на все силы страны, т.е. всенародной»[15]. В отличие от большевистской власть Туркистон мухторияти была действительно представительной и толерантной. Численность Туркестанского Временного Совета в 32 человека была определена по количеству ранее делегировавшихся депутатов от Туркестанского края во Всероссийское учредительное собрание. Национальное собрание (Миллат Мажлиси) состояло из 54 мест, 4 из них предполагалось дать представителям съезда городских самоуправлений и 18 мест – для представителей от различных краевых европейских организаций[16]. Это означало, что одна треть места выделялась европейской части населения, удельный вес которого в то время не превышал 7% от общего числа жителей Туркестана[17].

1 декабря 1917 г. Временное правительство Туркистон мухторияти распространило листовки со следующим обращением к населению Туркестанского края: «Чрезвычайный краевой общемусульманский съезд (на котором была провозглашена автономия. - *Д.А.*) призывает всех граждан Туркестана - мусульман, русских, евреев, рабочих, солдат и крестьян, все населяющие край племена и народы, городские и земские самоуправления, политические и профессиональные организации и союзы, все государственные и частные учреждения сплотиться вок-

[14] Бехбуди М. Баёни ҳақиқат // Улуғ Туркистон. 1917. 12 июнь.

[15] Кенгаш. 1917 йил 2 сентябрь.

[16] Эл байроғи. 1917 йил 22 декабрь.

[17] Агзамходжаев С.С. Из истории борьбы за автономию Туркестана // Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Тошкент: Фан, 1996. 32-бет.

руг туркестанской народной власти и помочь ей воплотить в жизнь возложенные на неё трудные задачи»[18].

К этому моменту и религиозная, и национальная толерантность прогрессистов слились в одно понятие, получив статус общегосударственной политики.

Однако толерантность джадидов не мешала им придавать приоритетное значение исламской культуре. Они всегда подчеркивали сопричастность мусульман достижениям мировой цивилизации. Широко пользуясь работами Аристотеля, Платона, Сократа и зная не понаслышке о современных им философских течениях, они находили точки соприкосновения с исламской восточной философией[19]. Они твердо стояли на позиции мировоззренческих принципов межкультурного диалога, считая, что Запад и Восток совместимы, когда они ведут диалог на равных. Возможно, причиной этого были не только современные им процессы и образование. Религиозная толерантность, по сути дела, в Средней Азии имела исторические корни. На протяжении многих веков здесь мирно сосуществовали представители различных конфессий и этносов. Поэтому в сознании наиболее прогрессивной части общества присутствовали чувства веротерпимости и доброжелательного отношения к окружающим, независимо от их расовой и религиозной принадлежности.

Именно это позволило джадидам вслед за младотурками и египетскими реформаторами самым серьезным образом обратиться к политическому опыту европейцев, но при этом сохранить свою национальную идентичность и самобытность. Постепенно у них сформировались взгляды на уровень соотношения европейских и восточных (исламских) принципов социального устройства - «от конституционной монархии, шариата и фрагментарного использования местного самоуправления до расширенного конвергенционного подхода», устанавливающего сосуществование исламских норм с народно-демократическим строем[20]. Все это дало возможность им на практике попытаться реализовать идею построения демократического государства с его гарантиями прав и свобод.

---

[18] Известия Временного правительства Автономного Туркестана. 1917. 13 декабря.

[19] См.: Прилуцкий Е.А. Запад и Восток в философских и теоретических концепциях джадидов // Жадидчилик... 62-бет.

[20] Прилуцкий Е.А. Указ. соч. С. 64.

*Д. Алимова*

## *ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЙПАРВАР ЗИЁЛИЛАРИНИНГ ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИГИ ВА ГУМАНИСТИК ҒОЯЛАРИ*

*Мақолада илгор дунёқараш, диний таълимга эга бўлган Туркистон жадидчилик ҳаракати вакиллари М. Беҳбудий, А. Фитрат, Ж. Ибрат асарларида инсон ва жамиятнинг уйғун ривожланишида дин омили ва диний бағрикенглик масалалари алоҳида ўрин эгаллаганлиги атрофлича таҳлил этилган. Шунингдек, мамлакат тараққиёти учун зарур бўлган ислоҳотларни амалга оширишда Европа ва бошқа ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва ўлкага татбиқ этиш ғоялари тараққийпарварлар қарашларида муҳим аҳамият касб этганлиги ёритилган.*

*D. Alimova*

## *RELIGIOUS TOLERANCE AND HIMANSTIC IDEAS OF NATIONAL-PROGRESSIVE INTELLIGENTSIA IN TURKESTAN*

*The artickle is focused on the influence of the keligions factors on harmonically development of the sosiety. This icsue is analyred on the example of the works of Turkestani djadids such as M. Behbudi, A. Fitrat. J. Ibrat. Also the aufhor showes the relation of the national-Progressive inte ceigentaa to the reforms.*

*Ҳозирги замон долзарб масалалари*

*Э. Нуриддинов*

## ВКЛАД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В ОБЕСПЕЧЕНИЕ БЕЗОПАСНОСТИ И СТАБИЛЬНОСТИ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Последнее десятилетие XX столетия вошло в историю человечества как время, насыщенное крутыми переменами в жизни мирового сообщества. Наиболее яркие и характерные особенности данного периода, с одной стороны, – распад мировой системы социализма и образование на постсоветском пространстве новых независимых государств с ориентацией на формирование светского демократического общества; с другой - ликвидация полувекового противостояния биполярных социально-политических систем, породивших в международных отношениях так называемую политику «холодной войны».

С ликвидацией политики «холодной войны» мир облегченно вздохнул. Однако эта радость оказалась не долгой. На смену противоборства видимых противников пришла невидимая угроза безопасности всему человечеству в форме религиозного экстремизма и международного терроризма. Такая ситуация, сложившаяся на пороге XXI века, была с высокой степенью точности оценена Президентом Узбекистана И.А. Каримовым. Выступая с трибуны ООН на сессии Генеральной Ассамблеи (2000г.), названной «Саммитом тысячелетия», он отметил следующее: «Одной из фундаментальных проблем современного мира в преддверии нового столетия продолжает оставаться проблема международной безопасности и стабильности в мире. С той только разницей, что на смену остаткам и рецидивам «холодной войны» опасными детонаторами подрыва мира и стабильности на авансцену выходят международный терроризм и экстремизм, агрессивный национализм и сепаратизм»[1].

Терроризм, обретя ярко выраженный международный характер, под флагом насилия и устрашения стал все более интернационализироваться. Это означает то, что он, не имея ни национальности, ни религии, ни государственности, перерос в глобальную угрозу безопасности. В то же время, обретя транснациональный характер, терроризм сформировал широкую сеть инфраструктуры своей деятельности. Он всецело

[1] Каримов И.А. За процветание Родины – каждый из нас в ответе. Ташкент: Ўзбекистон, 2001. Т. 9. С. 99.

использует колоссальные возможности современных средств связи и транспорта, обладает глобальными источниками финансирования, хорошо снабжен современным вооружением и подрывными средствами.

Наглядным примером его практической деятельности стали террористические акты, совершенные в последние годы в США, России, а также государствах Юго-Восточной Азии. Эти события свидетельствуют о том, что ни одна страна мира не может быть гарантирована от вылазок международного терроризма и что в условиях глобализации одной из острых и неотложных проблем выдвигается необходимость обеспечения общепланетарной безопасности. Однако решение этой проблемы следует искать на региональном уровне, где кроятся очаги военных конфликтов, готовых обрести глобальный характер. Иначе говоря, только обеспечив региональную безопасность, можно достичь глобальную безопасность.

В преддверии нового тысячелетия Центральная Азия превратилась в один из взрывоопасных регионов мира. Это связано с тем, что различные религиозно-экстремистские группировки и наркодельцы, пользуясь относительной молодостью независимых республик, пытаются устранить в них существующий конституционный строй, создать хаос и образовать свободное пространство для передвижения наркотиков и осуществления других корыстных целей. Этого они пытаются достичь методом террора, разжигания межэтнических конфликтов и разгула организованной преступности. Реальная угроза для безопасности и стабильности в Центральной Азии исходила из Афганистана, превратившегося в 90-е годы XX столетия в базу для нелегального транзита наркотиков, контрабанды оружия, транснациональной преступности. Наблюдая на пороге нового столетия за событиями этого региона, координатор администрации США по вопросам борьбы с терроризмом Майкл Шихан открыто заявлял, что за последнее время заметно активизировалась деятельность террористических и религиозно-экстремистских группировок в Центральной Азии и что центр международной террористической деятельности перемещается с Ближнего Востока в регионы Южной и Центральной Азии[2].

Узбекистан, трезво оценивая ситуацию, сложившуюся в последнем десятилетии XX века как в мире, так и в Центральной Азии, с первых дней независимости предпринимает конструктивные меры по устранению существующих угроз безопасности и стабильности народов. При этом строго придерживается принципов внешней политики и положе-

---

[2] См.: Народное слово. 2000. 20 июня.

ний, нашедших свое отражение в «Военной доктрине» страны. Как полноправный член мирового сообщества Узбекистан активно подключился к миротворческим операциям по поддержанию мира, проводимым под эгидой ООН и Организации по безопасности и сотрудничеству в Европе (ОБСЕ)[3]. «XXI век, очевидно, будет веком глобализации в международных отношениях. В этих условиях - отмечает Ислам Каримов - участие суверенных государств в международных институтах и организациях необходимо рассматривать не только как историческую неизбежность, но и как мощный фактор устойчивости, стабилизации как отдельных регионов, так и в целом - в масштабе всей планеты»[4].

Деятельность Узбекистана по обеспечению безопасности и стабильности в Центральноазиатском регионе делится на два этапа. Первый охватывает период с начала 90-х годов до сентября 2001 г., когда реальную угрозу для безопасности народов Центральной Азии все больше стал представлять Афганистан, который постепенно преобразуется в центр международного терроризма.

Реально оценивая ситуацию, складывающуюся в регионе, и ее возможные последствия, Узбекистан приложил непомерные усилия для ее преодоления. Широко используя при этом трибуны ООН и ОБСЕ, руководство республики делало все возможное для привлечения внимания мирового сообщества к афганскому синдрому, являющемуся детонатором угрозы безопасности и стабильности как для народов Центральной Азии, так и всего человечества. В частности, выступая на 48-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН в 1993 г., Президент Узбекистана И.А.Каримов акцентировал внимание мирового сообщества на противоречивости международной обстановки в Центральной Азии, отметив при этом, что «Узбекистан решительно осуждает экстремизм, терроризм, религиозный фанатизм и фундаментализм в любом его проявлении...»[5].

Одна из характерных черт Центральноазиатского региона – его межэтническая особенность. События начала 90 - х годов XX столе-

---

[3] Организация по безопасности к сотрудничеству в Европе /ОБСЕ/ была создана в 1975 г. как Совещание по безопасности и сотрудничеству в Европе /СБСЕ/. В 1990 г. на Парижском саммите СБСЕ было принято решение о преобразовании СБСЕ в постоянно действующую организацию. На основе данного решения в 1994 г. на Будапештском саммите СБСЕ преобразован в ОБСЕ.

[4] Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. Ташкент: Ўзбекистон, 1997. С. 289.

[5] Каримов И.А. Наша цель: свободная и процветающая Родина. Ташкент: Ўзбекистон, 1996. Т.2. С. 50.

тия на южных рубежах региона продемонстрировали, что именно эта особенность может стать главной причиной возгорания регионального конфликта. В связи с этим руководство Узбекистана было глубоко озабочено решением проблемы по предотвращению существующей опасности. К тому же многие аналитики, следя за проблемами этносоциального развития республик региона после обретения независимости, были едины во мнении, что особую значимость здесь приобретает именно проблема безопасности. Они были твердо убеждены, что «в настоящем и будущем в обеспечении региональной безопасности в Центральной Азии, где самую большую этническую группу составляют узбеки, геополитическая роль принадлежит Узбекистану»[6].

Оценивая ситуацию, сложившуюся к середине 90-х годов в регионе, а также в целях предупреждения и преодоления возможных межэтнических конфликтов, Президент Узбекистана И.А. Каримов, выступая с трибуны ООН в 1995 г., выдвинул новые инициативы, в частности, предложил ввести эмбарго на поставку оружия в зоны локальных конфликтов, а также запретить при этом вмешательство извне.

Эти же идеи и инициативы Республики Узбекистан, направленные на обеспечение региональной безопасности, прозвучали на саммитах ОБСЕ. В частности, на Будапештском саммите (1994) И.А.Каримов заметил, что «... сегодня в состав СБСЕ входят не только европейские страны». В связи с чем «безопасность сегодняшней Европы зависит не только от спокойствия самой Европы, но и стабильности вокруг нее».[7] С этой позицией главы нашего государства солидарны на сегодняшний день многие политики мира. Как подчеркивает профессор Европейского Центра по изучению проблем безопасности имени Дж. Маршалла Р. Кангас, «обеспечение безопасности в Центральной Азии имеет глобальное значение»[8]. А по выражению профессора Германского университета им. Людвига Максимилиана Роланд Пич, «для обеспечения безопасности в мире необходимо объединить усилия всех стран и выработать механизм совместных действий в борьбе против общего врага, каковым является международный терроризм»[9].

---

[6] См.: The Central Asian Republics. Fragments of Empire Magnets of Wealth. The Asia Society, 1994. P. 101.

[7] Каримов И.А. Наша цель: свободная и процветающая Родина. Ташкент: Ўзбекистон, 1996. Т.2. С. 329.

[8] См.: Back to the future in Central Asia // US news a world rep. Wash., 1998. Mar.8. Vol. 114. № 9. P. 42-44.

[9] См.: Central Asia and the world: Kazakhstan, Uzbekistan, Tajikistan, Kyrgyzstan a Turkmenistan. NY.: Council on foreign relation presa, 1999. VIII. P. 213-216.

На данном этапе деятельности Узбекистана по обеспечению безопасности и стабильности в Центральноазиатском регионе глава нашей республики И.А.Каримов выдвинул также ряд исключительно важных предложений, имеющих принципиальный характер. К ним относятся объявление Центральной Азии зоной, свободной от ядерного оружия, создание «Международного центра по борьбе с терроризмом». В основе этих предложений лежит глубокая озабоченность за судьбу народов, обеспечение их безопасности, как в региональном, так и в глобальном масштабах. Кроме того, в целях объединения общих усилий в борьбе против существующих угроз безопасности в Ташкенте под эгидой ООН и ОБСЕ были проведены крупные международные встречи: Совещание - семинар по вопросам безопасности и сотрудничеству в Центральной Азии (сентябрь, 1995 г.); Встреча группы «6+2» по урегулированию межэтнических конфликтов в Афганистане (июль, 1999 г.); Международная конференция «Укрепление безопасности и стабильности в Центральной Азии: интеграционный подход в борьбе против наркотиков, организованной преступности и терроризма» (октябрь, 2000 г.).

Однако решительные усилия и неоднократные попытки Узбекистана предупредить мир о существующих угрозах безопасности в Центральной Азии, способных отразиться в масштабе всей планеты, вызвали нетерпение у экстремистских сил. В результате в 1999-2000 гг. Узбекистан одним из первых стран в регионе испытал ужасы террористических вылазок. В связи с происшедшими событиями руководство республики дало принципиальную оценку складывающейся ситуации в регионе. В частности, она прозвучала на Стамбульском саммите ОБСЕ (1999), где Ислам Каримов заявил: «Мы сегодня сталкиваемся с далеко идущими планами радикально настроенных центров по экспансии религиозного экстремизма и терроризма, с попытками свернуть страны региона с однозначно избранного ими пути демократического, правового и светского развития»[10].

Террористические акты, свершившиеся на пороге XXI века в Центральной Азии, наглядно продемонстрировали, что обозначенные «новые вызовы» готовы обрести глобальный характер. Однако пренебрежительное отношение к этим вызовам мирового сообщества привело к известным трагическим событиям 11 сентября 2001 г. в Нью-Йорке и Вашингтоне, событиям, которые встряхнули мировое сооб-

[10] Каримов И.А. Наша высшая цель - независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа. Ташкент: Ўзбекистон, 2000. Т.8. С. 83-84.

щество и заставили трезво переоценить ситуацию в мире. Сентябрьские события 2001г. стали фактически точкой отсчета конструктивных действий мирового сообщества в борьбе против общего врага - международного терроризма. В эту борьбу со своих непоколебимых позиций подключился Узбекистан, что стало началом второго этапа деятельности нашей страны по обеспечению безопасности и стабильности в регионе.

Второй этап характеризуется, прежде всего, тем, что Узбекистан всецело поддержал образование со стороны мирового сообщества антитеррористической коалиции по уничтожению центра международного терроризма в Афганистане. При этом позиция нашей страны, исходящая из принципов внешней политики, получила свое полное отражение в Заявлении Президента И.А. Каримова от 5 октября 2001 года[11]. В нем говорится о полной готовности республики участвовать в международной антитеррористической коалиции путем оказания исключительно гуманитарной поддержки афганскому народу.

Сегодня Узбекистан, установив дипломатические отношения с Афганистаном, заинтересован в скорейшем восстановлении этой страны и готов на условиях равенства и взаимного уважения осуществлять всесторонние взаимовыгодные контакты.

Проявляя огромное стремление к обеспечению региональной безопасности, Узбекистан стал одним из инициаторов образования в 2001 г. Шанхайской организации сотрудничества (ШОС)[12]. Как отмечено в Декларации о создании ШОС, это многопрофильная организация. Ее деятельность направлена на обеспечение мира и стабильности, конструктивного партнерства и многостороннего сотрудничества с целью противостояния угрозам региональной безопасности, а также на развитие торгово-экономического, гуманитарного, научно-технического взаимодействия в регионе. Являясь активным членом данной организации, наша республика постоянно стремится держать в центре внимания ее участников вопросы, связанные с проблемой обеспечения безопасности и стабильности в Центральной Азии. В частности, выступая на Московском саммите ШОС (2003), Президент Узбекистана И.А. Каримов акцентировал внимание на том, что «борьба с международным терроризмом, радикальным, агрессивным экстремизмом и сепаратизмом, борьба с наркотрафиком и организованной преступностью

[11] См. Каримов И.А. За безопасность и мир надо бороться. Ташкент: Ўзбекистон, 2002. Т. 10. С. 105-113.

[12] В состав ШОС входят Казахстан, Китай, Кыргызстан, Россия, Таджикистан и Узбекистан.

без всякого преувеличения становится важнейшей деятельностью ШОС»[13].

Важно заметить тот факт, что, исходя из цели данной организации, еще на первом саммите ШОС, состоявшемся в Шанхае, было принято решение о создании Региональной антитеррористической структуры (РАТС). При этом остался открытым вопрос о месте расположения данной структуры. Однако, исходя из объективных соображений и учитывая геополитическую особенность каждой страны - участницы данной организации, предпочтение было отдано Узбекистану. А на саммите в мае 2003 г. в Москве все шесть стран членов ШОС единогласно договорились о расположении штаб - квартиры РАТС в Ташкенте[14]. Это еще раз доказывает, что участники ШОС высоко оценивают деятельность Узбекистана по обеспечению региональной и глобальной безопасности, а также его инициативы в борьбе против международного терроризма и религиозного экстремизма.

Событием исторической важности во внешнеполитической деятельности Узбекистана, в частности, по обеспечению безопасности и стабильности в мире, стал очередной саммит ШОС, состоявшийся в июне 2004 г. в Ташкенте. Отличительной особенностью данной встречи явилось то, что перед началом заседания Совета глав - государств Шанхайской организации сотрудничества состоялась церемония официального открытия исполнительного комитета РАТС. При этом глава Узбекистана выдвинул перед членами ШОС новую инициативу по совершенствованию согласованных действий в борьбе против международного терроризма, которая включает необходимость:

- выработки в рамках данной структуры единых подходов против существующих ныне угроз;
- достижения высокого уровня взаимодоверия между специальными службами стран - членов ШОС;
- осуществления регулярного обмена информацией между антитеррористическими центрами ООН, СНГ, ШОС и Интерпола.

Эти предложения получили полное одобрение со стороны лидеров других стран - участников, нашедшее впоследствии отражение в Ташкентской Декларации глав государств - членов ШОС. В ней, в частности, говорится, что «...созданы необходимые предпосылки для эф-

---

[13] См.: Народное слово. 2003. 3 июня.

[14] Текущий архив Министерства иностранных дел Республики Узбекистан (далее: ТА МИД РУз). Управление политического анализа и прогнозирования. Папка отчетов за 2003 год. С. 14.

фективного функционирования РАТС, призванной придать системный и целенаправленный характер взаимодействию в рамках ШОС по реализации Шанхайской конвенции о борьбе с терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом»[15].

Однако пока, к сожалению, по-прежнему серьезную угрозу для всего человечества продолжают создавать религиозный экстремизм и терроризм, проявляющиеся во многих уголках планеты. Узбекистан, относясь с полной ответственностью к этим вызовам, прилагает все усилия для обеспечения безопасности и стабильности в Центральной Азии. В этих целях Узбекистан стал местом проведения крупных международных научных конференций и семинаров, где широко обсуждаются пути преодоления имеющихся в регионе проблем.

За последние годы в Ташкенте были проведены следующие мероприятия. В частности, в декабре 2002 г. в Академии государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан совместно с Фондом имени Конрада Аденауэра была организована международная конференция под названием «Ташкентская резолюция против религиозно-политического терроризма и экстремизма: три года спустя»[16]. В декабре того же года совместно с немецким фондом Фридриха Эберта в Институте стратегических и межрегиональных исследований при Президенте Республики Узбекистан состоялся международный семинар на тему «Международный терроризм- угроза безопасности и стабильности в Центральной Азии»[17]. В феврале 2004 г. по инициативе данного Института совместно с Европейским центром по изучению проблем безопасности имени Джорджа Маршалла прошла Международная конференция, посвященная вопросам региональной безопасности в Центральной Азии[18]. В ее работе участвовали представители государств Центральной Азии, США, Китая, России, Турции, Германии, Франций, Афганистана, Монголии, а также ряда международных организаций - ООН, ОБСЕ, НАТО, Всемирного банка, ЕБРР. Они широко обсудили и обменялись мнениями о взаимоотношениях между религией и государством в странах Центральной Азии, по вопросам обеспечения стабильного политического и экономического развития и безопасности региона. В частности, профессор университета штата Индиана Н. Шахрани (США) отметил, что «религия сама

[15] Народное слово. 2004. 22 июня.
[16] ТА МИД РУз. Управление политического анализа и прогнозирования. Папка отчетов за 2002 год. С. 18.
[17] Там же. С. 20.
[18] Народное слово. 2004. 3 февраля.

по себе не является основой для насилия. Многие религиозные экстремистские и террористические движения преследуют прежде всего определенные политические цели, извращенно толкуя в собственных интересах отдельные религиозные каноны»[19]. Дополняя своих коллег, профессор Центра имени Дж. Маршалла Р. Кангос подчеркнул, «в Центральной Азии сложность существующих проблем требует укрепления регионального сотрудничества, полноценной реализации подписанных странами региона двусторонних и многосторонних соглашений»[20].

Как видим, Узбекистан, оставаясь верным принципам своей внешней политики, продолжает прилагать все усилия и на втором этапе своей деятельности по обеспечению безопасности и стабильности в регионе. Давая оценку деятельности Узбекистана в борьбе за обеспечение региональной и глобальной безопасности, ведущий специалист американского совета по внешней политике Элие Краковски отметил: «Узбекистан проявляет особую активность в привлечении внимания мировой общественности к таким серьёзным проблемам, как религиозный экстремизм и международный терроризм, ... республикой проводятся практические мероприятия в этом направлении, что ещё раз подтверждает тот факт, что Узбекистан является важным государством в регионе в борьбе против терроризма»[21].

Таким образом, Узбекистан, играя геополитическую роль в Центральной Азии, занимает позицию активных действий по обеспечению региональной безопасности, что, безусловно, является частью глобальной безопасности.

*Э. Нуриддинов*

## *МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ХАВФСИЗЛИКНИ ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲИССАСИ*

*Мақолада жаҳон миқёсида глобаллашув жараёни юз бераётган бир пайтда, бутун инсониятга таҳдид солувчи куч сифатида диний экстремизм ва халқаро терроризм юзага келганлиги ўз ифодасини топган. Натижада, глобал миқёсда ва минтақавий ҳудудларда бундай хавфга қарши кураш жараёни Ўзбекистон мисолида очиб берилган.*

*Жумладан, мустақил Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ҳудуди ва дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида, диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши олиб борган ҳаракат ва ташаббуслари ушбу мақолада аниқ мисоллар асосида ёритилган. Шунингдек, муаллифнинг илмий ёндашуви ва таҳлили асосида Ўзбекистоннинг*

[19] Там же. 2004. 17 февраля.
[20] Там же.
[21] Там же. 2002. 12 декабря.

*халқаро терроризмга қарши олиб борган кураш жараёни икки босқичга бўлиниши ўз ифодасини топган.*

*E. Nuriddinov*

## *THE CONTRIBUTION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN FOR SECURITY AND STABILITY IN CENTRAL ASIA*

*In this article, while globalization process occurred in the world at the same time, Religious extremism and international Terrorism appeared as a Hiceatenino force to the humanity. As a result, in Global and local areas, Fighting against like this events, disposed as an example of Uzbekistan. For example, Uzbekistan...s fighting against real extremism and inter terrorism in Central Asia and all over the world in order to keep the tranquility or peace apparently enlightened with the relevant examples. In addition based on the Author...s scientific approach and analyses, Uzbekistan...s fighting processes against International terrorism devided into 2 steps described as a division of 2 steps in this article.*

*Г. Ғаниева*

## АЁЛЛАР ҲАЁТИГА ТАЪСИР ЭТАЁТГАН АЙРИМ САЛБИЙ ҲОЛАТЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ОИЛА, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлиб кириши, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умум эътироф этилган халқаро фактлар ва конвенцияларга қўшилиши натижасида ушбу ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этишга доир миллий дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда жамиятда хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқий тенглигига эришиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аёллар ҳуқуқини таъминлаш вазифаси уларнинг жамият ҳаётида эркаклар билан тенг ҳуқуқли иштирок этишини тақозо этади. Айни вақтда, аёлларнинг хизмат ва жамоат жойларидаги хавфсизлиги давлат, жамият ва оила томонидан тегишли равишда муҳофаза қилиниши зарур. Ҳозирги кунда бутун дунё миқёсида хотин-қизларга нисбатан таҳқирлаш ва зўравонликнинг турлари (руҳий, иқтисодий, маънавий, жисмоний) ортиб бориши кузатилмоқда. Жамият ҳаётида хотин-қизларнинг мақомини оширишда ҳукумат, хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла йиғинлари ва турли нодавлат ташкилотлар кўп ишлар қилаётган бўлсаларда, айрим салбий ҳолатлар ҳам учраб турибдики, уларни бартараф этиш муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Ўтиш даврининг дастлабки йилларида айрим диний-патриархал анъаналарни қайта тиклашга уринишлар, аёлларни фақат оилавий турмуш доираси билан чеклаб қўйишни, ҳижобга қайта ўранишни тарғиб қилувчилар ҳам топилди. Ваҳоланки, ўзбек хотин-қизлари паранжидан халос бўлганига неча ўн йиллар бўлди ва ўз ҳуқуқларининг рамзи бўлган озодликка жуда кўп қийинчиликлар билан эришгани бизга тарихдан маълум.

Эски консерватив патриархал урф-одатларнинг қайтадан жорий этишга уринишлар хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли шахс сифатидаги мақомига реал хавф соладиган, жамият тараққиётига ҳалақит берадиган муаммодир. Бундай хавф, аввало, хотин-қизларнинг оиладаги мавқеи пасайишида, уларнинг шахси устидан назоратнинг кучайишида, ўқиш, ишлаш, ўз хоҳиш-истагига кўра турмушга чиқиш ҳуқуқларининг чекланишида, ота-оналар ва қариндошларнинг тил бириктириб қизларни эрта турмушга узатишларида, аёллар эркинлигининг қайсидир жиҳатдан чекланганлиги шу кабиларда намоён бўлади.

Жамият тараққиёти шундан далолат берадики, эркинликни бой бериш осон, лекин эркинлик, инсоний қадр-қиммат ва ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида эътироф этилган ҳолатда ҳам уларни муҳофаза қилиш осон эмас.

Оилада аёлларни таҳқирлаш ва уларга нисбатан зўравонлик ўтказиш ҳоллари уларнинг инсоний ҳуқуқларини поймол этади ва бу ҳол тадқиқотларнинг кўрсатишича, дунёнинг бир қатор мамлакатларида, ижтимоий ёки иқтисодий ҳолатидан қатъи назар, барча ёшдаги аёлларни азоб-уқубат чекишга мажбур қилаётган фавқулодда жиддий масала сифатида баҳоланади[1] .

Бу масала ҳали ўз ечимини топмаган глобал муаммолардан бўлиб, жамият ривожи учун салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Бунинг қуйидаги сабабларини кўрсатиш мумкин:

1. Жамиятда оилавий муаммоларнинг яширин ҳолда қолиши, уларни жамият томонидан ҳал қилишга қаратилган ҳаракатларнинг фуқаролар шахсий хаётига аралашув деб баҳоланиши, аёллар ва болаларга нисбатан ўтказилаётган зўравонлик оиланинг ички ишларига айланган бўлиб, эри ва бошқа қариндошлари томонидан мунтазам таҳқирлаш ва зўравонликларга учраётган аёллар ҳуқуқни муҳофаза қилиш

---

[1] Хейс Л., Эллсберг М., Готтемир М. Аёллар устидан зулмни бартараф эта туриб. Аҳоли ривожланиши бўйича маърузалар // Миннесота инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари тадқиқотчилари. Ўзбекистонда уйдаги зўравонлик. 2000. 6-бет.

идораларига мурожаат этмасликлари туфайли, улар амалий ёрдам кўрсата олмаяптилар;

2. Оилада жисмоний, иқтисодий, руҳий ва жинсий зўравонликларга учраган аёллар жамиятда ва қариндош-уруғлари ўртасида обрўларига путур етишидан қўрқиб буни ошкор этмайдилар ва бундай таъқиблар кўпинча жазосиз қолади. Турли таҳқирлаш ва зўравонлик ҳаракатлари аёлларнинг руҳияти ва саломатлигига жиддий салбий таъсир этиши мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аёлларга нисбатан содир этиладиган зулмни инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши сифатида Вена Декларациясида ва Ҳаракатлар Дастурида эътироф этган. Ушбу ҳужжат A/CONF № 157.24. 1993 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 48.104-сонли фармойиши билан «Аёлларга нисбатан зўравонлик–аёлларнинг жисмоний, жинсий ёки руҳий саломатлиги, дахлсизлиги ва эркинлигига оила доирасида қилинадиган тажовуз» сифатида белгилайди[2] ва «Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни бартараф этиш тўғрисидаги Декларация»нинг қабул қилиниши хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши чора-тадбирлар ва хўрлашларнинг барча шаклларига барҳам беришга қаратилган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Оилада ва жамиятда учраб турадиган айрим салбий ҳолатлардан бири бўлган аёлларга нисбатан таҳқирлаш ва зўравонлик жуда мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг пайдо бўлишини тушунтириб бериш қийин. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, уйдаги зўравонликнинг илдизлари аёлларнинг ижтимоий ва шахсий ҳаётда бажарадиган ишлари, иккинчи даражали мавқеининг анъанавийлигига бориб тақалади[3].

Ўзбекистонда хусусан, хотин-қизларга нисбатан учраб турадиган айрим таҳқирлаш ва зўравонлик ҳолларининг келиб чиқиш сабабларини «Ижтимоий фикр» маркази ўтказган сўров натижаларида кўриш мумкин, зўравонлик кўп ҳолларда жамоат жойларида (18,9 %), оилада (9,5 %) ёки иш жойида (7,8 %) содир этилиши аниқланган[4].

Айрим эркакларнинг алкоголли ичимликлар ичиши, худбинлиги, оилада ҳукмронликка интилиши, аёлларнинг жисмоний ва руҳий заифлиги, зўравонлик содир этганларнинг жазосиз қолиши, аёлларнинг

---

[2] *Қаранг:* Ўзбекистонда уйдаги зўравонлик. Миннесота инсон ҳуқуклари ҳимоячилари тадқиқотлари. 2000. 8-бет.

[3] Ўша жойда. 39-бет.

[4] *Қаранг:* Бакоева Ф. Аёлларга нисбатан зўравонлик, унинг олдини олиш ва бартараф этишда оила, жамият ва давлатнинг роли //Аёл ҳуқуқи ва эркинликлари. Тошкент, 2002. 101-бет.

эркакларга моддий жиҳатдан қарамлиги, аёлларга ва болаларга зўравонлик қилганларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва жамоат ташкилотларининг лоқайд муносабати - буларнинг барчаси зўравонлик сабаблари ҳисобланади[5].

Ҳозирги вақтда жинсларaро ҳуқуқий тенгликка эришиш соҳасида эришилган ютуқларга хилоф равишда кишилар онгида сақланиб келаётган ўтмиш қолиплари, яъни хотин-қизлар эркаклар ҳукмига бўйсуниш учун яратилган деб ҳисоблаш ҳам кўп учрайди.

Хотин-қизларга нисбатан оиладаги зўравонлик шахсий, оилавий иш деган кенг тарқалган нуқтаи назар инсон ҳуқуқини поймол қилади, муносиб турмуш тарзи, шахсий дахлсизлик, соғлик-саломатлик ва эркинликка бўлган ҳуқуқни йўққа чиқаради.

Бир қатор мамлакатларда оиладаги зўравонликни бартараф қилишга оид махсус қонунлар ишлаб чиқилган, уйдаги зўравонлик қурбонларига ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам бериш юзасидан ихтисослашган хизматлар, ишонч телефонлари, бошпаналар(шелторлар) ва шу каби марказлар ташкил қилинган. Халқаро тажрибанинг ўрганилиши ундаги ижобий ютуқларни, маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бизнинг турмушимизда ҳам қўллашга ёрдам берган бўлур эди.

Хотин-қизларга нисбатан содир этилаётган айрим салбий ҳолатлар, таҳқирлаш, зўравонликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни давр тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда ҳозирча хотин-қизларга нисбатан таҳқирлаш ва зўравонликни бартараф қилиш тўғрисида махсус қонун қабул қилингани йўқ. Лекин қонун ҳужжатлари, жумладан Асосий қонун – Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларига эга эканликлари, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенглиги (18-моддада), хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги (46-моддада) ўз аксини топган. Ундан ташқари, 1998 йилда қабул қилинган «Оила кодексида» ҳам оилавий муносабатларга оид тегишли моддалар мавжуд, лекин айнан оилада аёлларга нисбатан бўладиган салбий ҳолатлар, зўравонликлар ҳақида алоҳида моддалар йўқ.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида эса аёлларга нисбатан зўрлик ишлатиш 118-119-моддаларда, жинсий алоқага мажбурлаш 121-моддада, аёлларни мажбурлаб аборт қилдириш 115-модда билан, 16 ёшга тўлмаган аёлларни жинсий алоқага мажбурлаш 128-мод-

[5] Ўша жойда.

дада, аёлларни мажбурий никоҳга киритиш ёки никоҳ қуришга қаршилик қилиш 136-моддада кўрсатилган бўлиб, ушбу жиноятларни содир этганлик учун тегишли жиноий жавобгарлик белгиланган. Жинсидан қатъи назар, фуқароларнинг тенгсизлигини келтириб чиқарган ҳолатлар 141-модда билан, меҳнат ҳуқуқини бузиш эса 148-модда ва кўпхотинли бўлиш Жиноят кодексининг 126-моддаси билан белгилаб қўйилган.

Урф-одатларнинг нотўғри талқини ҳам айрим оилаларда аёлларга нисбатан ошкора зўравонликка олиб келади. Зўравонлик шаклларига жисмоний таҳқирлаш, руҳий, маънавий ва иқтисодий зўравонлик кабилар киради. Бундай ҳолатлар аксарият қонунлар ва инсон эркинликларига зиддир.

Фикримизча, хотин-қизларга нисбатан содир этиладиган салбий ҳолатларни тугатиш оддий муаммо эмас. Унинг ечими турли омилларга, жумладан, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, фуқаролик жамиятининг етуклик даражаси, демократик қадриятлар ва бошқаларга боғлиқ. Оилада таҳқирланиш ва зўравонликдан азият чекаётган хотин-қизлар муаммосининг тадқиқ этилишида ишончли ахборот ва статистик маълумотнинг етарли эмаслиги зўравонлик объекти бўлган аёлларни аниқлаш ва уларни бу тазйиқдан ҳимоя қилишни қийинлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида хотин-қизларга нисбатан ўтказилган зўравонликлар учун 3 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Зўравонликдан жабрланганларнинг атиги 10-15 % судга мурожаат қилади, чунки уларнинг фикрича, бу уларнинг кейинги ҳаёт тарзига салбий таъсир кўрсатади. Аёлларнинг кўпчилиги бу нарсани беркитишга ҳаракат қиладилар[6], бу тўғрида гапирмайдилар. Лекин шунга қарамай, 2000 йил мобайнида Тошкент шаҳрида фуқаролик ишлари ва хотин-ҳизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича хотин-қизлардан 1857 та ариза олинган бўлиб, улар оиладаги зўравонликлардан азият чекканликлари тўғрисида шикоятлар билан мурожаат этганлар[7].

Ушбу муаммони аҳоли ўртасида ўрганиш борасида, 2004 йилда Тошкент шаҳар Ҳамза тумани «Бобур» маҳалласи ва Андижон вилояти Балиқчи туманининг А.Султонов, Боғ кўча маҳаллалари аҳолиси ва иш-

---

[6] Медведев С. Жизнь требует искоренения недобрых традиций // Женщины Центральной Азии. 2000. № 7. С. 47.

[7] Фуқаролик ишлари ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Тошкент шаҳар юридик маслаҳат маркази. Оиладаги зўравонлик мониторинги.; HUMAN-RIGHTS-WATCH июнь 2001 й. № 4 (Д). 16-бет.

лаб чиқариш корхоналарининг ишчилари ўртасида, оилавий муносабатларда хотин-қизларга нисбатан таҳқирлаш сабаблари ва бундай салбий ҳолатга нисбатан муносабатни аниқлаш мақсадида сўров ўтказилди. Унда 15 ёшдан 55 ёшгача бўлган 250 нафар эркак ва аёл респондентлар иштирок этдилар. Сўралганлар ичида 15-25 ёшдагилар 39 %, 25-50 ёшдагилар 41 %, 50 ёшдан катталар 20 % ни ташкил этди. Шулардан 65 % хотин-қизлар, 35 % эса эркаклар бўлган. Шаҳар аҳолиси 44 % ни, қишлоқ аҳолиси эса 56 % ни ташкил этган[8].

Маълумотлилик даражаси бўйича улар қуйидагича тақсимландилар: олий маълумотлилар 29 %, ўрта махсус маълумотлилар 48 %, ўрта маълумотлилар 23 %. Оилавий аҳволига кўра, уларнинг 69 % оилали, 26 % ҳали оила қурмаган, 4 % ажрашган бўлиб, оилаларда ўртача 1-4 нафаргача фарзанди борлиги аниқланди[9].

Сўралганлар ўртасида оилада, жамиятда, иш жойларида хотин-қизларга нисбатан зўравонлик деганда, нимани тушунасиз, деган саволга: респондентларнинг 18 % эркакларнинг аёллар устидан ҳукмронлик қилишга интилишлари, 43 % аёлларнинг заифлигидан фойдаланиб уларга зулм ўтказилиши, 29 % эркакларнинг ичкиликбозликка ружу қўйишлари, турли наркотик моддаларни истеъмол қилишлари туфайли аёлларнинг жабрланиши, 10 % эрининг қариндошлари - қайнота-қайнона ва бошқаларнинг келинга нисбатан турли кўринишдаги таҳқирлашлари учраб туришини таъкидлаган[10].

Умуман, зўравонлик, таҳқирлаш деганда, қандай тазйиқларни тушунасиз, деган саволга: руҳий таҳқирлаш (22 %), жисмоний (37 %), иқтисодий (17 %), маънавий (11 %), ҳуқуқий (8 %), жинсий (5 %) зўравонлик ҳолатларини келтирганлар[11].

«Таҳқирланиш ва зўравонликка учраганда қаерга мурожаат қилиш керак?», деган саволга респондентларнинг 32 % маҳалла қўмиталарига, 18 % хотин-қизлар қўмиталарига, 14 % милиция органларига, 30 % яқин қариндошларга, 6 % тиббиёт ходимларига учраш керак, деб жавоб берган[12].

Хотин-қизларга нисбатан таҳқирлаш ва зўравонликлар бўлаётганлигининг сабабларини респондентларнинг 43 % хотин-қизларнинг эркакларга иқтисодий қарамлилигида, улардан кам иш ҳақи ва даромад

[8] Дала тадкикотлари. 2004 йил октябрь-декабрда Тошкент шаҳар Ҳамза тумани «Бобур» маҳалласи ва Андижон вилояти Балиқчи туманида ўтказилган сўровнома маълумотлари.
[9] Ўша жойда.
[10] Дала тадкикотлари. Ўша жойда.
[11] Ўша жойда
[12] Ўша жойда

олишларида; 53 % аёллар ва эркакларнинг ўртасидаги тенгсизликнинг давом этаётганлигида кўрадилар.[13]

Зўравонлик ва таҳқирлашнинг хотин-қизлар ҳаёти, оила ва жамиятга салбий таъсири ва оқибатларини сўровда иштирок этганларнинг 19 % бундай ҳолатга тушганларнинг руҳий хасталикларга учрашида, 28 % бошқа турли касалликларга чалинишида, 14 % оилаларнинг бузилиб кетишида, 39 % оилада болалар тарбиясининг бузилишида, деб биладилар. Бундай вазият оилада юз берганида қандай йўл тутишлари ҳақида берилган саволга сўралганларнинг 33 % маҳаллада ва қариндош-уруғ олдида ўз обрўйининг тўкилишидан қўрқиб айтмасликларини, 19 % қандай йўл тутишни билмасликларини, 13 % ўз ҳуқуқларини ва қонунларни яхши билмасликларини, 27 % оиланинг бузилишидан қўрқишлари туфайли, 8 % ҳолатда эса айбдор барибир жазосиз қолиши сабабли ҳеч қандай чора кўрмасликларини айтишган.

Респондентларнинг ҳуқуқий маданият даражасини аниқлаш мақсадида берилган «Қонун ҳужжатларидан қайси бирини биласиз?», деган саволга уларнинг 62 % Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, 15 % Оила кодексини, 10 % Меҳнат кодексини, 7 % Фуқаролик кодексини билишларини, 3 % эса ҳеч қайси ҳужжатни билмасликларини айтганлар[14].

«Ҳотин-қизлар оилада, жамиятда таҳқирланишларининг олдини олиш учун қандай чоралар кўриши мумкин?», деган саволга сўралганларнинг 48 % оилавий муносабатларга, хотин-қизларга доир қонунчиликни такомиллаштиришни, 37 % мактаб ёшиданоқ оила маънавияти таълимини кучайтиришни, 15 % эса инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тарғиботини кучайтиришни таклиф этган[15].

Бу жавоблардан кўриниб турибдики, зўравонлик ва таҳқирлаш ҳоллари кўпроқ хотин-қизлар ҳуқуқий билимларининг камлиги, турли таҳқирлашларга дуч келганда кимга мурожаат қилишларини билмасликлари туфайли юз бериши ушбу муаммони ҳал қилишда жиддий чора-тадбирларни амалга оширишни, уларнинг олдини олишда кенг жамоатчиликнинг иштирокини тақозо этади.

Мазкур муаммони тадқиқ этиш натижаларидан айримларини «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ўтказган «Аёл ва ҳуқуқ» социологик сўровининг таҳлилида яққол кўриш мумкин. Ушбу социологик сўровда иштирок этган 1575 нафар респондентнинг 43,3 % хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг психологик ва жис-

[13] Ўша жойда
[14] Ўша жойда.
[15] Дала тадқиқотлари. Ўша жойда.

моний таъсири кўпроқ оилада учрашини айтган[16].

Сўралганлардан 32,6 % таҳқирлаш ва зўравонликнинг айрим кўринишлари кўча, жамоатчилик жойлари ва транспортда, 30,2 % иш жойида, 28,4 % оилада ва 20,7 % маҳаллада учрашини айтган[17].

Салбий ҳолатлар ва зўравонлик сабабларини респондентларнинг 21,3 % анъанавий стереотипларда, 18,9 % эркакларнинг ичкиликбозлиги, 12,9 % эркакларнинг худбин феълида, яъни аёллар устидан ҳукмронлик қилишга интилишида, 12 % аёлларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан кучсизлигида, 5,8 % аёлларнинг эркакларга иқтисодий қарамлигида, 5,8 % ҳуқуқ-тартибот ва жамоатчилик органларининг бундай ҳолатларга лоқайдлигида кўрганлар[18].

Шу жумладан, сўралганларнинг 85 % якдиллик билан хотин-қизлар устидан ҳар қандай жисмоний ва руҳий зўравонлик қонун асосида жазоланиши кераклиги ҳақида фикр билдирган[19].

Кўпинча, ушбу муаммо оиланинг ички ишлари деб баҳоланиб, кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилмай қолмоқда. Масалан, Ўзбекистонда жойлашган Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари федерациясининг бўлими - Хьюман Райтс Вотч[20] ваколатхонаси томонидан 2003 йил сентябрда чоп этилган «Хонадондан-хонадонга: маҳалла қўмиталарининг қонунбузарликлари» тадқиқотида аниқланишича, «маҳалла қўмиталарининг аксарият қисми оиладаги зўравонликлардан азият чеккан аёлларнинг ўз эрлари билан ажралишларига йўл бермайдилар, масалани ҳал қилишда кўпроқ оилани сақлаб қолиш мақсадида яраштириб қўядилар», деб таъкидланган.

Айрим ҳолларда эр ва хотин билан суҳбатни маҳалла раиси, унинг муовини, маҳалла аёллар қўмитасининг раҳбари ёки маҳалла кексалари олиб борадилар. Агар можаро чуқурлашиб борса, яраштирувчи қўмита иш бошлайди. Бу иш қишлоқ кенгашига (агар ўша ҳудудда шундай орган мавжуд бўлса) топширилади. Агар маҳалланинг ўртада туриши муваффақиятсиз чиқса, бу иш суд органларига берилади[21].

Ҳозирги даврда ҳуқуқий асосга эга бўлмаган ҳолат - аёлларнинг диний урф-одат бўйича «никоҳ» ўқитиш йўли билан иккинчи хотин

---

[16] Взаимоотношение полов в Узбекистане: традиции и современность. Институт Открытое Общество - Узбекистан. Аналитическая записка «Проблема насилия в отношении женщин Узбекистана». Ташкент, 2002. С. 21.

[17] Ўша жойда.

[18] Ўша жойда.

[19] Ўша жойда.

[20] HUMAN-RIGHTS-WATCH. Хонадондан-хонадонга: маҳалла қўмиталарининг конунбузарликлари. сентябрь 2003 й. 15-боб. № 5(5) 3-бет.

[21] Ўша жойда. 35-бет. Интернет саҳифа http:// www/hrw. org HUMAN-RIGHTS-WATCH/

сифатида турмуш қуриш тенденцияси ҳам йўқ эмас.

Ҳар бир киши ўз никоҳини қонуний ФҲДЁ органида қайд эттириш билан бир қаторда диний никоҳ ўқитиб турмуш қуриши ҳам мумкин. Зеро, никоҳдан ўтиш нафақат шахсий иш, балки хар кимнинг ўз ҳуқуқи ҳамдир. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига мувофиқ «Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга». Лекин, оила кодексида фақат расмий тартибда рўйхатдан ўтказилган никоҳгина юридик кучга эга бўлади. Демак, диний никоҳ ҳуқуқий жиҳатдан кучсиздир. Бундай ҳолатда аёл киши жабрланиб қолиши мумкин, яъни никоҳ даврида ишлаб топилган мол-мулкка, фарзандларига қонуний белгиланадиган алиментга даъво қила олмайди.

Ҳаётда кўпхотинлиликни (яъни полигамияни) қарор топтириш учун қўлланилаётган диний никоҳлар муаммоси ҳозирча илмий тадқиқот объектига айлангани йўқ, бунга оид статистика ҳам олиб борилмайди, чунки аҳолини ёппасига рўйхатга олиш жараёнида қонуний никоҳдан ўтиш ҳолларигина ҳисобга олинади. Гарчи, ушбу ҳодиса пинҳоний тусга эга бўлса-да, жамиятда бундай муаммо мавжуд бўлиб, бу ҳол никоҳлар бекор бўлганида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмай қоладиган аёлларни ва уларнинг фарзандларини ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазалаш чора-тадбирларини кўришни тақозо этади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида юзага келган ижтимоий муаммолардан бири айрим хотин-қизларнинг хорижий мамлакатларга ишлаб келиш учун нолегал миграцияси - жамият ҳаётига хавф солиб турган масалалардан биридир. Хорижий мамлакатларга катта маош тўланадиган ишларга таклифномаларни ўқиб, уларни жойлаштирган хуфиёна ташкилотлар хизматидан фойдаланмоқчи бўлган шахслар траффик (инсонларни қуллик ҳолатида ушлаб туриш ва сотиб юбориш) қурбонлари бўлишлари мумкин. Бу, айниқса қизлар ва ёш жувонларга тааллуқли бўлиб, кейинги йилларда, айниқса бундай хизматлардан фойдаланмоқчи бўлган хотин-қизлар жинсий ёки иқтисодий жиҳатдан эксплуатация қилиш учун «қурбон» излаш билан шуғулланувчи уюшган жиноий гуруҳлар қўлига тушиб қолмоқдалар.

Халқаро ҳамжамиятда хотин-қизлар траффиги кенг тарқалаётган муаммолардан бўлиб, турли мамлакатлардан алдов йўли билан олиб кетилаётган хотин-қизларни катта даромад олиш мақсадида қулликка сотиш ишлари билан жиноий гуруҳлар шуғулланмоқда[22].

[22] Табышалиева А. Отражение во времени. На изломе веков (заметки к истории положения женщин в Центральной Азии). Институт Открытое Общество - Кыргызстан. Бишкек, 1998. С. 116

Жамиятда рўй бераётган шундай ҳолатларни ўрганиш, олдини олиш, оилалар ўртасида маънавий - маърифий ишларни олиб боришда хотин-қизлар қўмиталарининг ҳиссаси катта, хотин-қизлар масаласига оид давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда улар томонидан турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай ишларда нодавлат ташкилотлари ҳам тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Жумладан, Тошкент шаҳар «Аёллар ресурс маркази» аҳолининг, аёлларнинг нолегал миграцияси билан боғлиқ муаммоларни, жинсий ва иқтисодий эксплуатация қилиш мақсадида мамлакатдан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган хотин-қизлар тўғрисида хабардор қилиш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифасини кўзда тутган ҳолда Тошкент шаҳар Чилонзор ва Акмал Икромов туманлари аҳолиси ўртасида сўров ўтказдилар. Сўров якунлари аёллар, айниқса ёш жувонлар ўз ҳуқуқларини билмасликлари ва меҳнат қонунчилигидан бехабарликлари туфайли жиддий хавф-хатарга дуч келаётганликларини кўрсатган[23].

Сўралганларнинг 65,4 % ўзлари ва оила аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш учун яхши даромад топиш истаги, 12,8 % хорижда касблари ва малакалари юқори баҳоланишига ишонишлари, 22,6 % ишсизлик даражасининг юқорилиги хотин-қизларнинг хорижга чиқиб кетишларига асосий сабаблар, деб ҳисоблаганлар[24].

Табиийки, ҳар ким таклиф этилаётган ишлардан ўзига мос ва қўлидан келадиганларини танлашга ҳаракат қилади, лекин бундай меҳнат бозорида жинси ва бажараётган ишидан қатъи назар, арзон иш ҳақи эвазига хавфсизлик чоралари кўрилмаган, ҳуқуқий жиҳатдан ҳеч қандай кафолат бермайдиган зарарли шароитларда ишлайдилар. Умуман олганда, бундай ҳолат аслида иқтисодий эксплуатация ҳисобланади.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги тавсияларни бериш мумкин:

1. Кўриб чиқилган муаммо бўйича жамоатчиликни хабардор этиш учун кенг омма, жумладан, хотин-қизларнинг ҳуқуқий, иқтисодий муҳофазасига оид ахборотни уларга тушунарли даражада етказиб бера оладиган доимий тадбирларни ташкил этиш.

2. Хотин-қизлар ушбу муаммодан бевосита хабардор бўлишлари, нолегал миграциянинг олдини олиш учун маҳаллалардаги маънавий-маърифий ишларни оила даврасидаги ва ўқув муассасалардаги тарбиявий ишларга қаратиш зарур. Меҳнат миграциясига кетаётган фуқаро-

[23] Пўлатова Д., Усмонова А. Нолегал миграциядаги хавф // «Марказий Осиё аёллари» тўпламининг махсус сони. Аёллар ресурс маркази. Тошкент, 2003. 18-бет.
[24] Ўша жойда.

ларнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат томонидан муҳофазаланишини қонунда белгилаб қўйиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, миллий истиқлол туфайли жамиятда катта ютуқларга эришилаётган, демократик тараққиёт юз бераётган шароитда бундай ҳолатларга, яъни аёлларнинг таҳқирланиши ва турли зўравонликларга учрашлари муроса қилиб бўлмайдиган ҳол. Бунинг олдини олиш ҳозирги куннинг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда. Қолаверса, бу масалалар юзасидан жиддий илмий тадқиқотлар олиб бориш ва хулосалар чиқариш ниҳоятда зарур. Ҳукумат аёллар масаласига давлат даражасида эътибор бераётгани, давлат дастурлари, қонунлар, фармонлар чиқарилгани ва уларга турли имтиёзлар берилиб, қулай шароитлар яратилганига қарамай, уларнинг амалиётда бажарилиши учун эркаклар ва аёлларнинг ҳамжиҳатлиги, тенглик асосидаги ҳамкорлиги даркор.

*Г.Ганиева*

*РОЛЬ СЕМЬИ, ОБЩЕСТВА И ГОСУДАРСТВА В ПРЕОДОЛЕНИИ НЕКОТОРЫХ НЕГАТИВНЫХ ЯВЛЕНИЙ, ВЛИЯЮЩИХ НА ПОЛОЖЕНИЕ ЖЕНЩИН*

***В статье рассматриваются разновидности и причины некоторых негативных явлений, препятствующих достижению фактического равенства женщин и мужчин, и их преодоление. Освещаются особенности домашнего насилия над женщинами на основе данных социологических исследований.***

*G. Ganieva*

*THE ROLE OF THE FAMILY, SOCIETY AND STATE IN THE PROCESS OF OVERCOMING SOME NEGATIVE ASPECTS, WHICH INFLUENCE ON WOMEN S POSITION*

***The article deals with an analysis of types and the different reasons of some negative phenomena, which are barriers for a real equality of women and men, and for overcoming of the discrimination of women. Specific features of domestic violence over women are analysed on the basis of sociological survey.***

*Этнология тарихшунослиги*

*А. Аширов*

# ЭТНОС МУАММОСИ ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТЧИЛАР ТАЛҚИНИДА

Маълумки, инсоният биологик мавжудот, табиатни бир қисми бўлиши билан бирга кишилик жамиятининг эволюцион тараққиёти ва ижтимоий омиллар таъсири натижасида муайян ижтимоий гуруҳлар ва жамоаларга бўлинади. Заминдаги турли ижтимоий-сиёсий жамоалар орасида ўзбек тилида халқ, илмий адабиётларда этнос деб юритилувчи кишилар жамоаси алоҳида ажралиб туради.

Аввалида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, этнос термини дастлаб қадимий юнон манбаларида юнон бўлмаган халқларга нисбатан қўлланилган. Айнан мазкур мазмунда ушбу атама лотин тилидаги манбаларда ҳам учрайди. XVIII асрнинг охирига қадар этнос ибораси ниҳоятда чегараланган ҳолда қўлланилган. Фақат XIX асрдан эътиборан бу атама илмий адабиётларда «халқ» (народ) маъносида қўлланила бошлаган. Лекин, этнос ибораси махсус илмий адабиётларда анча вақтдан бери қўлланилаётганига қарамай алоҳида бир гуруҳ кишилар жамоасини англатувчи термин тарзида фақатгина охирги ўн йилликларда этногенез ва этник тарих, умуман, этник жараёнларга қизиқишнинг кучайиши натижасидагина доимий илмий истеъмолга кирди[1] ва шубҳасиз, мазкур термин бугунги кунда замонавий, ижтимоий фанлар тизимида ўзининг муносиб ўрнини топди, деб айтиш мумкин. Ҳозирда ушбу иборани нафақат этнологлар, балки файласуфлар, тарихчилар, сиёсатшунослар, социологлар, психологлар ва ҳатто, иқтисодчилар ҳам доимий равишда қўллашлари баробарида мазкур муаммо билан боғлиқ ўзларининг турли-туман қарашларини ҳам баён қилмоқдалар.[2] Лекин ҳозиргача қизғин баҳс - мунозараларга сабаб бўлаётган этнос муаммоси, унинг макон ва замондаги ўрни, мавжудлиги мезонларининг турлича талқинлари борасида кўплаб фикр-мулоҳазалар, концепциялар, назарий хулосалар билдирилган бўлса-да, мутахассислар томонидан ягона якдил тўхтамга келинган эмас.

Кўпчиликка маълумки, республикамизда ҳам ўтган асрнинг 90-йил-

[1] *Каранг:* Этнология. Учебник для высших учебных заведений. Под ред. Садохина А.П. М., 2000.С.78.

[2] Рыбаков С.Е. Философия этноса. М., 2001. С. 5.

ларидан аниқроғи, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига қизиқишнинг ортиши ҳамда мазкур мавзунинг энг долзарб мавзулардан бирига айланиши баробарида муаммонинг у ёки бу қирралари таҳлилига бағишланган қатор тадқиқотлар эълон қилинди. Шубҳасиз, истиқлолнинг дастлабки йилларида мазкур мавзу доирасида бажарилган аксарият тадқиқотларда муаллифлар масалани тўғри кўтариб чиққан бўлсалар-да, лекин этник назарияга етарлича эътибор бермаганлари туфайли қўйилган масалани тўғри ҳал қилиб бера олмаганлар[3] . Бу борада ўзига хос назарий-методологик қарашларга асосланган илк жиддий тадқиқот тарзида академик К.Шониёзовнинг тадқиқотларини эътироф этиш жоиздир. Элшунос олим Ўрта Осиёдаги этник жараёнларнинг тарихий негизларига асосланиб, ўзбек халқининг шаклланиш жараёнига оид жиддий мулоҳазаларга ва тарихий мезонларга асосланган назарий-методологик концепцияни ишлаб чиққан тадқиқотчилардан биридир. Муаллиф мураккаб этник жараёнлар борасидаги ўзининг методологик мулоҳазалари ва концептуал қарашларини «Ўзбек халқи этногенезининг айрим назарий масалалари» ва «Ўзбек халқи шаклланиш жараёнининг айрим масалалари» номли мақолаларида батафсил баён қилиб берган[4] . Академик олим мазкур тадқиқотларда этнологиянинг асосий тушунчалари ва иборалари ҳисобланган - этнос, этник бирлик, этник жараён, қабила, қабила иттифоқи, элат, халқ, этнографик гуруҳ (субэтнос) ва этник гуруҳ каби терминларга биринчи марта ўзбек тилида таърифу тавсиф берган ва уларнинг асл мазмуни ҳамда моҳиятини этнос назарияси принциплари асосида, концептуал тарзда таҳлил қилган.[5] Академик А.Асқаров ибораси билан айтганда К. Шониёзов ўзининг капитал асари «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни»да ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ёритишга ижодий ёндашиб, этнология фанининг назарий ва илмий методологик асосларига аниқликлар киритди. Буни унинг ўзбек тарихшунослиги олдидаги буюк ютуғи десак, хато бўлмас[6] .

Кейинчалик элшунос олим У. Абдуллаевнинг этнос муаммоси таҳлилига бағишланган қатор тадқиқотлари эълон қилинди. Жумладан, муаллифнинг «Ўзбекистон тарихи» журнали саҳифаларида чоп этил-

---

[3] Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни... Тошкент, 2001. 74-бет.

[4] *Қаранг:* Аширов А., Абдуллаев У. К.Шониёзовнинг «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» монографияси ҳақида // Ўзбекистон тарихи. 2002. № 1. 79-бет.

[5] *Қаранг:* Шониёзов К. Ўзбек халқи шаклланиш жараёнининг айрим масалалари // ЎИФ. 1996. №6. 79-87-бетлар. Ўша муаллиф. Ўзбек халқи этногенезининг айрим назарий масалалари //ЎИФ, 1998. №6. 31-44-бетлар.

[6] Асқаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари // Ўзбекистон тарихи. 2002. № 4. 54-60-бетлар.

ган «Этнологиянинг баъзи бир назарий масалалари» номли мақоласида этнос назарияси билан боғлиқ қарашлар батафсил таҳлил этилган бўлиб, мақола муаллифи кенг миқёсдаги илмий адабиётларга суянган ҳолда XX асрнинг 50-90-йилларида илгари сурилган этнос назариясига оид концепциялар ва қарашларни, жумладан, С.М. Широкогоров, С.П. Толстов, П.И. Кушнер (Книшев), С.А. Токарев, Н.Н.Чебоксаров, В.И. Козлов, Ю.В. Бромлей, В.А. Тишков каби назариётчи олимларнинг концептуал қарашлари ва мулоҳазаларини илмий холислик асосида таҳлил қилган[7]. Шунингдек, муаллиф бошқа бир тадқиқотида этнологиянинг терминология муаммосига батафсил тўхталиб, «этнос», «этнийлик» (этниклик - *А.А.*), «этник жараёнлар», «этносларaро жараёнлар», «этносларaро муносабатлар», «хўжалик-маданий типлар» каби этнология фанининг асосий атама ва тушунчалари борасида диққатга сазовор мулоҳазаларни билдирган[8]. Умуман олганда, У.С. Абдуллаевнинг назарий-методологик қарашлар таҳлили ва терминология муаммоларига бағишланган тадқиқотларида собиқ Иттифоқ олимлари томонидан яратилган этнос назариясига муносиб баҳо берилган ва ўз навбатида муаллифнинг концептуал қарашлари ҳам баён қилинган бўлиб, бу ўзбек этнологиясида янгича назарий-методологик қарашларни янада такомиллашувида маълум маънода туртки бўлди, деб айтиш мумкин.

Этнос муаммоси билан бевосита боғлиқ бўлган этник жараёнлар таҳлили борасида этнолог-тадқиқотчи А.Қаюмовнинг ишлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, муаллиф XIX- XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида кечган этник жараёнларни янгича қарашлар ва назарий-методологик ёндашувлар асосида таҳлил қилишга ҳаракат қилган[9].

Умуман олганда, юқорида таъкидлаганимиздек, кейинги вақтларда этнологиянинг назарий-методологик муаммолари билан нафақат элшунос олимлар, балки тарихчи, файласуф, социолог, археолог ва қатор бошқа ижтимоий фанлар бўйича мутахассислар ҳам қизиқиб шуғулланмоқдалар. Ўз навбатида мавзу доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижаси тарзида қатор эътиборга молик ишлар ҳам эълон қилинмоқда[10].

---

[7] Абдуллаев У. Этнологиянинг баъзи бир назарий масалалари // Ўзбекистон тарихи. 2002. № 1. 60-65-бетлар.

[8] *Қаранг:* Абдуллаев У.С. Этнологияда терминология муаммоси // Ўзбекистон этнологияси: янгича карашлар ва ёндашувлар. Тошкент, 2004. 10-14-бетлар.

[9] Қаюмов А. XIX – XX аср бошларида этник жараёнларнинг баъзи хусусиятлари (Ўзбек халқи этник тарихидан мулоҳазалар // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 1-кисм. Тошкент, 2005. 44-52-бетлар.

[10] Маликов А. Semerkant Bolgesindegki Ozbeklerin Etnik Tarihi. Turkler. Cilt.8. Ankara. 2002.: Ўша муаллиф. Хитаи долины Среднего Зарафшана в 18-начале 20 в. // Археология и

Этнологияга ёндош соҳадаги тадқиқотчиларнинг этнос муаммоси доирасида илмий изланишлари борасида батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, аввало, тарихчи ва археолог А.Асқаровнинг тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир[11]. Айниқса, академик олим сўнгги йилларда олиб борган тадқиқотларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммоси билан жиддий шуғулланиб, этнос назариясига оид қатор янги илмий-назарий ҳамда методологик қарашларни илгари сурди[12]. Жумладан, муаллиф ўзбек халқининг этногенезини сўнгги бронза давридан бошлаб то IX-X асрларгача бўлган тарихий даврни қамраб олган тўрт тарихий босқичга бўлиб даврлаштириш ва мазкур муаммони етти қисмдан иборат назарий ва илмий методологик асосда ёритиш лозим деб уқтиради[13]. Умуман, академик олимнинг мавзуга оид концептуал мулоҳазалари этногенез ва этник тарих соҳасидаги келгуси қарашларга назарий-методологик асос бўла олади, деб айтиш мумкин.

Бундан ташқари айнан охирги йилларда республикада «Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги илмий семинарнинг ташкил этилганлиги ҳам ушбу йўналишнинг кейинги йилларда илмий жамоатчилик орасида нақадар муҳим илмий-амалий аҳамият касб этиб ривожланиб бораётганлигидан далолат беради[14].

Шу ўринда, соҳа доирасида юртимизда олиб борилаётган тадқиқотлар хорижий мамлакатларда бажарилаётган илмий изланишлар билан нечоғлик ҳамоҳанглик ёки номутаносиблик касб этади?, нима учун бугунги кунда кўплаб ривожланган мамлакатларда этнологиянинг тадқи-

---

история Центральной Азии. Самарканд, 2004; Материалы по этнической истории тюркских народов Центральной Азии. Ташкент, 2003.; Маманазаров Н. Мустақиллик ва миллий этник жараёнлар. Тошкент, 2004; Абдуллаев У. Фарғона водийсида этносллараро жараёнлар (XIX – XX аср бошлари) Тошкент, 2005.

[11] *Қаранг:* Аскаров А. Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории населения Средней Азии. Ташкент, 1985. С. 3-14.: Ўша муаллиф. Ўзбеклар қандай келиб чиққан // Фан ва турмуш. 1985. № 3,4.

[12] Асқаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари // Ўзбекистон тарихи. 2002. № 4. 54-60-бетлар; Ўша муаллиф. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик масалалари // Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги республика илмий-назарий семинар материаллари, Тошкент, 2004. 5-бет.

[13] Асқаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик масалалари... 9-10-бетлар.

[14] *Қаранг:* «Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги республика илмий-назарий семинар материаллари, Тошкент, 2004.

қот обьекти ва унинг тадқиқот усуллари ўзгаришларга учрамоқда?, этнос ва этниклик муаммоси дунё илмий жамоатчилиги томонидан қандай талқин этилмоқда ва қандай янги назарий-методологик қарашлар яратилмоқда? -деган саволлар туғилиши табиийдир. Аввало шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирда дунё фанида этнос назариясига алтернатив тарзда қарашлар ва концепциялар яратилган бўлиб, АҚШ ва Европадаги кўплаб мактаблар томонидан этнос назарияси кескин танқид қилинмоқда ёки буткул рад этилмоқда.

Албатта, замонавий концепциялар ва қарашлар борасида фикр юритишдан аввал ҳар бир фан соҳасидаги тадқиқотлар назарий ва илмий методологик ишланмаларга асосланиши лозимлигини ва ўз навбатида мавжуд муаммолар ечимининг тўғрилиги унинг илмий методологик асоси билан чамбарчас боғлиқлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Зеро, фанда баъзида муаммони ҳал қилишда етарли даражада исботланмаган ҳамда синчиклаб текширилмаган материалларга асосланиш коньюктура мақсадларидагина фойдаланишга сабаб бўлмоқда қолаверса, муаммони назарий хулосаларсиз, тарихий далил исботларсиз ёки нохолис тарзда тадқиқ этилиши ҳаттоки, миллий-этник низоларни келтириб чиқариши мумкин. Бунга СОРОС фонди ҳомийлигида кейинги йилларда нашрдан чиққан ва кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган «Ўзбекистоннинг этник атласи» ёрқин мисол бўла олади[15]. Таъкидлаш жоизки, ушбу китобнинг асосий муаллифларидан бири бўлган социолог олим А.Илҳомов томонидан ёзилган «Ўзбеклар» қисмида[16] ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг конструктивистик қараш асосида ёритилиши ва мавжуд вазиятни бирмунча ғайри илмий тадқиқ этилиши қатор тақризчиларнинг жиддий танқидига сабаб бўлди[17]. Ҳолбуки, мазкур атлас нашр этилгандан сўнг кўплаб davраларда ўзаро баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Ҳаттоки, ушбу атлас юзасидан этнология соҳасида машҳур бўлган «Этнографическое обозрение» (Этнографик шарҳ) журнали саҳифаларида АҚШ, Россия, Франция, Германия, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Тожикистондаги йирик илмий тадқиқот марказларида тадқиқотлар олиб бораётган мутахассис-

---

[15] *Қаранг:* Этнический атлас Узбекистана. Истамбул, 2002.

[16] Ильхамов А. Археология узбекской идентичности // Этнический атлас Узбекистана. Истамбул, 2002. С. 268-312.

[17] Мазкур китоб юзасидан билдирилган салбий мулоҳазалар тўғрисида қаранг: Камолиддин Ш.С. Несколько замечаний об этническом атласе Узбекистана // www.ethnonet.ru.; Ўша муаллиф: Еще раз об этническом атласе Узбекистана // www. www.ethnonet.ru.; Алимова Д., Арифхонова З, Камолиддин Ш. Каким не должен быть этнический атлас Узбекистана // Ўзбекистон тарихи. 2004. №1. 74-85-бетлар.

лар ўзларининг муносабатларини билдиришди[18].

Энди эса бевосита Ғарб этнология мактабларининг этнос муаммоси ва муаммо доирасидаги қарашларини батафсилроқ таҳлил қилсак. Ўтган XX асрнинг 60-йилларига келиб Ғарбдаги ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасига, аниқроғи ижтимоий (маданий) антропологияга инглиз тилидан янги «ethicitu»-этниклик ибораси кириб келган. Аслида мазкур ибора фанда бирмунча олдинроқ пайдо бўлган[19]. Лекин, ўз даврида мазкур термин кенг илмий истеъмолга кирмаганлиги боис 1975 йил тадқиқотчи олимлар Н. Глейзер ва Д. Мойниханлар «этниклик»ни «янги тушунча» тарзида қўллаганлар[20].

Этниклик этник гуруҳнинг фарқли хусусияти, ўзликни англатувчи ўзига хос категория тарзида қўлланилса-да, лекин мутахассислар мазкур иборанинг асл мазмуни борасида ҳали ҳануз якдил умумий хулосага келмаганлар[21]. М.Бэнкснинг ёзишича, «кўп йиллар мобайнида «этниклик» антропология ва социологиянинг асосий тушунчаларидан бири бўлган бўлса-да, лекин фанда қўлланилишига кўра бошқа тушунчаларга қараганда маъно жиҳатдан бирмунча баҳсли тушунча ҳисобланади»[22]. Рус файласуф-назариётчи олими С.Е.Рибаков таъкидлаганидек, «этнос»сиз «этниклик»ни ва ўз навбатида «этниклик»ни билмасдан туриб «этнос»ни изоҳлаш мушкул[23]. Умуман олганда, этниклик аввало, замонавий жамиятларнинг полиэтник хусусиятига қаратилган бўлиб, эт-

[18] *Қаранг:* Губаева С.С. Этническая консолидация–процесс естественноисторический // Этнограф. Обозрение (ЭО). 2005. №1. С. 48-51.: Камолиддин Ш. О понятии этногенеза в «Этническом атласе Узбекистана» // Там же. С. 52-55; Финке П. Об «Археологии узбекской идентичности» А.Ильхомова // Там же. С. 60-63; Шозимов П. Переосмысление символического пространства узбекской идентичности // Там же.С. 64-67; Савин И.С. Размышления о статье А. Ильхомова // Там же. С. 68-72; Фиерман У. О «национализации» узбеков // Там же.С. 72-77; Халид А. Современный характер идентичности: об «археологии узбекской идентичности» А.Ильхомова // Там же.С. 78-82; Абашин С.Н. Постсоветский национализм, теория этноса и конструктивистская критика // Там же.С. 83-86; Петрик Б. Узбекистан не является обществом, основанным на принципе этничности. Но может таковым стать // Там же.С. 88-91.

[19] *Қаранг:* Warner L. Lint P.S. The Status System of a Modern Community. New Haven, 1942. P. 73.

[20] *Қаранг:* Glaser N., Moynichan D.P. Intiroduction//Ethpicity: Theory and Experience/Ed.bu N. Glaser, D.P.Moynichan. Cambrige, 1975. P. 1.

[21] Чешко С.В. Человек и этничность // ЭО. 1994. №6; Арутюнов С.А. Этничность-объективная реальность // ЭО. 1995. №5; Колпаков Е.М. Этнос и этничность // ЭО. 1995: Скворцов Н.Г. Проблема этничности в социальной антропологии. СПб., 1997; Тишков В.А. О феномене этничности // ЭО. 1997. № 3; Винер Б.Е Этничность: в поисках парадигмы изучения // ЭО. 1998. №4; Заринов И. Социум-этнос-этничность-нация-национализм // ЭО. 2002. №1. С. 3-30; Рыбаков С.Е. Этничность и этнос. С. 3-25.

[22] *Қаранг:* Рыбаков С.Е. Философия этноса. С... 81.

[23] *Қаранг:* Рыбаков С.Е. Этничность и этнос // ЭО. 2003. №.3. С. 3.

никлик деганда Ғарб олимлари этник гуруҳларнинг маданий хусусиятлари йиғиндисини тушунадилар. Этникликни тадқиқ қилишда норвегиялик олим Фредрик Бартнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. У биринчилардан бўлиб этникликни илмий асосда таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Бартнинг фикрича, «этник гуруҳга тегишли бўлган тавсифни этник худуд (чегара) ташқарисидаги маданий материал йиғиндисига киритиб бўлмайди, этник гуруҳлар (ёки этнослар) аввало, ушбу гуруҳ аъзоларининг ўзлари муҳим деб ҳисоблаган маданий хусусиятлар орқали аниқланади ва бу хусусиятлар ўз навбатида этник ўзликни англашда асос бўлади»[24]. Н.Н.Миклуха Маклай номли Этнология ва антропология институти директори В.А. Тишков этниклик муаммосини «анъанавий маданий типлар» таснифи тарзида таҳлил қилинишига кескин қарши чиқади ва этникликни «маданий гибридлик» тарзида талқин қилади. Унинг фикрича, муаммони бундай тарзда ҳал қилиниши «инсонни этникликда эмас, балки инсондаги этникликни тадқиқ қилиш» имконини беради[25]. Этникликни конструктивистик йўналишда тадқиқ қилувчи тадқиқотчилар фикрича, этниклик маданий характер мажмуасига асосланади, яъни қайсидир этник гуруҳ гарчи, бошқа этник гуруҳлардан қондош-уруғчилик жиҳатдан фарқланса-да, аммо этникликда қондош-уруғчилик ёки бошқа объектив мезонлардан кўра маданий муносабатлар муҳим роль ўйнайди. Умуман олганда, этниклик муайян этник гуруҳга мансуб маданий хусусиятлар мажмуи, яъни бошқачароқ тарзда айтадиган бўлсак, этниклик – бу маданий фарқларнинг ижтимоий уюшмаси шаклидир[26] .

Конструктивистик қараш тарафдори бўлган кўплаб тадқиқотчилар «этникликни юзага келишида аввало, «биз ва улар» деган ўзига хос иккилик муносабати бўлиши лозим. Агар бундай муносабат бўлмаса этниклик ҳам бўлмайди» деган қараш устувордир.[27]

XX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб этнос, этниклик муаммоси доирасида тадқиқотлар олиб борган этнологлар, ижтимоий ва маданий антропологлар, файласуфлар, социологлар, психологлар, тарихчилар орасида икки йўналиш, яъни ўзига хос методологик мактаби ва қарашларига эга бўлган мустақил икки қарама-қарши примордиалистик ва конструктивистик оқим пайдо бўлган. Ушбу икки илмий мактаб орасида доимий ўзаро илмий баҳс бўлган бўлиб, бу икки оқим ўртасидаги

---

[24] Barth F. Introduction // Ethnic Groups and Boundaries: The Social Organisation of Culture Difference / Ed de F.Barth Bergen, Oslo, London, 1969. P. 9-17.

[25] Тишков В.А. Этнология и политика. М., 2001. С. 233.

[26] Тишков В.А. О феномене этничности // ЭО. 1997. № 3. С. 6.

[27] Скворцов Н.Г. Проблема этничности в социальной антропологии. СПб., 1997. С.61.

қизиқарли ва кескин мунозаралар борасида мулоҳаза юритишдан аввал ҳар икки мактаб вакилларининг назарий-методологик концепциялари ва мавжуд қарашларнинг асл моҳияти-ю мазмуни борасида тўхталиб ўтсак. Аввало, этнос назариясини танқид қилувчи конструктивистик қараш тўғрисида бирмунча батафсилроқ фикр юритсак. Конструктивистик мактабнинг йирик намояндаларидан бири бўлган америкалик антрополог Ж.Комарофф конструктивизм – бу назария эмас, балки сиёсий ва маданий ўзликни англаш инсоният фаолиятининг маҳсули эканлигини тасдиқловчи тавсифдир,-деб таъкидлайди. Қолаверса унинг фикрича, конструктивизм соясида кўплаб қарашлар яширинган[28]. Конструктивизм тўғрисида примордиалист олим С.Рибаков жамиятда ҳеч қандай ягона конструктивистик назария мавжуд эмас ва умуман, бу ўринда «назария» иборасини ишлатиш ҳақиқатга тўғри келмайди, - деб ёзади. Унинг фикрича, ушбу йўналиш тарафдорларини этникликни табиий тарзда борлиқда мавжуд эмаслиги тўғрисидаги умумий тезисгина бирлаштиради[29].

Примордиализм* тарафдорлари этнос ёки этниклик табиатда ёки жамиятда объектив асосга эга бўлган феномен деб ҳисоблайдилар. Таъкидлаш жоизки, кўпинча Ғарбдаги тадқиқотчилар собиқ Иттифоқ олимлари томонидан яратилган этнос назариясини примордиалистик назарияга киритадилар. Советлар даврида яратилган этнос назарияси «миллат кишиларнинг тарихан таркиб топган гуруҳи бўлиб, у маданиятлар умумийлиги асосида намоён бўладиган умумий тил, ҳудуд, иқтисодий ҳаёт ва руҳий жамланма асосида пайдо бўлади»,-деб талқин қилинган. Этнос назарияси номи билан машҳур бўлган концепция яхлит бир бутун тизимли қараш тарзда илк маротаба XX асрнинг 20-йилларида, аниқроғи, 1923 йилда Хитойнинг Шанхай вилоятида яшаган рус эмигранти С.М. Широкогоров томонидан билдирилган. Айнан у фанга «этнос» тушунчасини олиб кирган тадқиқотчидир. С.М.Широкогоров 1923 йилда Шанхайда эълон қилган асарида «этнос – бу бир тилда сўзлашувчи, келиб чиқиши бир эканлигини тан олувчи, урф-одатлар мажмуаси ҳамда умумий турмуш тарзига эга бўлган кишилар гуруҳидир»[30] -деб ёзади.

[28] Комарофф Дж. Национальность, этничность, современность: политика самосознания в конце XX века .. С. 41.

[29] Рыбаков С.Е. Философия этноса... С. 28.

* *Примордиализм*-инглиз тилидаги «primordial» - бошлагич, дастлабки, азалий деган сўздан олинган.

[30] Широкогоров С.М. Этнос. Исследование основных принципов изменения этнических и этнографических явлений // Известия восточного факультета Дальневосточного университета. Вып.XVIII. Шанхай, 1923. Т.1. С. 13.

Кейинчалик С.Широкогоров ишларида этнос (миллат) га берилган таъриф П.Кушнер, С.Токарев, Н.Чебоксаров, В.Козлов тадқиқотларида маълум маънода такомиллаштирилган[31]. Дарҳақиқат, юқорида номи зикр этилган муаллифларни маълум маънода собиқ советлар давридаги «этнос назарияси»нинг ҳаммуаллифлари деб айтиш мумкин. Лекин, бу назария тараққиётида Этнология институтининг собиқ директори Ю.Бромлейнинг хизматлари катта бўлиб, у томонидан ўтган асрнинг 80-йилларида этнос назарияси янада такомиллаштирилди ва у материалистик фундаментдаги яхлит бир тизимли концепция даражасидаги назария кўринишига эга бўлди[32]. Ю.Бромлейнинг ёзишича, этнос аниқ бир ҳудуд, тил, келиб чиқиш, маданият умумийлиги, ўз-ўзини этник англаш ва ўз этник номи (этноними)га ҳамда ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган кишилар гуруҳидир[33].

Таъкидлаш жоизки, "этнос" назарияси кейинчалик Ю.Бромлей вафотидан сўнг ғарблик ва россиялик айрим тадқиқотчилар томонидан жиддий танқид остига олинди[34]. Жумладан, конструктивизм тарафдорлари бўлган М.Маклай номли Этнология институтининг директори антрополог В.А. Тишков этнос назариясининг асосий танқидчиларидан бири бўлиб, этнос билан боғлиқ назарий-методологик қарашларни ноанъанавий усулда таҳлил қилиш асносида «этнос» назариясини кескин танқид қилади[35]. Таниқли антрополог олим тарихий-ижтимоий воқеликни инсоният тасаввури натижаси тарзида таҳлил этади ва этносни тарихчилар, социологлар, этнографлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан яратилган сунъий ижтимоий тузилма деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, аслида ушбу «ақлий тузилма» ўрнида жамият ва маданиятда объектив мавжуд ҳамда ўзаро фарқли кўринишлардан

---

[31] *Қаранг:* Кушнер П.И. Национальное самосознание как этнический определитель // Краткие сообщения Института этнографии. Вып.8. М., 1949; Ўша муаллиф. Этнические территории и этнические границы // Труды Института этнографии. Т.15. М., 1951; Токарев С.А. Проблемы типологии этнических общностей. (К методологическим проблемам этнографии) // Вопросы философии. 1964. №11; Чебоксаров Н.Н. Проблемы типологизации этнических общностей в трудах советских ученых // СЭ. 1967. №4; Козлов В.И. Динамика численности народов. Методология исследования и основные факторы. М., 1969.

[32] Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. М., 1983.

[33] Ўша жойда. 58 бет.

[34] *Қаранг:* Brubaker R. Nationalism Reframed: Nationhood and the National Question in the New Europe. Cambridge, 1997.; Элез А. Критика этнологии. М.,2001; Tishkov V. Ethnicity, Nationalism and Conflict in and After the Soviet Union. The Mind Aflame. London, 1997. P. 1-23.: Ўша муаллиф. Реквием по этносу. М., 2003.

[35] *Қаранг:* Тишков В. О нации и национализме // Свободная мысль. 1996. № 3; Ўша муаллиф Ethnicity, Nationalism and Conflict in and After the Soviet Union. The Mind Aflame. London, 1997. Ўша муаллиф. Реквием по этносу. М., 2004.

иборат бўлган ўз-ўзини бошқарув континуми ва структуравийлик томон ҳаракат қилувчи мозаик, лекин ўзига хос маданий хилма-хиллилик мавжуд[36]. Қолаверса, конструктивистик қараш тарафдори бўлган айрим ғарблик ва россиялик тадқиқотчилар этнос ва миллатнинг тарихийлик принциплари асосида пайдо бўлганлигини буткул рад этадилар ва айниқса, бугунги кундаги замонавий этнослар, жумладан, Ўрта Осиё миллатлари (миллий республикалар ҳам) узоқ муддатли ривожланиш натижасида эмас, балки совет ҳокимиятининг, маҳаллий раҳбарлар ва зиёлиларнинг кўмагида сунъий равишда барпо бўлган, деган ғояни илгари сурадилар[37]. Бизнингча, бундай қараш маълум маънода тарихий воқеликдан кўз юмишга, этно-миллий тарихдан воз кечишга олиб келадиган нотўғри қараш ҳисобланади.

Ўз ўрнида айтиб ўтиш ўринлики, В.А. Тишков макон ва замон ҳамда бугунги кунда долзарб бўлиб турган терроризм, экстремизм, миллатчилик, сепаратизм, диаспоралар, кам сонли миллий гуруҳлар тушунчаларини «ижтимоий антропология» нуқтаи назаридан таҳлил қилади. Унинг фикрича, турли-туман маҳаллий қарама-қаршиликлар тарихий ва этник муаммолардан эмас, балки «замонавий муаммоларга оид ижтимоий макондаги қатнашчиларнинг ўзаро ихтилофларидан пайдо бўлади ва ўз навбатида бу вазиятда миллий адоват ва тажовузлар, агрессия сунъий тарзда авж олдирилади»[38]. Бизнингча, бундай кескин қараш гарчи, советлар тузумидан кейинги даврдаги дастлабки янгича қараш бўлса-да, лекин муаммонинг тўлиқ ҳал этилишини англатувчи мукаммал ечим эмас, балки бирмунча баҳсли, лекин эътиборга сазовор конструктивистик мулоҳазадир. Лекин, ўз навбатида шуни ҳам унутмаслик лозимки, ҳар қандай фан соҳасида бўлгани сингари этнология соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар илмий мантиққа асосланмоғи ва у ёки бу халқнинг этник тарихини таҳлил этишда мазкур халқнинг ўзига хос этник хусусиятларини инобатга олган ҳолда унинг этно-миллий, тарихий қадриятларига ҳамда миллий анъаналарига зиён етказмаслик лозимдир.

Дарвоқе, кўпинча конструктивистлар ўзларининг назарий-методологик қарашларидан ташқарида бўлган ёки уларга қарама-қарши му-

---

[36] Тишков В.А. Советская этнография: преодоление кризиса // ЭО. 1992. №1. С.7-8.

[37] *Қаранг:* Этнический атлас Узбекистана.. С.9.: Абашин С.Н. Население Ферганской долины (к становлению этнографической номенклатуры в конце XIX-начале XX века) // Ферганская долина: этничность, этнические процессы, этнические конфликты. М., 2004. С. 38-102; Ўша муаллиф. Постсоветский национализм, теория этноса и конструктивистская критика.. С. 83.

[38] Тишков В.А. Реквием по этносу. С.31.

лоҳазалар билдирган ҳар қандай қарашни примордиализмга киритади ва ўз навбатида ўзларининг қарашларини замонавий фаннинг инъикоси бўлган ягона илғор таълимот тарзида талқин қиладилар. Қолаверса, улар примордиалистик қарашни «илмий хатоликлар мажмуи» тарзида талқин қиладилар.

Конструктивистик қараш асосан Ғарб (янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, инглиз тилли мамлакатлар) даги социал антропологлар орасида кенг тарқалган бўлиб, бу борада «плюралистик жамият» муаммосини ишлаб чиққан М.Смит ва Ф. Бартларнинг концепциялари жуда машҳурдир. Ф. Барт ўзига хос «коперникча ўзгариш» қилиб, «маданий фарқлар ижтимоий тузилма ва ўзаро ҳаракатлар натижасидир»-деб таъкидлайди[39].

Дарвоқе, Ф. Бартнинг фикрича, этник ўзликни англаш этникликнинг энг муҳим аломатлари сирасига кирмайди. Этник ўзликни англаш орқали шахс ўзининг этник ролини намоён қилади ва маълум бир гуруҳ аъзоси тарзида тасаввур қилади. Шу боис, улар этникликни аниқлашда этносга хос маданиятдан кўра унинг ҳозирги даврдаги фарқли ва гуруҳий чегарасига хос маданий тавсифни ҳал қилувчи аҳамият касб этади, деб ҳисоблайдилар.

Хулоса тарзида таъкидлаш лозимки, этнос ва этниклик муаммоси этнологиянинг замонавий муаммолари тарзида долзарб аҳамият касб этиб бораётганлиги ва бу борада кўплаб назариялар яратилаётганлиги ҳамда бу борада сўнгги йилларда билдирилаётган фикр-мулоҳазаларга қарамай уларни этник феноменни англаш нуқтаи назардан бирон-бир жиддий илмий назарияни мужассамлаштира олмаяпти. Шу боис, бизнингча, келгусида этникликка оид тадқиқотлар янада жадал баҳсли тарзда давом этади ва балки, яқин келажакда ҳозирги мавжуд қарашлар асосида этникликка оид мукаммал назария яратилса ажаб эмас.

*А. Аширов*

## *ПРОБЛЕМА ЭТНОСА В ИНТЕРПРЕТАЦИИ СОВРЕМЕННЫХ ИССЛЕДОВАТЕЛЕЙ*

***В статье анализируются современные актуальные проблемы этнологии, в частности, сложившиеся взгляды отечественных исследователей на проблему этноса и этничности и их интерпретация представителями зарубежной этнологической школы. Дается сравнительный анализ полярных научных направлений, а также впервые в отечественной этнологии оценка таких научных теорий, как конструктивизм и примордиализм.***

[39] Рыбаков С.Е. Философия этноса... С.98.

*A. Ashirov*

## *THE PROBLEM OF ETHNOS IN THE INTERPRETATION OF MODERN SCHOLARS*

*In article analyzed topic problems of ethnology, in particular viewpoints of local investigators and foreign scholars on problem of ethnos and ethnicity. Author made comparative analysis between those directions (trends), also first time among local ethnologists valued such scientific theories as constructivism and primordialism.*

*Манба ва талқин*

*Ш.Шоёқубов*

# МУҒ ТЎПЛАМИДА ТУРК ХОҚОНЛИГИ ВА СУҒД МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Маълумки VI аср ўрталарида Олтой, Жанубий Сибирь, Еттисув ва Шарқий Туркистонда жойлашган туркий қабилалар бирлашиши натижасида Турк хоқонлиги (552-744 йиллар) ташкил топади. Тез вақт ичида хоқонлик кучайиб, Марказий Осиёнинг катта қисмини эгаллайди. Турк хоқонлиги ҳарбий юришлари натижасида 560 йиллар ичида Аму ва Сирдарё ҳавзаларидаги эфталийларга қарашли ҳокимликларни эгаллайдилар, Эрон билан Турк хоқонлиги чегараси Амударё бўлиб қолади. VI асрнинг 80-йилларида Эрон сосонийлари билан бўлган жанглардан кейин турклар Амударёнинг чап соҳилидаги бир неча вилоятларни ҳам эгаллашга муваффақ бўладилар. Турк хоқонлари Волга ва Қора денгиз бўйларига юриш қилиб, 576 йили Боспорни (Керч), 581 йили эса Херсонни қўлга киритадилар.

Турк хоқонлигида ички низолар кучайиб, 588 йили икки мустақил давлатга Шарқий ва Ғарбий хоқонликка ажралиб кетади. Шарқий хоқонлик Мўғулистонда, Ғарбий хоқонлик эса Еттисувда ташкил топади. Шарқий хоқонликни дулу, нушиби, туркеш, қарлуқ ва бошқа қабилалар ташкил қилган. Бу қабилаларнинг айрим гуруҳлари хоқонликлар даврида Мовароуннаҳр ва унга туташган вилоятларга келиб ўрнашадилар. Кул-тегин битигининг хабар беришича, «улар (Муған ва Истеми хоқонлар) ўз халқини Темир-қопиғгача жойлаштирганлар»[1] . Темир-қопиғ (Темир дарвоза) номи ўрта асрларда Бойсун тоғларида жойлашган, Суғддан Тохаристонга олиб борувчи тоғ йўлига нисбатан ишлатилган.

Ўзбек давлатчилигини ўрганиш тарихий, географик маънода нафақат бугунги Ўзбекистон ҳудудини, балки бутун Марказий Осиё деб аталмиш улкан минтақа бўйлаб кечган барча сиёсий, иқтисодий, маданий ва этник жараёнларнинг буткул воқеа - ҳодисаларини қамраб олади.

Ўрта Осиё ҳудудида рўй берган муҳим жараёнлардан бири этник ёки полиэтник ҳодисадир. Бу интеграцияловчи, кўплаб этносларни бирлаштирувчи ижтимоий, сиёсий, маданий ҳодисалар билан кўши-

[1] Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М., 1951. С. 51.

либ кетади. «Умуман олганда этник жараёнлар илмий асосда, холис илмий назарияга суянган ҳолда Туронзаминда ўзбек халқи иштирок этган туркийзабон этник қатламнинг шу маконда азалий, автохтон, абориген қатлам сифатида мавжуд бўлганлигини тан олиш негизида қаралиши лозим»[2], деб таъкидлайди тадқиқотчи А.Отахўжаев. Аслида ҳам бу ҳудуд ўзига хос бўлган маданиятлар кесишувида бўлиб, қанчалик давлатлар унинг бошқарув усулларига ўз таъсирини ўтказмасин, турли этник кўринишдаги сулолалар четдан келган, деб кўрсатилмасин натижада эса ўлкамизнинг ўтроқ маданияти анъаналари билан кўчманчи маданият қоришуви-симбиози жараёни тубжой давлатчилиги шакли асосида қолаверади.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов: «Бир сўз билан айтганда, минг йиллар давомида юртимизга келиб-кетганлар озми? Эрондан Аҳмонийлар, Юнонистондан Александр келди, Арабистондан Қутайба, Мўғулистондан Чингизхон келди, рус истилочилари келди. Лекин халқ қолди-ку. Хўш, бунда қандай сир-синоат бор? Халқ қандай ички куч-кудратга таяниб ўзлигини сақлаб қолди? Қадим-қадим замонлардан ўтроқ яшагани, илм-маърифатга интилгани, буюк маданиятга эга бўлгани, ўз урф-одатларини муқаддас билгани учун эмасми?[3] - деб, таъкидлагани бежиз эмас.

Тадқиқотчилардан рус олими С.П. Толстов XX аср ўрталарида ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида фикр юритар экан шундай деб, ёзган эди: «Ўзбек халқининг қарор топишида қадимги суғдликлар ва хоразмликлар, кўчманчи массагетлар ва саклар, кўчманчи-келиб чиқиши туркий бўлган қабилалар ва ниҳоят, Олтин Ўрда ўзбеклари, қипчоқларнинг авлодлари юз йиллар давомида қоришиб, ҳозирги ўзбек халқини ташкил қилган[4]. Тадқиқотчи А.Отахўжаев бунга қўшимча равишда ўзбек халқининг шаклланиши таркибига чочликлар, фарғоналиклар ва бақтрияликларнинг қадимий аҳолисини ҳам қўшади[5]. Булар орасида суғд ва турк симбиози масаласи алоҳида ўзига хос ўрин тутади. Чунки улардаги умумий бўлган жиҳатлар салмоқлидир. Бу умумийлик ҳаётнинг барча соҳаларида ўз аксини топган. Узоқ йиллар бирга яшаш

---

[2] Отахўжаев А. Ўзбек давлатчилиги тарихида суғд-турк муносабатлари илдизлари // Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият. ЎзР ФА Тарих институти. Тошкент, 2003, 139-бет.

[3] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент: Шарқ. 1998. 17-бет.

[4] Толстов С.П. Древняя культура Узбекистана. Ташкент, 1943. С. 35.

[5] Отахўжаев А. Ўзбек давлатчилиги тарихида суғд-турк муносабатлари илдизлари // Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият. ЎзР ФА Тарих институти. Тошкент. 2003, 140-бет.

Марвдан то Мўғулистонгача бўлган улкан худудда суғд-турк маданият шаклининг этно - маданий қиррасига асос солди.

Милоддан аввалги биринчи минг йилликдан то милодий биринчи минг йиллик охиригача бўлган деярли икки минг йиллик тарих давомида ягона маданий-тарихий макон вужудга келди. Шу боис ҳам, рус тарихчиларидан бири А.Н.Бернштам ўз даврида Ўрта Осиёнинг қадимий ва илк ўрта асрлар тарихини даврлаштирганда милодий VI-VIII асрларни (570-783 йиллар) турк-суғд даври деб белгилайди[6] .

Милоддан аввалги биринчи минг йилликдан бошлаб туркий қабилалар ва элатлар асосини ташкил этган: скиф, сак, қанға, кушон (юечжи), хунн-эфталлар ҳамда кейинчалик турк (тукю) номини олган хоқонлик аҳли ҳамма даврларда ҳам минтақамиздаги сиёсий, этник жараёнларда узлуксиз иштироки борлигининг гувоҳи бўламиз.

Суғд-турк бирлиги айниқса, қадимги ва илк ўрта асрлар (милоддан аввалги VI-III асрлардан то милодий XI асргача бўлган даврлар)да яққол намоён бўлди. Суғд аҳлининг шарққа қараб доимий равишда турли сабаб ва эҳтиёжлар натижасида силжишлари ва турклар билан қоришиб бориши охир-оқибат уларнинг бир қисмини туркий қатлам билан ассимиляциясига олиб келди. Ўрта Осиё ва Еттисув йўналиши бўйлаб суғдлар Шарқий Туркистонга Хитой чегаралари қадар етиб бордилар. В.А.Лившиц европалик суғдшунос олим В.Б.Хеннинг фикрига қўшилган ҳолда суғдларнинг хитойлар билан муносабатга киришувини милоддан аввалги III аср билан белгилайди[7] . Шу даврдан Шарқий Туркистонда суғд колониялари вужудга келди. У ердаги суғдлар орасида туркча исмлар расм бўла борган[8] .

Суғдлар хитойлар билан савдо-тижорат ва иқтисодий алоқаларни ўрнатишларига қадар бевосита туркий элатлар ҳудудларидан ўтиб улар билан ҳар томонлама қалин муносабатда бўлганлари шубҳасиздир. Бу муносабатлар милоддан аввалги биринчи минг йиллик бошлари билан белгиланади. Ўзаро муносабатлар ҳам суғдларнинг ҳам туркларнинг табиий эҳтиёжлари орқали кечган. Ҳатто, IV-VI асрларда Туронзаминда ҳукмронлик ўрнатган хионийлар, кидарийлар ва эфталийлар ҳам асли келиб чиқиши туркий қабилаларданлиги маълум. Шу боис ҳам на хионий, на кидарий, на эфталийлар ва на Турк хоқонлиги ҳудудимизда маҳаллий халқлар қаршилигига учрамаган. Балки, эфталийларнинг

---

[6] Бернштам А.Н. Среднеазиатская древность и ее изучение за 30 лет // ВДИ. 1947. №3. С. 91.

[7] Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. М.: Наука, 1981. С. 348.

[8] Чугуевский Л.И. Новые материалы к истории согдийской колонии в районе Дуньхуана // Народы Азии и Африки. Вып. X. М.: Наука, 1971. С. 147.

Эрон подшоси Пероз устидан қозонган ғалабаларига кўмакдош бўлишган. Акс ҳолда эфталийлар эронликлар устидан уч бора юришларида ҳам ғалабага эриша олмаган бўлардилар[9].

Илк ўрта асрларда суғдларнинг Марказий Осиё минтақасидаги маданий таъсири кучайди. Бу ўринда икки ўртадаги геосиёсий яқинлик ҳам муҳим ўрин тутади. Суғд тили, маданияти ва ёзуви Амударё соҳилларидан Хитой девори қадар бўлган ҳудудда етакчилик қила бошлади. Бу эса ҳеч қандай монелик келтириб чиқармади. Минтақамизда фақат ўзига хос бўлган суғдча kand-кент, шаҳар, қўрғон маъноларини берувчи шаҳарлар тизими кенг тарқалди[10]. Бу жараён то XI-XII асрларга қадар давом этди.

Суғд тилининг амалий кўлами шу даражада кенг бўлганки, Ўрта Осиё ва Еттисув вилояти ҳамда Шарқий Туркистоннинг кўплаб аҳолиси суғд ва турк тилларида бемалол сўзлашаверган, кўпроқ шаҳарларда суғд-турк икки тиллилиги расмий ҳолат бўлганлиги Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асаридаги хабардан маълум[11].

VII-VIII аср бошларида Турк хоқонлиги таркибида бўлган Суғд - конфедератив давлат тузилмасига эга эди. Буни нафақат Муғ тоғидан топилган Суғд ҳужжатлари, балки 629 йилда Суғдга саёҳат қилган хитой сайёҳлари ҳам ўз асарларида ёзиб қолдирганлар. Улар Суғднинг пойтахти Самарқанд шаҳри бўлганлигини, шу билан бирга бу марказга Маймурғ, Кабудон, Кушония, Бухоро ва Кеш каби вилоятлар маъмурий жиҳатдан мулк сифатида бўйсунганлигини қайд этиб ўтадилар. V асрнинг охири VI аср бошларида Суғд, гарчанд, Турк хоқонлигига бўйсунган бўлса-да, у ўз ички бошқарув шаклига ҳам эга эди. Туркларнинг сиёсати, дастлаб, маҳаллий ҳукмдорлардан хирож олишдан иборат бўлди, илгариги сулолалар сақлаб қолинди, у ёки бу вилоятда мавжуд бўлган тартиблар ҳам ўзгартирилмади. Туркларнинг суғдликларга муносабати худди бундан олдинги эфталларнинг муносабати сингари давлатнинг олий васийлиги хусусиятига эга бўлди[12].

Турк хоқонлигининг ҳарбий-сиёсий ҳукмронлиги ва туркий давлат тузилишига хос бўлган ҳокимиятни ташкил этиш майда, мустақил ҳудудларга бўлиниб кетган Ўрта Осиё икки дарё оралиғининг ўтроқ

---

[9] Отахўжаев А. Ўзбек давлатчилиги тарихида суғд-турк муносабатлари илдизлари // Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият. ЎзР ФА Тарих институти. Тошкент. 2003, 141-бет.

[10] Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. С. 348.

[11] Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит-турк. 1-жилд. Тошкент,1960, 65-бет.

[12] Маршак Б.И., Распопова В.И. Кочевники и Согд // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. Алма-ата, 1989. С. 423.

деҳқончилик районларининг сиёсий ва маъмурий тузилиши анъаналари билан ўзаро қўшилиб кетиши зарур эди. Хоқонлик бу ўлкага махсус мухторият тарзида ички бошқарув ҳуқуқини берган. Чунки хоқонликнинг бошқа ҳудудларига нисбатан Суғдда ўтроқ аҳоли, айниқса, шаҳар аҳолиси етакчи ўрин тутган. Бу эса Суғдда ўзига хос давлат тузилмаси мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Суғдларнинг зодагонлари туркий иерархия таркибига кирган, воҳалар ёнида ўрнашган турклар гуруҳларининг бошлиқлари эса маҳаллий сиёсий тизимда иштирок этганлар.

О.И.Смирнованинг фикрича, ёзма манбаларда мавжуд бўлган далилларга асосланиб шундай хулосага келиш мумкинки, VIII асрнинг биринчи чорагидаёқ Суғднинг заминдор зодагонлари бу ерда ўтроқ бўлиб қолган турклардан ташкил топа бошлаган[13]. Мазкур ўзига хос бошқарув амал қилган Суғд конфедерацияси бошқарувида нафақат суғд аҳолиси, балки туркларнинг ҳам фаол иштироки борлигини Муғ тоғидан топилган қатор ҳужжатлар тасдиқлайди. Муғ қалъаси Суғд архиви илк ўрта асрларда мавжуд бўлган турк-суғд муносабатларини ўрганишда муҳим манбалардан ҳисобланади.

Жумладан, архивда энг яхши сақланган ҳужжатлардан иккитаси - Nov.3 ва Nov.4 рақамли никоҳ шартномалари мазмун жиҳатдан эътиборга лойиқ[14]. Бу ҳужжатларда акс этган никоҳ аҳдномаси узоқ анъананинг, оила-никоҳ амалиёти тажрибасининг бир бўғини сифатида тарихий маъно касб этади. Бу ҳужжатлар Ўзбекистонда илк ўрта аср ижтимоий ҳаётининг ёрқин манзарасини очиб беради. Хусусан, Nov. 3-4 ҳужжатлари VII-VIII асрлардаги оила ва никоҳ шартлари, шу билан бир қаторда оилавий мулкий муносабатлар, никоҳланаётган шахсларнинг ўзаро ва ҳар бирининг иккала томон қариндошлари билан муносабатлари, айниқса, куёвнинг келин қариндошлари олдидаги мажбуриятлари ҳақида қимматли тарихий маълумотлар беради.

Ушбу Nov.3 ва Nov.4 рақамли ҳужжатларда Уттагин исмли турк йигити билан Дуғудғунча исмли суғд қизи ўртасидаги никоҳ битими қайд этилган. Бу ҳол туркларнинг қадимги Суғд мамлакатидаги мавқеини, туркий ва суғд халқларининг ўзаро яқин алоқаларини намойиш қилади. Мазкур суғд ҳужжатларида ер мулкчилиги типидаги ривожланган иерархия мавжуд бўлган деб тахмин қилишга асос берувчи кенг кўламдаги ижтимоий терминология қайд этилган. Оқсуякларнинг асосий тоифасини ҳукмрон хонадонларнинг вакиллари ва ер эгалари бўлган зо-

---

[13] Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. М., 1970. С. 40.
[14] Исхоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. Тошкент. Фан, 1992, 37-46-бетлар.

дагон деҳқонлар (азимлар ва оддий деҳқонлар) ташкил қилиб, улардан сўнг кўп сонли озодлар (озодкор халқ, одамлар) турган, уларнинг энг олий табақаси унвонли зодагонлардан иборат бўлган. Озодлар доимий равишда азимлар хизматида бўлар ва солиқлардан озод этилган эди. Матнни таҳлил қилиш натижасида тадқиқотчи О.И.Смирнова Суғдда полигамиянинг мавжуд бўлганлиги ҳақидаги хулосага келди. Бироқ, кўпхотинлик фақат зодагон озодларга ва бадавлат оилаларгагина хос бўлган[15], дея таъкидлайди.

Муғ тўпламига кирувчи В-8 рақамли ер харид қилиш ҳақидаги ҳужжатда Суғд вилоятларидан бири бўлган Вахт подшоси ва Панч ҳукмдори деб таъкидланган Чакин Чур Билга исмли шахс қарийб 15 йилдан зиёд ҳукмронлик қилганлиги ҳақида гап боради[16]. Бу ҳукмдор Деваштичдан олдинги подшо бўлиб, ўзи туркий аҳоли орасидан чиққан. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, бу ўлкада турк ва суғд аҳолиси ўртасидаги муносабатлар доираси илдизи чуқур бўлиб, ўзаро муносабатлар нафақат ижтимоий балки, сиёсий даражада ҳам юксак мақомда бўлганлигини исботлайди, яъни бу маълумотлар Самарқанд Суғдида туркий халқларнинг қадимий мавқеига яққол мисол бўла олади. Шу билан бир қаторда, В.А.Лившиц қайд қилиб ўтганидек, Суғдда тахтга ўтиришда ворислик бўлмаган; ҳар ҳолда 709 йилда Панжикентда турк Билганинг ўрнига суғдлик Деваштич ҳоким бўлган, унинг отаси Йодхшетак ҳам ҳоким эмас эди[17].

В-8 рақамли ҳужжат «Бу йил Вахт подшоси Панжикент ҳокими Чакин Чур Билга Бичут ўғли ҳукмронлигининг 15 йилидир», деган жумла билан бошланади. Ушбу жумладаги Билга сўзининг ёзилиши шу ҳужжатни нашр этган олим В.А.Лившицни ўйлатиб қўйди. Туркий орфография бўйича бошланғич ҳарф «бет» ўрнига «пе» бўлиши, «л» ўрнида эса суғд алфавитининг жарангли сирғалувчи тил олди товуши учун ишлатиладиган «ломед» ҳарфи ишлатилиши лозим эди. Лекин ҳужжат котиби бу ўринда суғдий «бе» ҳарфи билан туркий «б» товушини ифодалаган «л» ўрнига суғдча «д» учун ишлатиладиган белгини танлаган[18]. Котиб Чакин Чур Билга исмини туркий талқинда беришга ҳаракат қилган, яъни bilga сўзини суғдча bylk шаклида ёзган[19]. Бу ҳол котибнинг

---

[15] Смирнова О.И. Очерки из истории ... С. 113-123.

[16] Ўша ерда, 13-15-бетлар.

[17] Лившиц В.А. Правители Пенджикента VII-начала VIII в. // Раннесредневековая культура Средней Азии и Казахстана. Душанбе, 1977. С. 45.

[18] Согдийские документы с горы Муг. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии Лившица В.А. М.: ИВЛ, 1962. С. 46.

[19] Отахўжаев А. Суғд шаҳрининг турк ҳокими // Шарқшунослик, 2-сон, 2001. 41-бет.

турк руний ёзувидан, улар орқали бериладиган фонетик ифода имкониятларидан хабардорлигини кўрсатади.

Вилоят ва шаҳарлар бошқарувида турк-суғд муносабатларининг яна бир қирраси шунда кўринадики, Панж маҳкамаси девонида котиблик қилган шахслар хоҳ суғд бўлсин, хоҳ турк у албатта ҳам турк, ҳам суғд тили ва ёзувини билиши шарт бўлган. Чунки бу талаб, аввалам бор, Турк хоқонлиги доирасида, қолаверса, аҳолининг этник таркибидан ҳам келиб чиққан. Гарчанд, барча ҳужжатлар деярли суғд тили ва ёзувида битилгани билан зарурат туғилганда руний ёзувда туркча ҳужжат ёки мактуб битиш шарт бўлган. В.А.Лившиц таъкидлаганича, албатта, ҳоким турк бўлгач, саройда туркий тил ва ёзув ҳам кенг амал қилган бўлиши табиий[20]. Дарвоқе, В-13 рақамли Муғ тоғи туркум ҳужжатлари айнан турк руний ёзувида битилган[21].

Деваштич Панжга ҳукмронлик қилган йилларида унинг энг яқин ёрдамчиларидан бири Фрамандар Утт бўлган. Бу ҳақда қатор ҳужжатларда (А-1, А-2, А-3, А-6, А-16, А-18, Б-11, Б-13, Б-15, Б-18, Б-19) маълумотлар мавжуд бўлиб[22], улар ҳам туркларнинг бошқарув ишида фаол иштирок этганини яна бир бор исботлаб беради. Фрамандар Утт зиммасига Панж ҳокимлигига қарашли барча қишлоқ хўжалиги тармоқларидан марказга келадиган ҳамда марказдан вилоят қишлоқлари бўйлаб тарқатиладиган маҳсулотлар, қурол-яроғлар, ҳунармандчилик буюмлари тақсимоти устидан назорат қилиш вазифаси юклатилган, яъни фрамандар (фармондор) «сарой хўжалиги бошқарувчиси» сифатида иш юритган[23]. Масалан, А-18 рақамли ҳужжатда иқтисодий ночор аҳволда қолган Изровадк қишлоғи аҳолисига марказ омборхонасидан дон бериш ҳақида буйруқ берилган[24]. Подшо бу хатни жўнатган вақтида фармондор Утт марказдан узоқда бўлган. Бу шуни кўрсатадики, фармондор хўжалик фаолиятини вилоят бўйлаб шахсан бошқариб турган.

Ушбу архивнинг I.1 рақамли ҳужжати истилочи араблар амири Абдурраҳмон ибн Субҳнинг Деваштичга ёзган мактубидир. Мактубда зардуштийлик коҳини Кўрчи исми қайд этилган. Бу шахс зардуштийлик коҳини-турк қавми вакили бўлган. Бу мактуб Суғдда яшаган турклар орасида ҳам зардуштийлик динига эътиқод бўлганлигини кўрсатади[25].

---

[20] Согдийские документы с горы Муг. Вып. II. С. 46.

[21] Бернштам А.Н. Древнетюркский документ из Согда // Эпиграфика Востока. V. 1951, С. 65-75.

[22] Согдийские документы с горы Муг. Вып.II. С. 72-185.

[23] Ўша ерда. 134-бет.

[24] Ўша ерда. 72-185-бетлар.

[25] Исхоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. Тошкент: Фан. 1992. 33-бет.

Архивга кирувчи А-14 рақамли ҳужжатдан араб истилочиларига қарши курашиш учун 712-714 йилларда Деваштич ўз чопари Фатуфарнни Чочга юбориб, Чоч тудуни, Фарғона подшоси ва Турк хоқони билан иттифоқ тузиш мақсадида бўлганлигини кўришимиз мумкин[26]. Туркларнинг ҳарбий маҳорати юксак бўлганлиги учун суғдлар доимий равишда душманга қарши курашда уларнинг кўмагига суянганлар. Буюк Ипак йўлида савдо қилган суғд савдогарлари турк суворийлари ҳимоясида бўлганлар.

VII асрнинг иккинчи ярми воқелигини акс эттирувчи Самарқанд Афросиёбидаги деворий суратларда Чағониён ҳукмдори Туронтош номидан Суғдга келган элчини кутиб олиш манзараси ўз аксини топган. Суратда 16 қатор суғдча ёзув битилган. Унда қайд этилишича, чағонхудот Туронтош ўз элчиси Букарзотни Суғдга юборган. Чағонхудот Туронтошнинг исми туркчадир. Ушбу маълумотлар асосида, VI-VIII асрларда юртимизда турк қатлами ва нуфузининг юқори даражада бўлганлиги ўз аксини топади[27].

X-XI асрларга келиб эса бу этник жараёнлар натижаси бир хил урфодат ва антропологик ўхшашлиги яқин бўлган ўзбек ва тожик халқларининг шаклланиши якунида муҳим ўрин тутди.

Тарихчи олим К. Шониёзов тожиклар ва уларнинг илк аждодлари билан ўзбек аждодлари қадим-қадимдан бир ҳудудда яшаб, бир-бирлари билан аралашиб кетганлигини, IX-X асрларга келиб эса кўплаб суғдлар ўз тилларини унутиб туркий тилда сўзлашганликларини илмий асослашга ҳаракат қилган[28]. Маҳмуд Кошғарий Боласоғунда яшаган суғдийлар ҳақида гапириб, «улар Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги Суғддан бўлиб, турклашиб кетганлар» деб ёзган[29].

К. Шониёзовнинг таъкидлашича, Турк хоқонлиги даврида (VI-VIII асрлар) Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларида турк аҳоли яшайдиган айрим этноҳудудлар вужудга келади: Тошкент воҳаси, Зарафшоннинг қуйи оқимлари, Қашқадарё воҳаси, Хоразм ва Сурхон-Шеробод воҳалари ва бошқалар. Бу ерларда яшовчи аҳолининг ижтимоий ҳаётида ҳам ўзгаришлар юз бериб, уларнинг моддий ва маънавий маданиятлари яна ҳам тараққий этиб боради, янги этник ва сиёсий уюшмалар вужудга келади[30].

[26] Ўша ерда, 6-бет.

[27] Исҳоқов М.М., Отахўжаев А. Суғд-Чағониён муносабатларидан (Афросиёб суғд ёзма лавҳаси асосида) // Термиз шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни. Термиз, 2001. 6-7-бетлар.

[28] Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент: Шарқ, 2001. 92-бет.

[29] Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит-турк. 1-жилд. Тошкент, 1960. 65-бет.

[30] Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент: Шарқ. 2001, 141-бет.

Турк хоқонлиги даврида Зарафшон водийсида ва Қашқадарё воҳасида туркийзабон аҳоли сон жиҳатдан тобора кўпаяди. Буларнинг кўпчилиги Еттисув ва Сирдарё бўйиларидан келиб ўрнашган эдилар. Зарафшон воҳасидаги вилоятлар Турк хоқонлиги даврида ҳам асосан, шу ердаги ҳокимлар томонидан идора қилинган[31].

Суғдийлар билан яқин муносабатларни сақлаб туришни кўзлаб, турклар шу ерли ҳокимлар билан (самарқандлик) қуда-анда бўлганлар. Масалан, Ғарбий Турк хоқони Қора Чурин Турк (VI аср охири-VII аср бошлари) қизини Кан ҳокимига берган[32]. Бу анъаналар бир қанча вақтларгача араблар даврида ҳам (VII-VIII асрлар) сақланиб қолган. Шу йўл билан улар ўртасидаги дўстона муносабатлар сақланиб келинган.

Суғдлар Шарқий Туркистонга савдо билан келиб, Ипак йўлидаги шаҳар ва қишлоқларда, IV-V асрлар давомида шу ерларда ўз колонияларига асос солиб яшаганлар[33]. Шарқий Туркистондаги вилоятларнинг кўпчилигида савдо-сотиқ ишлари шуларнинг қўлида бўлган. Суғдийлар Дунхуанда кўпчиликни ташкил қилган. Ҳаттоки, маълум вақтларгача бу вилоятларнинг ҳокими суғдийлардан бўлган. VI-VIII асрлар давомида буларнинг ҳам кўпчилиги турклашиб кетган.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган олимларнинг илмий қарашлари ва Муғ тўплами ҳужжатлари илк ўрта асрларда Суғдда туркий ва суғдийлар ўртасидаги серқирра ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг қай даражада чамбарчас боғлиқ бўлганлигидан далолат беради. Жумладан, ушбу суғд тилли хужжатлар қадим замонлардан бошланган ўзбек ва тожик халқларининг этногенетик ва маданий умумийлиги ҳақида бебаҳо материал ҳисобланади. Жумладан, бу маълумотлар ўзбек халқининг келиб чиқиши ва шаклланиши, ўзбек давлатчилиги тарихи илдизларини янада чуқурроқ ўрганишга хизмат қилади.

---

[31] Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т.II. М.; Л., 1950. С. 271.

[32] Ўша ерда. 271-бет.

[33] Малявкин А.Г. Уйгурское государство в IX-XII вв. Новосибирск, 1983. С. 5.

*Ш.Шоякубов*

## *НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ СОГДОМ И ТЮРКСКИМ КАГАНАТОМ В МУГСКОМ СОБРАНИИ*

*В статье рассматриваются место Согдийской конфедерации в истории узбекской государственности, существовавшей в раннем средневековье, а также вопросы, связанные с правовой основой социально-политической государственности, внутренними и внешними отношениями государства, этническими процессами на основе письменных памятников архива согдийских документов, найденных в крепости Муг, расположенной в верхнем течении р.Зарафшан. Анализируются согдийские письменные памятники, в которых освещаются политические и дипломатические отношения Согда с Тюркским каганатом и этнические процессы между тюрками и согдийцами накануне арабского завоевания.*

*Sh. Shoyakubov*

## *THE RELATIONS BETWEEN SOGD AND TURKISH KAGANAT IN AN EARLY MIDDLE AGES*

*The article describes the place of the confederation of Sogd in a history of the uzbek statehood existing in an early middle ages, the questions connected with a legal basis social-political statehood, internal and external attitudes (relations) of the state, ethnical process are exacter on the basis of written monuments of archive of the sogdian documents found in a Fortress Mug located in the top current of Zarafshan. In article are analyzed sogdian written monuments, in which there are date on the political and diplomatic relations of Sogd and Turkish kaganat and ethnical processes between turks and sogds on the eve of the Arabian gane.*

*Ёш тадқиқотчи минбари*

*Ў. Султонов*

# XIX АСРДА ТОШКЕНТ МАДРАСАЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Тошкент нафақат иқтисодий мавқеи билан балки, қадимий тарихи билан ҳам кўпчиликни ўзига жалб этган. Бу даврда шаҳар манзарасига кўрк бериб турувчи асосий меъморий иншоотлар шубҳасиз мадрасалар бўлган.

Тадқиқотчи Н.А.Маев 1876 йил Тошкентнинг Шайхонтаҳур, Себзор, Бешёғоч даҳаларида 3 тадан, Кўкча даҳасида 2 та мадраса мавжудлигини таъкидлаб, шулардан Бегларбеги, Бароқхон, Қизилкўрғон, Тахттак (Тахтапул), Диксер (Дегрез), Эшонқули додхоҳ мадрасалари номларини тилга олади[1]. 1876 йил «Туркестанское ведомости» газетасининг 48-сонида Тошкент мадрасалари тўғрисида берилган расмий маълумотда эса 13 та мадраса: Хожа Аҳрор, Бегларбеги, Эшонқули додхоҳ, Бароқхон, Кўкалдош, Мир Аҳмад(Мўйи Муборак), Маҳмуд дастурхончи, Бўрихўжа, Исохўжа, Юнусхон, Абулқосим эшон, Шукурхон, Шарифбой мадрасалари тилга олинади[2].

Дастлабки йилларда мадрасалар анъанавий тартибда белгиланган қоидалар асосида бошқарилган. Кейинчалик мадрасалар фаолиятини назорат қилиш ва ўқув ишларини тартибга солишни Туркистон генерал-губернаторлиги Ўлка маориф бошқармаси ўз қўлига олган[3]. Маориф бошқармаси маълумотларга қараганда 1890-1893 йилларда Туркистон генерал-губернаторлигида жами 214 та мадраса бўлиб, шундан 21 таси Тошкентда жойлашган эди[4]. Ўша даврда бу кўрсаткич минтақанинг бошқа йирик шаҳарлари, Самарқандда 18 та,

---

[1] Маев Н.А. Азиатский Ташкент // Материалы для статистики Туркестанского края. СПб.; 1876. С. 263-266.

[2] О школьном образовании у магометан Средней Азии. Ч.2 // Туркестанские ведомости. 1876. № 48.

[3] Туркистон ўлкасидаги мадрасалар ва уларнинг фаолияти мустамлакачи маъмурият томонидан ҳам алоҳида эътибор билан ўрганилган эди. Бу ҳақида қаранг: Керенский Ф.М. Медресе Туркестанского края. СПб., 1892; Пален К.К. Отчет по ревизии учебного дела Туркестанского края. СПб., 1910; Наливкин В.П. Сведения о состоянии туземных мадраса Сырдарьинской области в 1890-1891 учебному году. Ташкент, 1916; Граминский С. Положения инородческого образования Сырдарьинской области. Ташкент, 1916.

[4] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви. 47-жамғарма, 1-рўйхат, 1148-иш, 189-варақ.

Қўқонда 15 та (шаҳар ичида), Хивада 22 та (Ичон қалъада) мадраса бўлган [5].

Маълумотларга кўра Тошкент мадрасаларидан Абулқосимхон мадрасасида 120 та, Хожа Аҳрор мадрасасида 80 та, Бегларбеги мадрасасида 150 та, Кўкалдош мадрасасида 80 та, Шарифбой мадрасасида 20 та, Шукурхон мадрасасида 20 та талаба ўқиган.

Тошкент шаҳрининг XIX асрдаги мадрасалари аҳволи ўша давр маҳаллий муаллифларининг асарларида ҳам ўз аксини топган. Шундай асарлардан бири тошкентлик Муҳаммад Солиҳхожанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асаридир. Ушбу асарнинг Тошкент тарихига бағишланган қисмидаги Тошкент мадрасалари тўғрисидаги маълумотлар муҳим аҳамиятга эга [6].

Муҳаммад Солиҳхожа мадрасалар сонини аниқ келтирмаса-да, асарда Тошкентдаги 20 га яқин мадраса тўғрисида бирмунча тўлиқроқ маълумот беради. Хусусан, муаллифнинг ўзи дастлаб Хожа Аҳрор, Бегларбеги ва Эшонқули додхоҳ мадрасаларида кейинроқ, Қўқон ва Бухородаги бир қатор мадрасаларда ўқиган [7].

Аввало, бу даврдаги Тошкент мадрасалари ҳақида тўхталсак, уларни шартли равишда қуйидаги гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Алоҳида бунёд этилган мадрасалар: Хожа Аҳрор, Кўкалдош, Бегларбеги, Мўйи Муборак, Эшонқули додхоҳ, Маҳмуд дастурхончи, Шукурхон, Шарифбой, Эшон Исохўжа қози, Эшон Бўрихўжа, Муҳаммад Каримхўжа, Қосимбой Қоратутий, Юнусхўжа халфа;

2. Машҳур кишилар мозорлари ёнида бунёд этилган мадрасалар: Бароқхон, Юнусхон, Нормуҳаммад қушбеги:

Булар орасида биринчи гуруҳга мансуб мадрасалар кўпчиликни ташкил этади. Мадрасалар орасида қадимийси ва машҳури Хожа Аҳрор мадрасаси эди. Бу мадраса 1451 йил қурилган бўлиб, Хожа Аҳрор Жомеъ масжиди билан биргаликда Тошкентнинг X аср шаҳристонида жойлашган ва улар шаҳар Регистонининг асосий биноларини ташкил этган [8].

---

[5] Ўзбекистоннинг энг янги тарихи. 1-қисм, Тошкент.: Шарқ, 1999, 47-бет; История Коканда. Ташкент: Фан, 1984. С. 26.

[6] Муҳаммад Солиҳхожа. Тарихи жадидаи Тошканд. Қўлёзма, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. №7791 (Мазкур нусха муаллиф дастхати билан кўчирилган нусхадир).

[7] Асардаги мадрасалар тўғрисидаги айрим маълумотлар А.Ўринбоев ва О.Бўриевларнинг «Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида» номли рисоласида ҳам келтирилган. *Қаранг:* Ўринбоев А. Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида. Тошкент: Фан, 1983, 31-33-бетлар.

[8] История Ташкента. Ташкент: Фан, 1983. С. 162.

Муҳаммад Солиҳхожанинг ёзишича, Хожа Аҳрор мадрасаси Жомеъ масжиднинг шимолида пишиқ ғишт ва йўнилган тошлардан бино қилинган бўлиб, 20 та ҳужра, бир дарсхона ва беш вақт намоз ўқиладиган масжид (Жомеъ масжиддан ташқари)дан иборат бўлган [9]. Асарда шаҳарнинг шарқида жойлашган Оққўрғон ёки Чинобод деб аталган мавзе 1842 йиллар воқеаларида ҳам Хожа Аҳрор мадрасаси вақф ерлари сифатида тилга олинади.

Хожа Аҳрор мадрасаси Улуғбекнинг Ғиждувондаги мадрасасига ўхшаш тарзда қурилган бўлиб, ундан бир оз кичикроқ бўлган [10].

1917 йилда Тошкентдаги энг йирик мадрасалардан бири бўлган Хожа Аҳрор мадрасаси 1956 йил бузиб ташланган.

Шайхонтаҳур даҳасидаги мадрасалардан бири Кўкалдош мадрасаси бўлиб, Муҳаммад Солиҳхожанинг ёзишича, Бароқхоннинг[11] ўғли Дарвишхон (1556-1578 йилларда Тошкент ва Туркистон ҳокими) томонидан бунёд этилган[12]. 1735 йил Уфада бўлган тошкентлик савдогар Н.Алимов маълумотларига қараганда XVIII аср охирига келиб мадраса карвонсаройга айлантирилган [13]. А.Н.Добросмисловнинг таъкидлашича, Кўкалдош мадрасаси Бешёғоч даҳасида жойлашган ва у дастлаб 3 қаватли ҳамда 38 та ҳужрали бўлган [14]. Кейинчалик мадрасанинг фақат бир қавати сақланиб қолган. Муҳаммад Солиҳхожа Кўкалдош мадрасасининг 1868 ва 1886 йилларда Тошкентда юз берган зилзиладан зарар кўрганлигини таъкидлайди. 1918 йил Тошкентда чоп этилган «Туркистон қитъаси» номли рисолада ёзилишича, ношаърий ишлар билан қўлга тушган аёллар Кўкалдош мадрасаси пештоқидан ташлаб жазоланган [15].

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида батафсил тавсифланган ва тарихий воқеаларда энг кўп тилга олинган мадраса Эшонқули додхоҳ мадрасаси бўлиб, Шайхонтаҳур мадрасаси деб ҳам аталган. Бу мадраса 1838 (ҳиж.1256 й.) йил Тошкент ҳокими Лашкар Бегларбегининг (XIX асрнинг биринчи ярми) тўнғич ўғли Эшонқули додхоҳ томонидан қурдирилган [16]. Мадраса Юнусхон мадрасасининг жануби-шарқи-

---

[9] Тарихи жадидаи Тошканд, 903б-варақ.

[10] История Ташкента. С. 162.

[11] Бароқхон - 1525-1551 йилларда Тошкент, 1551-1556 йилларда Моварооуннаҳр ҳукмдори.

[12] Тарихи жадидаи Тошканд, 904б-варақ.

[13] Булатова В., Маньковская Л. Памятники зодчества Ташкента XV-XIX вв. Ташкент: Фан, 1983. С.92.

[14] Добросмыслов А.Н. Ташкент в прошлом и настоящем. Ташкент, 1912. С.76.

[15] Туркистон қитъаси. Тошкент, 1918. 78-бет.

[16] Тарихи жадидаи Тошканд, 913б-варақ.

да, Катта кўча билан туташ бўлган. Катта кўча Муҳаммад Солиҳхожанинг ёзишича, шаҳарнинг марказий кўчасидир. У тахминан ҳозирги Навоий кўчасига тўғри келади. Ушбу мадраса ўз навбатида тўрт тарафдан бир-бирига қаратиб солинган бинолардан иборат бўлган. Унинг ўртасида қолган қадимий бир таноблик Лангар ҳовузи Эшонқули додхоҳ буйруғи билан тўлдирилиб мадраса саҳнига айлантирилган. Ўрнига Юнусхон чорбоғида бир таноблик янги ҳовуз барпо қилинган. Лашкар Бегларбеги Кайкобус ариғига 2 та тегирмон қурдириб, уларнинг даромадини шу мадрасага вақф қилган.

Эшонқули додхоҳ мадрасаси биносида ЎзР ФА Шарқшунослик институти собиқ ходими Муродхўжа Солиҳхўжа ўғли 1920 йил Вақф шўъбаси қарамоғида ислоҳ қилинган диний ва дунёвий дарслар ташкил қилган [17]. Харобага айланган Эшонқули додхоҳ мадрасасининг охирги қолдиқлари 1964 йилга келиб йўқ бўлиб кетган.

Бундан ташқари Муҳаммад Солиҳхожа бу даҳадаги айрим мадрасаларга қисқача тўхталади. Жумладан, Юнусхон мадрасаси Юнусхон мақбараси ёнида, пишиқ ғиштдан қурилган. Юнусхон вақфга ажратган ерлардан тушган даромад ҳисобига фаолият юритган [18].

Қосимбой Қоратутий мадрасаси Мўғулкўча гузарида бўлиб, мадраса биноси икки томони айвонли, бир хонақоҳдан, ҳужралардан ва ғиштли гумбаздан иборат бўлиб, пишиқ ғиштдан қурилган [19]. Қосимбой Қоратутий мадрасаси архив ҳужжатларида жойлашган маҳалла номи билан Мўғулкўча мадрасаси деб тилга олиниб, қурилган йили 1871 йил деб кўрсатилган [20]. Муҳаммад Солиҳхожанинг ёзишича, Қосимбой Қоратутий Тошкентнинг эътиборли ва бой кишиларидан бўлган. У 1865 йил Тошкент мудофааси пайтида жанг майдонига бир хуржун пул билан келиб, русларга қарши жанг қилаётганларнинг барчасига бир сиқимдан танга тарқатган. Қосимбой Қоратутий Тошкент забт этилгач, Солиҳбек охунд, Ҳакимхўжа Қозикалонлар билан бирга сулҳ жараёнида иштирок этган.

Маҳмуд дастурхончи мадрасаси эса Дегрезлар маҳалласида жойлашган бўлиб, масжиди, ҳужралари ва ҳовлисида ҳовузи бўлган [21].

Архив маълумотларига қараганда, Маҳмуд дастурхончи номида иккита мадраса бўлиб, яна бири Қўқон шаҳрида жойлашган. Иккала мад-

---

[17] Муродхўжа Солиҳхўжа ўғли. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарига тақриз ва илова. Қўлёзма, ЎзР ФА ШИ, №13414, 3б-варақ.

[18] Тарихи жадидаи Тошканд, 913а-варақ.

[19] Кўрсатилган асар, 915а-варақ.

[20] ЎзР МДА. 47-жамғарма, 1-рўйхат, 1148-иш, 18-варақ.

[21] Ўша жойда.

раса ҳам бир шахс томонидан, яъни Муҳаммад Алихон (1822-1841йй.) даври амалдорларидан Маҳмуд дастурхончи томонидан қурдирилган. Тошкентдаги Маҳмуд дастурхончи мадрасаси 1833 йил қурилган ва вақфнома шартларига кўра Қўқондаги мадраса билан бир вақтда Маҳмуд дастурхончи авлодлари томонидан бошқарилган. Жумладан, Маҳмуд дастурхончининг Қўқонда яшовчи набираси Мулла Султонхон 1887 йил отаси Эшонхон вафотидан сўнг Тошкент шаҳар губернатори номига ариза ёзиб мадраса вақфномасида кўрсатилган тартибда Тошкентдаги Маҳмуд дастурхончи мадрасаси мутаваллиси этиб тасдиқланишини сўраган. Мулла Султонхон илтимоси Шайхонтаҳур қозиси томонидан кўриб чиқилиб қонуний деб топилган ва илтимоси қондирилган[22].

Бу даҳадаги Азамат ота мадрасаси эса Муҳаммад Солиҳхожанинг ёзишича, Муҳаммад Алихоннинг Қошғарга бўлган юришидан сўнг, Регистон майдонида 3 йил ичида қуриб битказилиб, ўз фаолиятини бошлаган.

Себзор даҳасидаги қадимий мадрасалардан бири Бароқхон мадрасаси, Қаффол Шоший (ваф.976 й.) мақбараси яқинида қурилган[23]. Кейинчалик масжидга айлантирилган мадраса Муҳаммад Солиҳхожанинг ёзишича, 1886 йилги зилзиладан қаттиқ зарар кўрган. Яъни мадрасанинг 22 метрли гумбази қулаб тушган. Маълумотларга кўра ушбу мадраса олдин ҳам бир неча бор вайрон бўлиб, қайта тикланган. Масалан, 1739 йил Тошкентда бўлган К.Миллер мадрасани бутунлай вайрон ҳолда кўрган[24]. Шу сабабли бўлса керак, Муҳаммад Солиҳхожа Тошкент ҳокими Қаноат оталиқ 1859 йил мадрасанинг вайрон бўлган ҳужралари ва ҳовлисини таъмирлаб, янги вақф мулклари ажратганини ёзади. Мадраса ҳовлисининг икки томонида бир қаватли, шимолда 16 та, жанубда 10 та ҳужра, 5 та даҳлиз бўлган. XX асрнинг 40-, 50- ҳамда 60- йилларида кенг кўламда таъмирлаш ишлари олиб борилган мадрасада ҳозир Ўзбекистон мусулмонлар идораси жойлашган.

Мўйи Муборак мадрасаси Муҳаммад Солиҳхожанинг ёзишича, 1857 йил (ҳиж.1274й.) Тошкент ҳокими Аҳмад қушбеги (1856-1857) томонидан Қаффол Шоший мақбараси жанубида, пишиқ ғиштдан қурилган[25]. Муҳаммад Солиҳхожа ўша даврда мадраса ўрни аҳоли томонидан Хожа Аҳрор туғилган ер деб тушунилиб, Хожа Аҳрор майдони деб аталганини таъкидлайди. Асарда келтирилишича, мадрасанинг алоҳида бир гум-

[22] ЎзР МДА. 36-жамғарма, 1-рўйхат, 2898-иш, 1-6-варақлар.
[23] Тарихи жадидаи Тошканд, 983а-варақ.
[24] Добросмыслов А.Н. Ташкент в прошлом и настоящем. С. 21.
[25] Тарихи жадидаи Тошканд. 984а-варақ.

бази бўлиб унда гўё пайғамбар мўйи «Мўйи Муборак» қўйилган. Тошкентнинг кўзга кўринган уламоларидан бири, собиқ муфтий Зиёвуддин эшон Бобохоннинг бобоси Абдулмажидхон Эшон узоқ йиллар шу мадрасада мударрислик қилган. Мўйи Муборак мадрасасининг айрим қисмлари ҳозирда Тиллашайх масжиди ҳовлисида жойлашган.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги маълумотларга қараганда Бегларбеги мадрасаси 1838-1840 йилларда Тошкент ҳокими Лашкар Бегларбеги (XIX асрнинг биринчи ярми) томонидан қурилган бўлиб, 2 қаватли 56 ҳужрадан иборат бўлган [26]. 1873 йил Тошкентга келган америкалик сайёҳ Ю.Скайлер ҳам Бекларбеги мадрасасини шаҳардаги энг кўркам мадраса деб тилга олган эди [27]. Маълумотларга қараганда бошқа мадрасаларга нисбатан Бегларбеги мадрасаси талабалари орасида татарлар кўп бўлган [28].

Лашкар Бегларбеги шаҳар Регистонида ўзи қурдирган карвонсаройни ушбу мадрасага вақф қилган. Бегларбеги мадрасасининг шимол томони рўпарасида, Катта кўча томонда Фўлодбой Тинчбофий Жомеъ масжиди, шарқ томонидаги Жўбо(Эски Жўва) мавзейидаги Ўразалибой Жомеъ масжиди жойлашган.

Шунингдек, асарда тилга олинган Муҳаммад Алихон даврида(1822-1841йй.) пишиқ ғиштдан қурилган Исохўжа қози мадрасаси, Тахтапул гузарида Юнусхўжа халфа мадрасаси, Маллахон замонигача (1858-1862йй.) обод бўлган Ҳофиз Кўҳакийдаги мадраса, 1884 йил пишиқ ғиштдан қурилган Муҳаммад Каримхўжа мадрасаси ҳам Себзор даҳасида жойлашган [29].

Кўкча даҳасидаги мадрасалардан бири Чақчимом маҳалласидаги Эшон Бўрихожа Санчиқмоний мадрасаси бўлиб, Умархон даврида пишиқ ғиштдан қурилган. Архив хужжатларида бу мадрасанинг қурилган йили 1820 йил деб кўрсатилган [30].

Бундан ташқари, Кўкча даҳасида яна Пичоқчилик маҳалласидаги Шарифбой мадрасаси бўлган [31].

«Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги маълумотларга қараганда Тошкентда Шукурхон номли мадраса иккита бўлиб, бири Кўкча даҳасида, бозор ёнида, яна бири эса Себзор даҳасида Тинчбоф гузарида

---

[26] Кўрсатилган асар. 989а-варақ.
[27] Мукминова Р., Филанович М. Ташкент на перекрёстке истории. Ташкент: Фан, 2001. С.101.
[28] О школьном образовании у магометан Средней Азии. Ч.2...
[29] Тарихи жадидаи Тошканд. 988аб, 989аб-варақлар.
[30] ЎзР МДА. 47-жамғарма, 1-рўйхат, 1148-иш, 18-варақ.
[31] Тарихи жадидаи Тошканд. №7791, 9-90а-варақ.

бўлган. Хароба ҳолига келиб қолган Кўкчадаги Шукурхон мадрасаси биноси 1901 йилга келиб Ўлка маориф бошқармаси томонидан фаолият олиб боришга яроқсиз ҳамда талабалар ва аҳоли учун хавфли деб топилган. Келтирилган далилларга қараганда мадрасанинг вақф мулкидан тушган 1900 йилги бир йиллик даромади 350 сўмни ташкил этган ва бу маблағ мадраса фаолиятини таъминлай олмаслиги инобатга олиниб ёпилган. Ушбу мадрасанинг Шайхонтаҳур даҳасида вақф мулки ҳисобланган Аҳмад қушбеги томонидан бунёд этилган кичикроқ бир карвонсарой Аҳмад қушбегининг Мўйи Муборак мадрасаси вақф хўжалигига ўтказилган [32]. Кўкча даҳасида тилга олинган мадрасалар ҳам одатдагидек, дарсхона, ҳужралар ва жума намози ўқиладиган масжидларни ўз ичига олувчи ўртамиёна мадрасалар бўлган.

Асарда Бешёғоч даҳасида жойлашган мадрасалар кам тилга олинган. Улардан бири Тошкент ҳокими Нормуҳаммад қушбеги (XIX асрнинг биринчи ярми)1832 йил Зангиота мақбараси қурдирган мадрасадир [33]. Нормуҳаммад қушбеги ўзининг бозорнинг Маҳсидўзликка яқин ерида бино қилган карвонсаройини ушбу мадрасага вақф қилган. Бу даҳадаги яна бир мадраса Абулқосимхон Бешёғочийнинг ўз ҳовлиси яқинида ташкил этган мадраса бўлиб, бу тўғрида тўлиқ маълумотлар келтирилмаган. Абулқосимхон эшон 1892 йил Тошкентда тарқалган вабодан вафот этгач, мадрасада унинг ўғли Ҳошимхон эшон мударрислик қилган [34].

Шуни таъкидлаш жоизки, «Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги маълумотлар Тошкент мадрасалари тўғрисидаги архив маълумотларни тўлдиради ва аниқлик киритади. Архив маълумотларида 21 та мадраса номи ва очилган йили келтирилса-да унда айрим ноаниқликлар учрайди. Жумладан, архив ҳужжатида Абулқосимхон мадрасаси очилган йил 1790 йил деб кўрсатилган. «Тарихи жадидаи Тошканд» асари маълумотларига кўра мадраса XIX асрнинг иккинчи ярмига мансуб. Чунки, Абулқосимхон Бешёғочий XIX асрнинг иккинчи ярмидан Тошкентдаги кўзга кўринган уламолардан бири бўлиб, 1865 йил Ҳакимхўжа Қозикалон ва Солиҳбек охун билан бирга Тошкент шартномаси тузилишида иштирок этган.

Исохўжа Қозикалон мадрасаси ҳам 1800 йил эмас балки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Лашкар Бегларбеги ҳокимлиги даврида пишиқ ғиштдан қурилган. Исохўжанинг ўзи Мадалихон даврида Қозикалон

[32] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 12-рўйхат, 132-иш, 4-58-варақлар.
[33] Тарихи жадидаи Тошканд. №7791, 989а-варақ.
[34] Ликошин Н. Тошкент эшонлари (таржима). Тошкент: Руҳафзо, 1996, 19-бет.

мансабига тайинланган. Бегларбеги мадрасаси ҳам 1816 йил эмас, 1838-1840 йилларда қурилган. Тошкент ҳокимларига бегларбеги унвонининг берилиши ҳам 1835 йил Мадалихон даврида жорий этилган. Шарифбой мадрасаси эса 1820 йил эмас балки, Россия истилосидан кейинги даврда, тахминан 1865-1876 йиллар орасида пишиқ ғиштдан қурилган[35].

Шунингдек, «Тарихи жадидаи Тошканд» асарининг турли ерларида тилга олинган мадрасаларнинг мударрислари ҳам тилга олинади. Жумладан, Эшонқули додхоҳ мадрасаси мударрислари Музроб Хоразмий, Эшон Абдурасулхожа, Маҳмуд дастурхончи мадрасаси мударриси Домулло Мир Муҳаммад Раҳим охун, Бегларбеги мадрасаси мударрислари, муаллифнинг устози Мир Шарофуддин махдум, Домулло Мир Иноятулло ва бошқа кўплаб мударрислар тўғрисида маълумотлар учрайди.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида келтирилган маълумотлар ва архив хужжатлари Тошкентда кенг кўламда мадрасаларни таъмирлаш ва қуриш ишлари олиб борилганини кўрсатади. Таъмирланган ва янги бунёд бўлган мадрасаларга алоҳида вақфлар сифатида ерлар, савдо дўконлари, карвонсаройлар, тегирмонлар ва бошқа кўринишдаги молмулклар ажратилган. Биргина Аҳмад қушбегининг ўзи Худоёрхон ижозати билан Эски Тошкент, Сариоғоч ва Оқтепада ўзлаштирилган ерларни ўзининг Мўйи Муборак мадрасасига, Хонқўрғонда ўзлаштирилган ерларни эса Нормуҳаммад қушбеги мадрасасига вақф қилган эди[36].

Архив маълумотларига қараганда, 1866 йилда Тошкент мадрасаларининг вақф ерлари 6615 танобни ташкил этган. 1892 йилга келиб Туркистон мадрасаларининг вақф мулкларидан тушадиган даромади 140923 сўмни ташкил этган бўлиб, шундан 10740 сўми Тошкент мадрасалари ҳисобига тўғри келган[37]. Тошкент мадрасалари орасида вақфдан тушадиган даромади энг юқори мадраса Хожа Аҳрор мадрасаси бўлиб, мадрасанинг йиллик даромади 3100 сўмни ташкил этган[38].

«Туркестанское ведомости» газетасида берилган расмий маълумотга кўра 1876 йилги Тошкент мадрасаларининг вақф мулкларидан ту-

---

[35] Бундан ташқари архив хужжатларида келтирилган Тошкентдаги Тахтапул (1790), Кўнчилик(1790), Кесаккўрғон (1790), Чархчи кўча (1830), Каллахона (1840), Кадубод (1860), Отабий ҳожи (1873), Хонақоҳ (1883), Хожа Аҳмадхожи (1885) каби мадрасаларни айникса, улар орасида XVII аср охирларига мансуб деб кўрсатилаётган мадрасалар фаолияти ўрганилиб, ойдинлик киритишни талаб этади.

[36] Маллицкий Н. Из истории Ташкента под Кокандским владычеством // Туркестанские ведомости. 1900. №104.

[37] ЎзР МДА. 47-жамғарма, 1-рўйхат, 1148-иш, 189-варақ.

[38] Пален К.К. Отчет по ревизии учебного дела Туркестанского края. СПб., 1910. С.120.

шадиган йиллик даромади қуйидагича бўлган: Хожа Аҳрор мадрасаси 1500 тилла, Бегларбеги мадрасаси 800-1000 тилла, Эшонқули додхоҳ мадрасаси 600 тилла, Бароқхон мадрасаси 400 тилла, Маҳмуд дастурхончи мадрасаси 300 тилла, Шукурхон мадрасаси 250 тилла, Абулқосим эшон мадрасаси 180 тилла, Бўрихўжа мадрасаси 50 тилла[39].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Тошкент Қўқон хонлиги таркибига киритилгандан кейинги даврда шаҳарда кенг кўламда бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Бу борада хонлар томонидан тайинланган ҳокимлар, айниқса Лашкар Бегларбеги (XIX асрнинг биринчи ярми), Нормуҳаммад қушбеги (XIX асрнинг биринчи ярми), Қаноат оталиқ (XIX асрнинг иккинчи ярми) ва Аҳмад қушбеги (1856-1857) шаҳардаги вайрон бўлган мадраса ва масжидларни таъмирлаш ва янги йирик мадрасалар қуришнинг асосий ташкилотчилари бўлдилар. Бундан ташқари аҳолининг юқори табақа вакиллари ҳамда зиёлилар қатлами ҳам ўз маблағлари ҳисобига мадрасалар қурдиришга интилганлар.

*У. Султанов*

*СОСТОЯНИЕ ТАШКЕНТСКИХ МЕДРЕСЕ В XIXВ.*

***В статье рассматривается история около двадцати ташкентских медресе по материалам сочинения Мухаммада Салихходжи Тошканди «Тарихи жадидаи Тошканд». Наряду с этим используются архивные материалы и многие другие источники.***

*U. Sultanov*

*FROM THE HISTORY OF THE MADRESSAH OF TASHKENT*

*According to this article about 20 madrassahs which were in Tashkent in the XIX century were learned on the basis of information of the Work «Tarikhi djadidai Toshkand» by Muhammad Solihkhodja Toshkandiy (XIX cen.), and completed which the documents of archives and other information from literature.*

[39] О школьном образовании у магометан Средней Азии. Ч.2.

*С.Тиллабоев*

# РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТУРКИСТОНДА МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ БОШҚАРУВ СОҲАСИДАГИ СИЁСАТИНИНГ БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўрта Осиёнинг Россия томонидан забт этилиши Россия империяси учун энг аввало, қўшимча ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлиш, Қрим урушидаги мағлубият натижасида қўлдан кетган ерларни Туркистон ҳисобига тўлдириш, жанубдаги стратегик мақсадларини амалга оширишда плацдармга эга бўлиш, империянинг марказий районларидаги ерсиз, ишсиз ва қашшоқ аҳолини кўчириб келтириш ва уларни ер, иш билан таъминлаш, улардан келгусида мустамлакачи маъмурият ўз сиёсатининг таянчи сифатида фойдаланиш масаласини ҳал қилиш учун керак эди.

Шу ўринда Россия сенатори К.К. Паленнинг Туркистон ўлкасида мустамлакачи ҳукуматнинг мақсадларини ифодаловчи қуйидаги фикрларини қайд этиш жоиз: «Россия қўшиб олгандан кейин ўлкада рус ҳукумати учун икки манфаат, биринчиси, молиявий сиёсат нуқтаи назаридан давлат даромади ва ички ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун янги бозор, иккинчидан, мустамлакачилик сиёсати нуқтаи назаридан империянинг марказий губерниялардаги зич аҳолини жойлаштириш учун янги ҳудуд ҳисобланади»[1] .

XIX асрнинг иккинчи ярмида «Туркистон Россия учун ҳарбий стратегик ҳудуд сифатида, Англиянинг шарққа томон ҳаракатига тўсқинлик қилиш ва Петр I нинг орзусини амалга ошириш учун керак бўлган»[2].

Подшо ҳукуматининг Туркистондаги мақсадлари амалга ошиши учун энг аввало, ўлкада ҳар томонлама империя манфаатларини ҳимоя қиладиган бошқарув тизими зарур бўлган. Шу боисдан ҳам 1865 йилда Россия империясининг Ўрта Осиёда босиб олинган ерларни ўз ичига олувчи Туркистон вилояти ташкил қилиниб, унинг губернатори қилиб М.Г. Черняев тайинланади. Туркистон вилоятида ҳарбий тартиблар асосида ишлаб чиқилган маъмурий-ҳудудий бошқарув тизими жорий қилинади.

Россия империяси босиб олган ҳудудларда хукмронлигини мустаҳкамлаш учун дастлаб ўлкада ҳарбий-стратегик иншоотлар қурилган.

[1] Пален К.К. Приложение к отчету ревизии Туркестанского края // Материалы к характеристике народного хозяйства Туркестана. Ч.1. Отд.4. СПб., 1911. С. 496.

[2] Рыскулов Т.Р. Собрание сочинений. В 3-х т. Алматы. 1997. Т. 2. С. 126.

Улар ҳарбий ҳаракатларининг таянчи, қурол-яроғ, ҳарбий куч ва ҳимояланиш масканлари ролини бажарган. Мустамлака ҳукуматнинг ҳарбий кучлари асосан Тошкент, Самарқанд, Фарғона каби катта шаҳарларда ва ҳарбий истеҳкомларда жойлаштирилади.

Россия империяси Туркистонда мустамлакачиликка асосланган бошқарув тартибларини жорий қилишда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Д.М. Скобелев таъкидлаганидек, «Ҳеч нимани таваккал қилмасдан, мақсад сари тартибли тарзда бориш керак»[3], деган принципга амал қилган.

Туркистонда 1865 йилда «Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисидаги Низом» бўйича ҳарбий тартибларга асосланган бошқарув, 1867 йилда «Сирдарё ва Еттисув вилоятларини бошқариш тўғрисидаги Низом лойиҳаси» бўйича «ҳарбий-халқ» бошқаруви ва 1886 йилда «Туркистон генерал-губернаторлигини бошқариш тўғрисидаги Низом» бўйича «маъмурий-полиция» бошқаруви ўрнатилади.

Туркистон ўлкаси Россия империяси томонидан ўлка бошқаруви бўйича ишлаб чиқилган «Низом»лар (1865, 1867, 1871, 1873, 1882, 1884, 1886, 1908, 1912, 1916) асосида бошқарилган.

Туркистон ўлкасида жорий қилинган бошқарув тартиблари Россия империясининг сиёсий, иқтисодий, геополитик манфаатларини ҳимоя қилиб, ўлкадаги империя манфаатларига қарши қаратилган ҳар қандай қаршилик ҳаракатларни ҳарбий йўл билан бостириш, ерли аҳолини доимий тобеликда ушлаб туриш, империянинг савдо-сотиқ, саноат, молия-банк соҳалари фаолиятининг хавфсизлигини таъминлашдан иборат бўлган. Ушбу вазифаларни ўлкада ўрнатилган мустамлака бошқаруви ўз фаолияти давомида (1865-1917) етарли даражада бажарди.

Туркистонда Россия империясининг «савдо капитализмнинг талонторожлик иқтисодиётига тўла мос келадиган ҳокимият ташкил қилинди»[4].

Россия империяси учун Туркистон ўлкаси жуда катта ҳудудга эга мустамлака ҳисобланиб, унинг худуди айниқса, К.П. Кауфман хукмронлиги даврида янада кенгайган. Бевосита рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 1867 йилда мустамлакага айлантирилган ҳудуд 15,270 кв. мил бўлган бўлса, 1868 йилда Зарафшон округи ерлари 200 кв. мил майдонга, 1870 йилда Зарафшон дарёсининг юқори оқимидаги бекликлар ҳудуди 266 кв. мил майдонга эга. 1871 йилда Гулча 1,224 кв. мил ҳудудга, 1973 йилда Хива хонлигига қарашли бўлган ерлар эса 1,920 кв. мил

[3] Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. СПб., 1906. С. 42.
[4] Галузо П.Г. Туркестан - колония. М., 1929. С. 45.

ҳудудга эга. 1875-1876 йилда Қўқон хонлигининг 1770 кв. мил ерларидан жами 5,380 кв. мил бўлган ҳудуд босқинчилик йўли билан қўшиб олинган. Бунинг натижасида Туркистон генерал-губернаторлиги 20,650 кв. мил. ҳудудга эга бўлди. Аҳолиси эса Кауфман хукмронлигининг бошида 1.060.000 киши бўлган бўлса, унинг ҳукмронлиги охирида 3 млн. кишига етган (Гулча аҳолисидан ташқари). Туркистондаги рус аҳолиси эса 24 мингдан 65 минг кишига етган (ҳарбий қўшиндан ташқари)[5].

Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилинганда Еттисув ва Сирдарё вилоятларидангина иборат бўлиб, унинг ҳудуди 1,5 млн. кв. верст[*]ни ташкил қилган. Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудуди кенглиги жиҳатдан Франция, Германия ва Австро-Венгрия империялари майдонига тенг бўлган[6].

Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурий жиҳатдан Сирдарё, Еттисув, Самарқанд, Фарғона ва Каспийорти вилоятларига бўлинган. Сирдарё вилояти - Тошкент, Авлиёота, Казалинск, Перовск, Чимкент уездлари ва Амударё бўлимидан, Еттисув вилояти - Верний, Жаркент, Капал, Лепсинск, Пишпек ва Пржевальск уездларидан, Фарғона вилояти - Қўқон, Андижон, Марғилон,. Наманган ва Ўш уездларидан, Самарқанд вилояти - Самарқанд, Жиззах, Каттақўрғон ва Хўжанд уездларидан, Каспийорти вилояти - Ашхабод, Красноводск, Манғишлоқ, Мари ва Тажан уездларидан ташкил топган.

Туркистон генерал-губернаторлиги ҳарбий асосда ташкил қилиниб, ҳарбий зобитлар томонидан бошқарилган. Туркистон генерал-губернаторлиги империянинг марказий вилоятларида бўлгани каби ички ишлар вазирлигига эмас, балки ҳарбий вазирликка бўйсундирилган, унинг биринчи генерал-губернатори қилиб фон Кауфман тайинланган. Унга жуда катта ҳуқуқ ва ваколатлар берилганлиги учун ерли аҳоли уни «ярим подшо» деб атаган.

Туркистон генерал-губернатори ўз қўлида ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиятини бирлаштирган. У ўлкада подшо ноиби, ҳарбий округ қўмондони, Еттисув казаклар қўшини қўмондони, бош миршаб, бош прокурор ҳисобланган.

Туркистонда Россия империяси томонидан маъмурий бошқарув бўйича жорий қилинган тартиб-қоидаларнинг кўпчилиги синов-таж-

---

[5] Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. С. 266.

[*] *Верст* – ўлчов бирлиги., қиймати 1000 сажен, яъни 1,0668 км.га тенг.

[6] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистоннинг чор Россияси мустамлакачилиги даври. Тошкент: Шарк. 2000. 190-бет.

риба тарзида вақтинчалик татбиқ этилган ва мустамлака ҳукумат синовидан ўтмагани бекор қилиб борилган. Туркистон ўлкасида жорий қилинган бундай синов-тажриба кўринишидаги тартибларнинг аксарият қисмининг муаллифи фон К.П. Кауфман бўлган. Чунки, унга ўлка бошқарувини «маҳаллий шароитдан келиб чиқиб ва зарур бўлганда ўзгартириш» ҳуқуқи берилган эди. Фон К.П.Кауфман ўзига берилган ушбу ҳуқуқдан тўлалигича фойдаланган. Бундан ташқари фон К.П.Кауфман томонидан ўлкада Низом лойиҳаларида умуман кўрсатилмаган, жумладан, уездларда хўжалик бошқармалари ташкил қилинган[7]. Лекин, қисқа вақт ичида ушбу бошқарма фаолиятида порахўрлик ва суиистеъмолчилик кучайиб кетгани учун 1877 йилда тугатилади.

Туркистон генерал-губернаторлиги ижроия органи генерал-губернатор Маҳкамаси (Канцелярия) ҳисобланган. Маҳкама фаолияти ўлкани маъмурий, иқтисодий, молиявий, хўжалик ва назорат қилишдан иборат бўлган. Вилоятларни император томонидан тайинланадиган ҳарбий губернаторлар бошқарган. Ҳарбий губернатор қўлида маъмурий, полиция ва суд ҳокимияти мужассамлашган. Вилоятлар уездларга бўлиниб, уездлар ўлкада генерал-губернаторлик маъмурий тузилмасининг ўзаги ҳисобланган. Уезд бошлиқлари генерал-губернатор томонидан тайинланган[8]. Туркистон ўлкасидаги уезд бошлиқларининг Россия марказий губернияларидаги уезд бошлиқларидан фарқли томони шунда эдики, уларнинг қўлида маъмурий, полиция ва ҳарбий ҳокимият бўлган.

Уездлар ўз навбатида волостларга, ўтроқ аҳоли яшайдиган волостлар оқсоқолликларга бўлинган. Кўчманчи аҳоли яшайдиган волостлар эса овулларга бўлиниб бошқарилган. Волостлар 1000-2000 хонадон (ёки ўтов)дан, оқсоқоллик (ёки овул)лар 100-200 хонадон (ёки ўтов)дан иборат қилиб ташкил қилинган. Кўчманчи аҳолининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши уларнинг тарихий уруғчилик муносабатларига эмас, балки ўтовларнинг сонига қараб бўлиб юборилган[9].

Бошқарувда туб аҳоли вакилларининг фаолият доираси ижтимоий-иқтисодий соҳанигина қамраб олиб, уларнинг сиёсий фаолият олиб боришларига йўл қўйилмаган.

Мустамлакачи ҳукуматнинг маъмурий-ҳудудий соҳадаги олиб борган бундай сиёсати натижасида ўлкадаги турли миллат, элат ва уруғлар

[7] Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. С. 266.
[8] Азиатская Россия. Люди и порядки за Ураломъ. Санкт-Петербург: Издание переселенческого управления землеустройства и земледелия. 1914. Т.1. С. 57.
[9] Галузо П.Г. Туркестан-колония. С. 46.

ҳар хил маъмурий-ҳудудий бирлашмаларга бўлиниб кетган. Бунда мустамлакачиларнинг «Бўлиб ташла, ҳукмронлик қил» шиори асосида иш олиб боргани аниқ ва равшан намоён бўлади. Бу ҳол кўчманчи аҳолининг уруғчилик муносабатлари асосида шаклланган бошқарув тизимининг тарихий-миллий анъаналарига таъсир қилган. Хусусан, бир уруғ таркибида бўлиб келган аҳоли турли овул, волост, уезд, ҳаттоки, турли вилоятлар таркибига ажралиб кетган[10]. Бинобарин, Туркистонда империянинг ҳудудий бўлиш соҳасидаги сиёсати ўтроқ аҳолининг ҳудудий бўлинишига нисбатан кўчманчи аҳолида кўпроқ ўзгаришлар бўлган.

Ўрта Осиёнинг забт этилган ҳудудлари қаттиқ назорат ва тобеликда ушлаб турилган. Маҳаллий аҳоли вакиллари бошқарувнинг қуйи босқичидаги волост бошлиғи, қишлоқ оқсоқоли, қўрбоши, элликбоши, ўнбоши, мироббоши, ариқ оқсоқоли, мироб, қози, миршаб сингари лавозимларда иштирок этганлар[11]. Бироқ, бошқарувнинг қуйи бўғинидаги маҳаллий аҳоли вакиллари таъминотига маблағ ажратилмаган.

Туркистон ўлкасида Россия империяси суд тартибига асосланган империя қонунлари асосида иш олиб борувчи судлар фаолият кўрсатган. Полиция тизими мустамлака ҳукуматга бўйсуниб, ерли аҳолини тобеликда ушлаб туриш учун хизмат қилган. Шунингдек, маҳаллий ўтроқ аҳоли ўртасида шариат қоидаларига асосланган қози ва кўчманчи аҳолида одат қоидалари асосида иш юритувчи бий судлари фаолиятлари чекланган ҳолда сақланиб қолинган[12]. Россия империяси томонидан ўлка мустамлакага айлантирилган дастлабки даврда қуйи бошқарув ва суд соҳасида мустамлакачи ҳукумат «мутахассис»лари бўлмагани, бундан ташқари, ўлка бошқаруви барча бўғинида ялпи ўзгартиришлар туб аҳоли томонидан норозилик ҳаракатларини янада кучайтириб юбориши мумкинлиги инобатга олинган.

Россия империя ҳукмрон доира вакиллари томонидан босиб олинган ҳудудлардан мустамлака сифатида фойдаланишда ва ушбу ҳудудларда ўз ҳукмронлигини тўлиқ ўрнатишда, маҳаллий аҳолини тобеликда ушлаб туришда ўша давргача мустамлакачилик соҳасида жаҳон миқёсида тўпланган тажрибалар ўрганиб чиқилган, мустамлакачилик соҳасидаги эришилган ютуқлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилин-

---

[10] Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению Сенаторомъ Гофмейстеромъ Графомъ К.К. Паленномъ. Сельское управление: Русское и туземное. СПб., 1910. С. 87.

[11] Там же. С. 8.

[12] История Казахстана с древнейших времен до наших дней. В 5-т. Алматы. 2000. Т.3. С. 457.

ган. Жумладан, Англиянинг Ҳиндистондаги мавжуд ҳудудий, диний, этник қарама-қаршиликлар, ижтимоий келишмовчиликлардан фойдаланиш ҳамда маҳаллий бойлар, савдогарлар, руҳонийларни ўз манфаати йўлида хизмат қилдириш тажрибалари Туркистонда кенг қўлланилган. Бу соҳада « ... чоризмнинг Туркистонда олиб борган ваҳшиёна мустамлакачилик сиёсати бошқа империялар ўз мустамлакаларида олиб борган сиёсатдан фарқ қилмаган»[13] .

Англиянинг Ҳиндистонда амалга оширган мустамлакачилик сиёсати тажрибасида йўл қўйган камчилик ва хатолар ўрганиб чиқилган. Англия Ҳиндистонда ва Россия Туркистонда олиб борган мустамлакачилик сиёсати ўртасидаги фарқли жиҳатлари ҳам бўлиб, Россия империяси Туркистон ўлкаси билан ҳудудий жиҳатдан ёнма-ён жойлашганлиги, мустамлакага айлантирилган ҳудуд билан азалдан савдо, иқтисодий алоқада бўлганлиги боис, ўлкани босиб олиш арафасида мазкур минтақадаги бошқарув тизими, аҳолининг миллий ва ижтимоий таркиби, диний эътиқодлари тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлган.

Туркистонда жорий қилинган бошқарув тизими Россия империясининг марказий районларидан аҳолини ўлкага кўчириб келтириш сиёсатини амалга оширишда муҳим ўрин тутган. Кўчириб келтириш сиёсатининг асосий мақсади мустамлакага айлантирилган ҳудудларда подшо ҳукуматини ҳукмронлигини мустаҳкамлаш бўлиб, Россия Давлат Думаси аъзоси Трегубовнинг фикрича, «кўчиришдан учта мақсад кўзда тутилган, биринчидан, марказий Россиядаги ерсиз деҳқонларни ер билан таъминлаш, иккинчидан, Туркистондаги ҳосилдор ерлардан унумли фойдаланиш, учинчидан ва энг асосийси, империянинг чекка ҳудудларида Россия ҳукмронлигини мустаҳкамлашдан иборатдир»[14].

Россия империясининг кўчириш сиёсати натижасида «1882-1900 йилларда Фарғона вилоятида 20 дан ортиқ рус посёлкалари ташкил қилинган. 15 йил ичида эса 60 дан ортиқ посёлка пайдо бўлган»[15] .

Туркистонга империянинг марказий губернияларидан аҳолининг кўчириб келтирилиши ва ўлкадаги ҳосилдор ерларнинг зўравонлик билан тортиб олиниши кўплаб норозилик ҳаракатларига сабаб бўлган[16] . Туркистонда жорий қилинган мустамлакачилик бошқарув тизими ўлканинг ер заҳиралари ва қазилма бойликлари, пахта хом ашёсини Россия саноати манфаатлари учун хизмат қилдириш вазифасини бажарди. Бу ҳолат ўлкадаги ишлаб чиқаришнинг умумий тараққиётига тўсқинлик

[13] Ахмаджонов Г.А. Россия империяси Марказий Осиёда. Тошкент, 2003. 28-бет.
[14] Рыскулов Т.Р. Собрание сочинений. В 3-т. Т.2. С. 127.
[15] ЎзР МДА, И-18-фонд, 2-рўйхат, 118-иш, 114-варақ.
[16] ЎзР МДА, И-1-фонд, 9-рўйхат, 604-иш, 18-варақ.

қилиб, бир томонлама, яъни мустамлакачиларнинг иқтисодий манфаатларига бўйсундирилди. Бундай сиёсат ўлкадаги бойликларнинг талон-торож қилинишига, ерли аҳоли аҳволининг ёмонлашишига, пахта яккаҳокимлиги юзага келишига ва бошқа экин турлари қисқариб кетишига олиб келди.

Хуллас, «Россия империясининг сиёсий, иқтисодий соҳаларда олиб борган сиёсати натижасида Туркистон ўлкаси XX аср охирида подшо Россиясининг том маънодаги мустамлакасига айланган»[17].

Туркистондаги мустамлака бошқарув тизими ўлкада солиқлар йиғиб олинишида ҳам муҳим ўрин тутган. Солиқларни йиғиб олиш ва тартиблар асосан, аввалгидек сақлаб қолинган. Яъни, хонликлар давридаги солиқ йиғиш, даромад белгилаш мезонларига амал қилиб, маҳалла оқсоқоллари, аминлар, қозилар ёрдамида солиқ тўлаш тизими сақлаб қолинган. Асосий фарқи йиғилган маблағлар хон хазинасига эмас, балки генерал-губернаторлик хазинасига тушган[18].

Мустамлака бошқарув тартиблари, бошқарув маъмурларининг ноқонуний иш олиб боришлари, тубжой аҳолисининг камситишлари, шахсий манфаатлари йўлида суиистеъмолчиликлари ва жабр-зулмлари кўплаб норозилик ҳаракатларини келтириб чиқарган[19].

Хуллас, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Россия империяси томонидан Туркистонда жорий қилинган бошқарув тизими том маънода мустамлакачилик моҳиятига эга бўлган. Россия империясининг Туркистондаги маъмурий-ҳудудий бошқарув соҳасидаги сиёсати таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- Туркистонда XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси томонидан ҳарбий асосда бошқарув тартиблари жорий қилинади.
- Жорий қилинган ҳудудий-бошқарув тартиблари ўлкада империянинг сиёсий, иқтисодий ва геополитик манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.
- Мустамлакачиликни дастлабки даврида ўлкада ўрнатилган бошқарувнинг қуйи босқичида ерли аҳоли вакиллари Россия империясининг Туркистондаги сиёсий, иқтисодий соҳаларидаги режаларини амалга ошириш учун қуйи бошқарувда «ижрочи» ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётни тартибга солиб туриш учунгина сақлаб қолинган.

---

[17] Галузо П.Г. Туркестан-колония. С. 45.

[18] ЎзР МДА, И-269-фонд, 1-рўйхат, 12-иш, 170-варақ.

[19] Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Соч. М., 1964. Т.II. Ч.1. С. 315.

*С.Тиллабаев*

# *НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ АДМИНИСТРАТИВНО – ТЕРРИТОРИАЛЬНОГО УПРАВЛЕНИЯ РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ В ТУРКЕСТАНЕ*

*В статье прослеживается система управления Российской империи после завоевания ею Средней Азии. Обоснована колониальная сущность этой системы. Проанализированы основные цели колониальных властей в Туркестане в административно – управленческой сфере.*

*S.Tillabaev*

# *SOME ASPECTS OF THE ADMINISTRATIVE TERRITORIAL GOVERNANCE OF RUSSIAN IMPERIA IN TURKESTAN*

*The article describes the colonial essence of the governance's system of Russian Empire after the conquest of Central Asia. Author also basic goals of the colonial power in Turkestan in the realm of the administrative governance.*

## МУНДАРИЖА

А. Отахўжаев. Ғарбий Суғднинг суғориш тармоқлари билан боғлиқ атамалар хусусида ........ 3

Д. Алимова. Туркистон миллий тараққийпарвар зиёлиларининг диний бағрикенглиги ва гуманистик ғоялари ........ 12

**Ҳозирги замон долзарб масалалари**

Э. Нуриддинов. Марказий Осиёда хавфсизликни ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг ҳиссаси ........ 22

Г. Ғаниева. Аёллар ҳаётига таъсир этаётган айрим салбий ҳолатлар ва уларни бартараф этишда оила, жамият ва давлатнинг роли ........ 31

**Этнология тарихшунослиги**

А. Аширов. Этнос муаммоси замонавий тадқиқотчилар талқинида ........ 42

**Манба ва талқин**

Ш. Шоёқубов. Муғ тўпламида Турк хоқонлиги ва Суғд муносабатларининг айрим жиҳатлари ........ 54

**Ёш тадқиқотчи минбари**

Ў. Султонов. XIX асрда Тошкент мадрасаларининг ҳолати ........ 64

С. Тиллабоев. Россия империясининг Туркистонда маъмурий-ҳудудий бошқарув соҳасидаги сиёсатининг баъзи хусусиятлари ........ 73

## СОДЕРЖАНИЕ

А. Атаходжаев. О терминах, связанных с оросительными системами Западного Согда ... 3

Д. Алимова. Религиозная толерантность и гуманистические идеи национально - прогрессивной интеллигенции Туркестана ... 12

**Актуальные вопросы современности**

Э. Нуриддинов. Вклад Республики Узбекистан в обеспечение безопасности и стабильности в Центральной Азии ... 22

Г. Ганиева. Роль семьи, общества и государства в преодолении некоторых негативных явлений, влияющих на положение женщин ... 31

**Историография этнологии**

А. Аширов. Проблема этноса в интерпретации современных исследователей ... 42

**Источник и комментарии**

Ш. Шоякубов. Некоторые аспекты отношений между Согдом и Тюркским каганатом в мугском собрании ... 54

**Трибуна молодого исследователя**

У. Султанов. Состояние ташкентских медресе в XIX в ... 64

С. Тиллабаев. Некоторые особенности административно - территориального управления Российской империи в Туркестане ... 73

## Муаллифлар ҳақида маълумот

| | | |
|---|---|---|
| **А. Отахўжаев** | — | ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, ф.ф.н. |
| **Д. Алимова** | — | ЎзР ФА Тарих институти директори, т.ф.д. профессор. |
| **Э. Нуриддинов** | — | Низомий номли ТДПУ декани т.ф.д. |
| **Г. Ғаниева** | — | ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими. |
| **А. Аширов** | — | ЎзР ФА Тарих институти илмий ишлар бўйича директор муовини, т.ф.н. |
| **Ш. Шоёқубов** | — | Низомий номли ТДПУ «Ўзбекистон тарихи» кафедраси ўқитувчиси. |
| **Ў. Султонов** | — | ЎзР ФА Шарқшунослик институти аспиранти. |
| **С. Тиллабоев** | — | ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими. |

Муҳаррирлар: *М. Саидова, А.С. Михерёва*
Техмуҳаррир: *Л. Тюрина*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 153. Теришга берилди 26.09.2005.
Босишга рухсат этилди 8.11.2005. Қоғоз бичими 70x100¹/₁₆. Таймс гарнитура.
Офсет босма. Офсет қоғози. Шартли босма 6,77 т.
Ҳисоб-нашриёти 4,75 т. 369 нусха. 81-буюртма.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, акад. Я. Ғуломов кўчаси, 70.
ЎзР ФААК босмахонасида чоп этилди. Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 13-уй.